

Самарқанду Бухоронинг қонли кечмишлари

Муаллиф: Аъзам Ҳошимий
Таржимон: Абу Ҳафс Туркистоний

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Таржимондан

Аввало Аллоҳга чексиз ҳамду сано айтамиз. Сўнгра Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга салот ва салом йўллаймиз. Аммо баъд:

Муҳтарам китобхоннинг эътиборига ҳавола этилаётган бу китобча яқин ўтмишимизнинг ёрқин тарихлари жумласидандир. Бу тарих нафақат Самарқанду Бухоро, балки бутун Ўрта Осиё тарихидир. Ушбу китобчада ҳикоя қилинадиган ҳодисалар босқинчи рус коммунистлари азиз ватанимизга дўстлик, халқпарварлик ниқоби остида бостириб кириб келганларидан сўнг қилган қонхўрликларининг бир намунасидир. Она ватанимизни босиб олганларидан сўнг ўз дини, шарафи ва ватани ҳимояси учун оёққа турган боболаримизни кейинги авлодга “босмачилар” деб таништириб, ёш авлодни ўз аجدодларига нисбатан нафрат руҳида тарбиялай бошлади. Ҳақиқий тарихимиз бутунлай ўзгартириб талқин этила бошланди. Мактаб, институт, бошқа ўқув ва таълим-тарбия масканларида тарбияланувчиларнинг зехнлари захарлаб ташланди. Ҳар бир ёш авлодда ўз ўтмишига нисбатан жирканиш туйғуларини уйғотдилар. Аллоҳ таолонинг фазлу — карами билан бу босқинчи қора кучлар парчаланиб кетганидан сўнг баъзи бир тарихчи ва ёзувчиларимиз тарихимизни қўлларидан келганча ёритиб беришга ҳаракат этишди. Лекин улар ҳам бир тарафлама фақат миллий ва қавмий жиҳатдан ёндашиб қалам тебратдилар. Ҳаётимизнинг асл мақсади бўлган дини исломни ҳимоя этиш вазифасини назардан четда қолдирдилар. Китобхоннинг назарида боболаримиз гўёки фақатгина ватан озодлиги учун кураш олиб боргандек туюлади. Ҳақиқатда эса уларнинг асосий мақсадлари ислом динини муҳофаза этиш ҳамда мусулмонларнинг иззат-ҳурматларини сақлаш ва ватанимизни “Мусулмонлар ўлкаси” ҳолида сақлаб қолишдан иборат эди. Улар ушбу мақсад йўлида ўз молу дунёларини, ватанларини, азиз фарзандларини ва ҳатто ўз жонларини ҳам қурбон этдилар. Аллоҳ таоло улардан рози бўлсин ва уларни ҳам рози қилсин.

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг *“Ўзи учун яхши кўрган нарсани бошқа мўмин биродари учун ҳам яхши кўрган киши мукамал мўминдир”*, — деган мазмундаги марҳаматларига кўра, ушбу китобчани сиз азизларга тақдим этишни хоҳладик. Токи кўз ўнгимизда ҳақиқий ҳолат намоён бўлиб динимиз қадри, уламоларимиз ва боболаримизнинг сиймолари гавдаланиб керакли

хулоса чиқариб олсак.

Китобнинг муаллифи билан китобни ўқиш мобайнида танишиб оласизлар. Бу китоб ҳозирги тарихларимиздек, у китобдан бу китобга кўчирилган эмас, балки шу воқеаларнинг ичида бўлиб айнаи шоҳид бўлган шахснинг ҳаётидир. Китобни мутолаа қилганимиздан сўнг муаллиф тўғрисида маълумот ҳосил қилишга киришдик. Марҳум муаллиф Афғонистонга, кейинчалик Ҳиндистон ва Покистон томонларга ҳижрат этиб охириги ҳаётини Покистонда Карочи шаҳрида давом эттиради. Шу ерда уйли-жойли бўлиб бир неча фарзандли бўлади. Онасининг васиятига биноан, бошидан кечирган ва ўзи шоҳид бўлган Туркистон фожиаларини жуда кўп инсонларга ҳикоя қилиб беради. Кейинчалик баъзи дўстларининг қистови билан ўз кўрган-кечирганларини қоғозга туширади. Аввало газеталарда чоп этилиб, 1970 йил Лоҳур шаҳрида китоб шаклида босмадан чиқади. Муаллиф тақрибан 1973 йилларда вафот қилади.

Азиз китобхонлар!

Аллоҳ таоло биз бандаларни ўтмишдан ибрат олиб, ундаги хатоларни такрорламасликка ундаб шундай марҳамат қилади:

فَاعْتَبِرُوا يَا أُولِيَ الْأَبْصَارِ

“Бас ибрат олингиз, эй ақл эгалари”

Аллоҳ ҳақ ва рост сўзлагувчидир. Ҳар бир оқил инсон ўз тарихи билан танишгандан сўнг албатта ундан тўғри хулоса чиқариб ибрат олади ва ўзининг яшаш турмушини ўтганлар ҳаётига таққослаб уларнинг ҳалокатига олиб борган ишлардан узоқлашишга тиришади ҳамда ғафлатдан уйғониб мулоҳаза билан фикрлай бошлайди. Китобда уламоларимизнинг бири ўз айбларига иқрор этиб шундай деганига гувоҳ бўламиз: “Бизга келаётган бу бало-офатлар (яъни рус босқинчиларнинг тажовузи) ўзимизнинг ношукрлигимиз ва Парвардигорнинг амрини тўғри адо этмаётганимиздандир. Бу гуноҳларимизнинг каффорати қачонгача давом этаркин?!”.

Азизлар! Бизлар ким эдик-у ва кимларга ўхшаб қолдик? Кўзимизни ёғ босиб атрофимизда бўлаётган воқеаларни ўнг — тесини ажратолмай қолдик. Фарзандларимиз бутунлай тизгинсиз бўлиб қолдилар, ҳалол-ҳаромни ажратмай қўйдилар. Диний ибодатларга юзаки тақлид этиш оммага одат бўла бошлади. Ислom руҳи ўртадан кўтарилди. Мусулмон билан кофирнинг фарқи билинмай қолди. Агар ҳаётимиз шундай давом этса бошимизга қандай фалокатлар келишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Модомики, биз ўз ҳаётимизни ва нафсимизни ўзгартирмас эканмиз ҳеч қачон ҳаётимиз ўз-ўзидан яхши тарафга ўзгармайди. Бас, шундай экан устимиздаги

вазифани ҳис этайлик. Бизгача омонат тарзида етиб келган динимиз ва қадриятларимизни тўла-тўкис келгуси авлодга етказайлик ва Аллоҳ ҳузурига ёруғ юз билан қайтайлик. Шунинг учун биз адабиётдан узоқроқ бўлишимизга қарамасдан ушбу тарихимиз намунасини сиз азизларга етказишни ўз вазифамиз деб ҳис этдик. Халқимиз “Сўзчи ҳолига боқма, сўз ҳолига боқ” — деганидек китобнинг ёзилиши эмас, балки хулосасидан ибратланмоғингизни умид этиб ушбу ишга бел боғладик.

Аллоҳ таоло бир ояти каримада:

وَذَكِّرْ فَإِنَّ الذِّكْرَى تَنْفَعُ الْمُؤْمِنِينَ

“Бас эслатинг, албатта эслатмоқ, ёдга солмоқ мўминларга манфаатликдир” — дея марҳамат этади.

Биз фақирлар ҳам халқимизнинг ўтмишини ёдларига солмоқдамиз ва ишониб айтамызки, албатта бундан мўминлар манфаат ҳосил этадилар. Аллоҳга ҳамду-санолар бўлсинки, ўзининг лутфу-марҳамати ва мадади билан сиз азизларга ушбу китобни тақдим эмоқдамиз. Сизлардан умидимиз биз, фақирларни ҳам муборак дуоларингизда ёдга олиб дуо этсангизлар. Китобнинг таржимасига боис бўлган устозимиз, Карочидаги “Дорул улум” жомеъасининг раиси ҳазрат мавлоно муфтий Муҳаммад Рафиъ Усманий ҳазратларига ўзим ва халқимиз номидан чуқур миннатдорчилик изҳор этаман. Ул кишининг динимиз ва Мовароуннаҳр мусулмонлари ҳақидаги ғамхўрликлари учун Аллоҳ таолодан ажру азийм беришини тилаб қоламан.

Абу Ҳафс Туркистоний.
22.04.1420 ҳижрий-қамарий
05.08.1999 йил (мелодий)

Муаллиф борасида қисқача таништириш

1971 йили Карочи дорулфунунига алоқаси бўлган улуғ шахсият Аъзам Ҳошимий билан мулоқот этиб қолдим. Ул зот менинг марҳум волиди мухтарамим Покистон Муфтий Аъзами ҳазрат муфтий Муҳаммад Шафиъ (роҳимахуллоҳ) соҳибнинг хузурларига бир неча йилдан буён келиб турар экан. Лекин бу менинг у зот билан бўлган аввалги мулоқотим эди.

Менинг бутун аъзоларимни жунбушга келтириб юборган, 1970 йили Лоҳурда чоп этилган “Самарқанду Бухоронинг қонлик кечмишлари” номли китоб шу зотнинг кечинмалари эканлиги маълум бўлгандан кейин, тасаввур этиб бўлмайдиган даражадаги қалбий боғланишнинг пайдо бўлиши Аллоҳ томонидан бўлган ғайриоддий бир ҳолдир. Бу боғланиш бир неча бор мулоқотимизга боис бўлди. Охирги мулоқотимиз тақрибан 1972 йилларнинг охирида бўлган эди. Шу яқин орада эшитишимизга қараганда, ул зотнинг вафот этганига бир қанча йил бўлибди. Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, ул зотнинг фарзандларидан баъзиси Карочида, баъзиси Исломободда ва баъзилари Саудия Арабистонида истиқомат этмоқдалар.

Ўзбекистон совет босқинчиларидан озод бўлгандан буён совет босқинчилиги даврида беҳабар қолдирилган бу қонли достонни у ернинг янги униб келаётган фарзандлари хабардор бўлсинлар учун ушбу китобни ўзбек тилига таржима этилишини дилдан хоҳлаб юрар эдим.

Карочи “Дорул-улум” жомеъасининг истеъдодли навниҳол толиби Абу Ҳафс менинг таклифимга кўра ушбу китобни жони дили билан таржима этди.

Аллоҳ таоло бу китобни ҳамма учун манфаатли, таржимон учун эса охират захираси этиб ўз даргоҳида мақбул этсин.

Аллоҳ ёрдам сўралувчи зотдир.

Муҳаммад Рафиъ Усманий
21.04.1420 ҳижрий-қамарий,
04.08.1999 йил (мелодий)

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Ҳижрат

У кеча менинг ёдимдан ўла-ўлгунимча унутилмайди. Ўша воқеага ҳам 38 йил ўтиб кетибди. Ҳозиргача ўша кечанинг ҳар бир лаҳзаси хотирамга нақш каби ўрнашиб қолгандир. Минглаб кечакундузларни ўтиши ҳам у кечанинг ёрқин хотираларидан бирон нарсани камайтирмайди. Баъзи вақтлар шундай ҳолатни ҳис этаманки, гўёки ҳозир ҳам онам ўша тунда деворнинг ёнида туриб мени кузатаётгандек ва “Ўғлим! Аллоҳ сени сақлагувчидур! Менинг насиҳатларимни унутма! Агар унутсанг, мен сендан рози эмасман” — деяётгандек туюлади.

Бу воқеа 1931 йилнинг тақрибан февралнинг охири ёки мартнинг бошларидаги ҳодисалар хотирасидир.

Мен ўзимнинг кроватимда ухлаб ётар эдим. Онажоним мени оҳиста овоз билан уйғотди. Мен уйғониб кўзларимни ишқалаб ўтирдим. Тезда ҳамма нарсага тушундим. Она-бола бир неча кунлардан бери қилиб юрган маслаҳатимизнинг амалга ошиш вақти етган эди.

— Тур, ўғлим таҳорат қил — дедилар онам ва кўзага сув тўлдирди бошладилар.

Туриб таҳорат олдим. Сўнгра она-бола икковимиз даргоҳи илоҳийга эгилиб икки ракаатдан намоз ўқидик.

Онам аврод ва вазоиф (махсус оят ва дуолар) ўқиб дам солдилар. Кейин ошхона тарафга кетиб ўн беш-йигирма дақиқалардан сўнг дастурхон кўтариб кириб келдилар, бир қўлларида сихлик кабоб бор эди. Кабобни ўз қўллари билан едирдилар.

Таомдан сўнг онам:

— Жигаргўшам тур! Бегуноҳ ука ва сингилларингнинг дийдорларига охирги марта тўйиб ол — дедилар.

Аста юриб уларнинг кроватларига яқинлашдим. У маъсум “фаришта”лар дунёи жаҳондан беҳабар ухлашарди. Бегубор покизалик уларнинг чехраларида ярқираб барқ урарди. Мен қайта-қайта уларнинг пешонасига қўлимни қўйиб уларнинг ҳаққига Аллоҳ таолодан хайру-офият тиладим.

Бу менинг сабримни имтиҳон этилиш вақти эди. Муҳаббат ва меҳри-шафқат сарчашмалари юракларимда қайнай бошлади. Эҳтимол мен бундан сўнг уларни қайта кўра олмасман. Ўйлаган сари кўз ёшларим қуйила бошлади. Лекин кўз ёшларимни киприкларимда қуритишга тиришардим. Онам 65 ёшларда эди, лекин ҳимматлари

навқирон йигитлардан ҳам зиёда эди. Онам бир зум менга қараб туриб: “буёққа юр, ўғлим!” – дедилар. Овозларида озгина титроқ бор эди. Онамнинг бу ҳолатларидан ўз туйғуларини яширмақчи эканлари сезиларди. Кичикроқ тугунчани кўтариб ҳовли томон юрдилар. Хужрадан чиқиб ҳовли саҳнига етдик. Дарвозани очдим, ҳовли саҳнидан боғча тарафга ўтдик. Она-бола мусаффо осмон остида хилма-хил мевалар ўртасида турардик.

Онажоним пешонамдан ўпиб: “Ўғлим! Сен ҳамма орзу-умидларим таянчисан. Лекин кўриб турганингдек, азиз ватанимизда яшаб, сидқидил мусулмон ҳолатингда менга хизмат қилолмайсан. Шунинг учун сенга бу азиз ватанингда иймонсизлик таъсир этмасидан аввал, бошқа бир дину диёнатлик озод мамлакатга ҳижрат қилишингга ижозат бераман. Аммо бир шартим бор, мумкин қадар дунё мусулмонларига Туркистон мусулмонларининг қувватсизлиги ва дини исломнинг оёқ-ости қилиниб, хорланаётганини етказасан. Ўғлим, мен сени бирор марта ҳам бетаҳорат эмизмадим. Агар бу сўзларни унутсанг, мен сендан ҳеч қачон рози бўлмайман. Ваъдага вафо этиш ва собитқадамлик инсоннинг шарофати ва улуғлик белгисидур” – деб, қўлларидаги ёстиқсимон кичкина тугунни бериб:

– Буни яхшилаб сақла, хусусан бунинг ичидаги Қуръони каримни ўз руҳингнинг бир ҳиссаси қилиб ол. Мақсад этган манзилингга етгандан сўнг, ҳозирги жилдини ўз қўлинг билан кўчириб, янги муқова қилгин. Эски муқовани ўз қўлинг билан кўчир-да, сўнгра уни ёқиб кулини бирон дарё ёки қудуққа ташлаб юбор – дедилар.

Ушбу сўзларни алоҳида таъкидладилар:

– Огоҳ бўл! Сени она ватанингдаги бирон нарса ғафлатда қолдирмасин. Ҳамдардларга ҳамдардлик қилишни унутма! Аллоҳнинг душманлари ва мулкни зўравонлик ила тортиб олгувчи босқинчилар сенга ҳеч қачон дўст ва хайрихоҳ бўла олмайдилар.

– “Қўрқоқ инсон ўз мақсадига ета олмайди”,

– “Иймондан ортиқ улуғроқ неъмат йўқдур”,

– “Йигит ўз сўзидан қайтмас”.

Кимки бу уч сўзга амал этса ғафлатда қолмайди... Онам узоқ насиҳат қилдилар.

Бу ваҳимали кечанинг охирги қисмида гоҳ-гоҳида хўрозларнинг овози эшитилар эди. Ой ёришиб, дарахтларнинг сояси ёйилиб қолганди. Боғчадан чиқиб деворнинг қўйи томонидаги қисмига етдик. Онам қўл кўтариб дуо қилдилар. Сўнгра қўллари билан бошимни силаб, елкамга қоқиб:

– Қани, жўна ўғлим! Аллоҳ сен билан, ўзи сенга мадакқордир – дедилар.

Мен охирги марта уй ва боғимизга назар солдим. Бу боғдаги қанчадан-қанча ниҳолларни ўз қўлим билан ўтқазиб, парвариш этиб ўз меҳнатим ва пешона терларим билан суғорган эдим.

Ушбу уйда туғилдим, униб-ўсдим, улғайдим. Хонадонимиз бизларнинг аждодий тарихимиз гувоҳи эди. Ҳаттоки, ҳар бир тошлари ўтмишнинг дostonлари ва менинг болалик хотираларим пайвастаси эди.

Буларни эслаб, чуқур нафас олиб хўрсиндим. Онажоним билан хайрлашиб девордан ошиб кўчага чиқдим. Боғимиз ва катта кўчанинг ўртасида қабристон бор эди. Қабристонга сукунат чўккан, мен эса бузилган қабрларни ва тупроқлардан бунёд қилинган паст-баланд гумбазларни кўриб қалбимга кўрқинч тушди. Ўзимни қўлга олиб қабристонга кирдим. Қўлимда онам берган тугунча бор эди. Бир неча қадам босган ҳам эдимки, боғимиз тарафдан онамнинг гайритабиий қичқирган овози келди. Тезда бурилиб боққа қайтдим. Ногаҳон, онамни девор остида беҳуш бўлиб ётганини кўрдим. Оғзиларига сув томчилатган эдим кўзларини очдилар ва мени кўриб:

— Сен нимага қайтиб келдинг? Ўз манзилингга етишда беҳимматлик қилма! Бизнинг ҳимоячимиз ҳар нарсага қодир зотдур, унинг мавжудлигига иймон келтириш ҳар бир ақллик илм эгасининг ҳаёт сармоясидир! — дедилар.

Онамни шу ҳолда ташлаб, номаълум манзил тарафга равона бўлдим.

* * * * *

Ўтмиш

Мен уйдан нима учун ўғри каби яшириниб чиқдим? Ва қандай...? Бу саволларга жавоб бериш учун ўтмишга қайтиш зарурдир...

Мен 1915 йили Фарғона вилоятининг (ҳозирда Ўзбекистоннинг машҳур вилоятларидан бири) Андижон музофотидаги “Қайқи” номли бир кичик қишлоқда таваллуд топдим. Волиди муҳтарамнинг номлари Хўжахон домла, бобомнинг исмлари Шайх Иззатуллоҳ эди.

Волидамизнинг қиблагохлари Фиёсиддин эшон Намангоний номи билан машҳур эди. Бул зотлар ўз замонасининг буюк дин олимларидан эдилар. Айниқса Фиёсиддин бобом бутун Туркистонда “Устозул асотиза” (устозлар устози) куняси ила шуҳрат қозонган бўлиб, ниҳоятда кўп шогирдлари бор эди.

Отамнинг насаблари тўрт отагача олимлар ва тариқати нақшбандиянинг халифалиги билан боғланар эди.

Менинг насабим онам тарафидан ҳазрат Хусайн розияллоху анҳуга етар эди. Бобокалонларим ҳазрат Қутайба ибни Муслим

(роҳимахуллоҳ) билан дин равнақи учун Туркистонга ҳамроҳ бўлиб келиб шул жойда яшаб қолган эkanлар. Ўша даврдан бери бу хонадондан улуғ шайхлар, буюк уламолар етишиб чиққан эkan. Уларнинг қабрлари мен ҳижрат қилган вақтда ҳам бор эди.

Ёвуз рус босқинчилари Туркистон заминига тажовуз этганида бобом Фиёсиддин эшон ва онамнинг тоғаси Ботирхон тўра Намангоний ул босқинчиларга қарши чиққанларнинг аввалги сафида бўлдилар.

Бу “гуноҳ”лари учун улар ушланиб, умрбод зиндонбанд қилинди. Мислсиз етказилган азоблар натижасида, бу бевафо имтиҳон ҳовлисидаан ғолиб бўлиб, очиқ юз билан Роббимиз ҳузурига сафар қилдилар.

إنا لله وإنا إليه راجعون

Менинг уч тоғам бор бўлиб, бирлари Абдулҳамидхон тўра, яна бирлари Абдуррашидхон тўра ва Муҳйиддинхон тўра эдилар. Ниҳоятда тақводор, зоҳид ва парҳезкор бузруглар бўлиб барча авомму-хос уларга мурожаат этишарди.

Хонадонимиз каттагина оила бўлиб 11 нафар ака-ука ва опа-сингил эдик. Беш ўғил ва икки қиз мендан катта эдилар. Хонадонимиздаги аёллар араб ва форс тилларининг олималари бўлиб, онам ва тўрт холам ҳам пухта олималар эди.

Тирикчилигимиз деҳқончилик ва савдо-сотик билан бўлар, тахминан 5 гектар еримиз бор бўлиб, ярми лалмикор ва ярми сувлик эди. Унда боғу-роғлар ҳам чангалзорлар ҳам топиларди. Хуллас, кунлар хушҳоллик билан ўтарди. Туркистон деҳқончилик низоми хусусида тушунмовчиликка бормаслик керак. Деҳқон ҳақиқий ер ҳокими ва хўжайини деб саналарди.

Деҳқончилик ривожланган, лекин деҳқонлар ҳаққига кўз олайтирилмас, уларга меҳнатларининг ҳосили тўлиқ ундириб берилар эди. Ўз ери бўлмаган деҳқон камдан-кам топиларди. Ерлар Ҳиндистон ва Покистон сингари заминдор бойлар тасарруфи остида эмас эди.

Хонадонимиз эркаклари тақрибан барчаси шаҳид бўлиб кетишди. Онам олима бўлгани учун таълимни онамнинг раҳномаликларида бошладим. Ибтидоий дарсликларни ўз қишлоғимизда, давомини эса Қўқон, Наманган, Самарқанд ва Шаҳрисабз томонларда яширинча давом эттирдим. Чунки болшевиклар Туркистонни ишғол қилгандан сўнг диний таълим ўрганишни ман этган эдилар. Дин етказиш ва тарқатиш ниҳоятда улкан “гуноҳ” ҳисобланар, гўёки диний илм ўрганиш ўз хоҳиш билан мусибат талаб этиш маъносида эди.

* * * * *

Жасорат ёки ҳижрат сабаби

Рус инқилобидан олдин, чор Русияси даврида замонавий таълим-тарбия фақат номигагина бўларди. Чунки таълим рус тилида бўлар, иккинчидан бу таълимий идораларнинг бошқаруви ва интизоми католик попларнинг қўлида бўлиб, аксар вақт устозлар ҳам улардан тайин этиларди. Уларнинг таълим бериш мақсадларидан бири мусулмонларнинг фарзандларини насронийлаштириш ҳамда бу таълимгоҳнинг ҳар бир битирувчисини ўз динидан маҳрум этиб, динсиз русларнинг ифлосона ҳаёт тарзини ҳимоя қилувчи этиб тарбиялаш эди.

Шунинг учун аксар мусулмонлар бу идоралар билан ўз алоқаларини узишган эди. Туркистон бўйлаб эса мингларча диний таълим марказлари мавжуд бўлиб, у ерда туркий тилда таълим берилар эди. Бирор шаҳар ёки қишлоқ бу диний дарсгоҳлардан холи эмас эди.

Саховатлик бой-бадавлат мусулмонлар мадрасаларнинг таъминоти учун ўз ерларини вақф этишар, таълим эса толиби илмларга бепул ўргатилар эди. Лекин озиқ-овқат, ўқув дарсликлари толибларнинг ўз ёнларидан бўлиб, 12-16 йиллик таълим харажатларини ўз зиммаларига олишар эди. Битирувчи талабалар вилоятларда муфтийлик этишар, мусулмонларнинг шахсий қонунларига алоқалик адолат марказларида бирор вазифада қоим бўлар ёки тижорат ишлари билан шуғулланар эдилар.

Бу таълимгоҳлар ўзи бир олам бўлиб сиёсат майдони бутунлай тарк қилинган, уламолар бу майдонни динсизлар қўлига топшириб қўйган эдилар. Туркистоний муошара олами исломдан узиб қўйилган эди. Ҳар бир шахс шоир ва ҳаваскор эди. Йилнинг ярми сайру-хурсандчилик, овчилик билан ўтказилар, обрў орттириш учун мол-дунёни беҳисоб сарф қилиш бизнинг фахримиз ва имтиёзий шаънимиз хисобланар эди. Кўп уламоларимиз тор назар билан фаръий масалаларда низолашишар, бу билан ислом ҳақида чуқурроқ мулоҳаза этишдан ғафлатда қолишар эди. Тасаввуф илми ривожланган бўлиб, баъзи бир машойих ва сўфийлар муошара ва халқнинг амалий масалаларидан юз ўгириб, хонақоҳларга шўнғиб кетишганди.

Муроқабани, кашфи қубур, узлат, риёзат, чилла ва ваҳдатул вужуд борасидаги баҳсу-мунозаралар уларнинг машғулотига айланиб қолган эди ва муридларга ҳам шулар талқин этиларди. Агар бирор киши уларнинг ўзаро масала таллашишлари ва халқдан юз ўгирганларини танқид этса, улар:

— Бизга бирор душман ҳамла этяптими?! Агар ҳамла этса, биз жиҳод майдонига тайёرمىз. Хонақоҳларимизнинг тарбиятидан

ҳақиқий мақсад жиҳодга тайёрлашдир, — дея жавоб беришарди.

Туркистон мусулмонларининг кеча-кундузлари шу тарзда давом этарди.

1917 йил февралида Русияда инқилоб юз берди. Оқ подшоҳ ҳукумати ағдарилиб, Керенский раҳбарлигида эркпарастлар муваққат ҳукумат қоим қилишди. Бундан фойдаланиб Туркистон ҳам ўз озодлигини эълон этди.

Қўқон Туркистон пойтахти қилинди. Муваққат ҳукумат раҳбарлари ҳам Туркистон озодлигини қабул қилди. Лекин муваққат ҳукумати қўл остида “Миллий муҳофиз”лардан бошқа қувватлик армия йўқ эди. Туркистон ҳукуматининг раҳнамолари озодликни мустаҳкамлаш учун кеча-ю кундуз тинимсиз меҳнат қилишди. Уламолар ҳам бу ишда катта ёрдам кўрсатишди. Қонуншунослик мажлиси барпо этилиб, қонунчилик дастури тезлик билан тузила бошлади.

Шу вақтда Ленин бошчилигидаги коммунистлар Керенский ҳукуматини ағдариб, бутун Русияни ўз қўлларига олишди. 1918 йилнинг февралида Туркистонга ёвузона ҳамла этишиб, унинг бир неча кунлик озодлигини ўлим жарига қулатдилар. 1918 йилнинг декабрида Бухоро ва Хивага чангал солинди. Коммунистлар Туркистонни қўлга киритиши билан боғлар, ерлар, дўкон ва корхоналарни зўравонлик ила тортиб ола бошлашди. Бу талончилик ва қароқчиликнинг янгича “маданиятлик” услуби ва диндорларни Аллоҳни итоатидан ўз итоатларига бўйинсундириш ҳийласи эди. Дехқон, савдогар, уламо ва мазҳабга тааллуқи бор кишиларни агарчи ўқиш-ёзишни билмасалар ҳам, барчасини “ҳуқуқи шахрият” (фуқаролик)дан маҳрум этишди. Исломнинг буюк арконлари намоз ва рўза улкан “жиноят” деб ҳисобланди. Ҳажга бориш ман этилди. Масжидлар беркитила бошланди. Масжидларни беркитишга бир неча ҳийла ўйлаб топишди:

1. Аввал масжид ва мадрасаларнинг вақф ерлари тортиб олинди, улар ўз таъминотларидан маҳрум этилди.

2. Масжидларни очиқ қолишига шарт қилиб катта миқдорда солиқ солинди. Улар саховатлик кишилар хайру-садақа йиғиб солиқни адо этишаётганини кўришгач, хайрия этувчиларга ҳам солиқ сола бошладилар. Ошкора бундай эълон қилишди: “Кимки масжид солиқларини адо этар экан, биз уларни ўз хазиналарини яшириб қўйишда айблаймиз ва улардан мол-мулкани тортиб оламиз. (Бировнинг мулкани зўравонлик билан тортиб олиш ҳақиқий қароқчиликдур).

3. Агар бу солиқлар ўз вақтида адо этилмаса, бир ҳафтадан сўнг масжидга яна зиёда солиқ солинарди. Шу шаклда кундан кунга солиқ

миқдори кўпайиб борар эди.

4. Ҳаттоки, намозхонларга “Намоз солиғи” солинди.

Натижада, одамлар уйларида намоз ўқишга мажбур бўла бошлашди. Бунинг оқибатида масжидлар хувиллаб қолди.

Масжидлар бу ҳолатга тушгандан сўнг коммунистлар тўпланиб: “Фалон масжид бекор қолди, у ерда ҳеч ким намоз ўқимайди, ҳукумат уни бирор корхона ихтиёрига топшириш керак” — деб қарор қабул қилишарди. Эртасига уларнинг бу қарори ўз газеталарида чоп этилар эди. Натижада улар масжидни эгаллаб, отхона, клуб ва маданият уйларига айлантиришар ёки бузиб ташлаб шаҳид этишарди.

Коммунистик партиянинг ташвиқот идоралари ҳар бир маҳаллада очилиб, диннинг хилофига фасод сўзларни тарқатишар, динни масхаралаб уни йўқотиш йўллари йўргатишар эди.

Улар “Одамларнинг бирор иш қилишлари учун ҳукумат тарафидан ижозатнома олишлари зарур” — дея янги қарор чиқардилар. Ижозатномасиз деҳқончилик, косибчилик, хунармандлик ва савдогарлик, ҳаттоки мардикорчиликка ҳам руҳсат йўқ эди. Диний, миллий ва қавмий анъаналарни ҳурмат қилувчи кишилар учун бу ижозатнома олиш тобора қийин бўла бошлади. Уни олиш учун дин ва иймондан юз ўгириш лозим эди. Аввал бошдан саллани, кейинроқ эса дўппини, соқолни, паранжини, кейинроқ эса иффат, ҳаё ва ор-номус, сўнгра иймонга тажовуз қилиш коммунистлар ҳийлаларидан бири эди.

Бир томондан қотиллик, зўравонлик ва босқинчилик авжига чиқди. Диндор, намозу рўзага мустаҳкам кишиларга қотилона ҳамлалар бошланди. Лекин шундай “адолатлик” ҳукумат томонидан бирор қотил ушланиб жазо берилмас эди. Мусулмонларни эса қилган ишларидан қийиқ ахтариб ваҳшиёна жазолар эдилар. Шу тариқа минглаб мусулмонларни қатл этдилар.

1927 йилдан кейин бу қотиллик ва хунрезликлар ислом кишиларига нисбатан душманчилик тарзида янада авжига чиқди. Коммунистлар исломга қарши бўҳтонлар уюштиришар, Қуръон, ҳадис, дин ва дин пешволарини масхаралаб суратлар чизишар, бу суратларни йўл бўйига ва масжид деворларига ёпиштиришар эди. Набий карим соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг номи муборакларига лой чаплашар, театр ва киноларда масхаромуз драмалар ижро этишар эди. Бу таҳқирлардан юз ўгириш, назарни сақлаш “жиноят” ҳисобланар эди. Коммунистларнинг зулму-ситами ва ҳақоратларининг интиҳойи даражаси шундан иборат эдики, улар Пайғамбар алайҳиссаломнинг фаразий ҳайкаллари ясаб чорраҳаларга ўрнатиб қўярди ва ўтган-кетган йўловчиларни

ушлашиб, мажбуран унга қаратишар эди.

Бундай зулмлар мусулмон ҳолатида умр кечиришни хоҳловчи инсонлар учун ҳижратдан (ёки жиҳоддан) бошқа йўлни кўрсатмас эди.

Мисол учун бир воқеани зикр қиламан: Кунларнинг бирида қишлоғимизнинг жомеъ масжидида коммунистларнинг мажлиси ташкил қилинди. Тамом қишлоқ аҳлини йиғилишга қатнашиш учун ҳукм этиб, иштирок этмаганларга жазо берилиши эълон қилинди.

Одамлар мажбуран тўпланишди. Масжид лиммо-лим тўлгандан кейин, мажлис бошланди.

Мажлис раисининг биринчи эълони: “Руҳонийлар мажлисдан чиқиб кетсин” — деган сўзи бўлди. Туркистонда дин ва мазҳабга эътиқодлик кишиларни “руҳонийлар” деб аташар эди. Бу эълондан сўнг кўпчилик туриб, чиқиб кетди. Масжидда фақат заиф мусулмонлар, баъзи фосиқ-фожирлар ва ёш болалар қолди. Чиқиб кетганларнинг номлари ёзиб олинди. Масжид озгина вақт сукунатга чўмди. Сўнгра қаттиқ товушда қўнғироқ чала бошладилар.

Ҳа, ҳа... Масжиднинг ичида шундай қилардилар. Таҳқирлаш ва камситиш шу даражага етган эди. Қўнғироқ чалингандан кейин мажлис янада жонланди. Бир киши минбарга яқинлашди, уни ислом файласуфи дея таништирдилар. У шахс бир соатча исломнинг зиддига оғзидан кўпиклар сочиб ноўрин, бўлмағур тухматлар қилди. Унинг бундай беҳуда, қабиҳ сўзларини ёзишга кимнинг ҳам тоқати етарди?! Қисқача хулосаси шундай эди:

1. Диний мазҳабларнинг, хусусан исломнинг мақсади авомнинг дилига худонинг тасаввурини киритиб, уларни ўзларига бўйсундиришдир.

2. Бу тасаввурни киритиш сармоядорлар ва муллоларнинг ўз манфаатлари учун кўзлаб чиқарилган ихтироларидир.

3. Аллоҳ, Росул, жаннат, дўзах, Қиёмат, ҳашр, нашр, фаришта ва бошқа барча эътиқодлар уйдирма ва хурофотлардир (Аллоҳ сақласин!) Коммунистлар партияси бу тасаввуротларни яқсон қилиб авому меҳнаткашларни “руҳоний”ларнинг макр-ҳийла тўрларидан халос қилишга қатъий қарор қилди — деган мазмундан иборат эди.

Бу коммунистлар содда, илмсиз мусулмонлар учун қўллаган қабиҳ режалари узоққа етмай, оддий бир супурги ўргимчак уясини вайрон этганидек вайрон бўлиб, уларнинг ҳақиқий башаралари очилди. Улар ўзларининг ёвуз башараларини меҳнаткашларга ҳомий, ваҳшиёна мақсадларини халоскорлик ёрдами, дея ниқоблардилар. Аммо халқимиз айтганидек: “Ҳақ эгилади, букилади, лекин синмайди”.

“Нотиқ” ўз баёнотидан жунбушга келиб: “Бирорта савол берадиган борми?” – деб қичқирди.

Бу дарранданинг бўҳтонларини эшитиб менинг қоним қизиб кетди. Ҳаяжон билан ўрнимдан турдим ва уларнинг башараларига тик қараб баралла овозда: “Сенинг бу бўҳтонларингга жавоб берадиганларни чиқариб, энди уларнинг руҳларидан жавоб сўраяпсанми?!” – дедим.

Ҳаяжонланимдан нималарни сўзладим билмадим, лекин шуни сездимки, масжидга ваҳимали сукунат чўмган, бу сукунатда фақатгина менинг овозим баралла янграрди.

Тўсатдан: “Ушла, ушла” – деб бақариб қолишди. Тўрт томондан қуршаб олиб тепки ва муштлар ёғдира бошлашди. Камзулим йиртилиб, кўйлагим пора-пора бўлди. Сўнгра “назорат ходим”лари уриб-сўкиб ташқарига қувишди. Уйга бордим. Онам, опасингилларим ҳолатимни кўриб ниҳоятда паришон бўлдилар.

Онажонимнинг паришонлигини тасаввур этиб бўлмас эди. Паришонлиги ҳақли эди. Кўз ўнгларида (ўғиллари эмас) уммати мусулмоннинг ҳашри бўлаётган эди. Бу ҳашрдан бизнинг хонадонимиз ҳам маҳфуз эмас эди.

Хавфсизлик ходимлари (НКВД) амаким, икки тоғам, поччам, икки холаваччам ва бир неча азиз қариндошларимни “диний пешво” деган ном билан уйларида ушлаб кетишган эди. Ҳозиргача уларнинг қисматлари маълум эмас.

Онам сўрадилар: “Ўғлим, онанг сенга қурбон бўлсин, сени ким бу кўйга солди?” Мен ҳарчанд ҳийла қилиб алдашга уринган сайин, онамнинг қистовлари зиёда бўларди. Охири мажбур бўлиб, ҳамма воқеани сўзлаб бердим. Онажоним эшитиб йиғладилар. Можаронинг ҳаммасини тинглагач, менга қараб: “Кўзимнинг нури болам! Бу инсонлар, жоҳил ва бединдурлар. Ҳукумат шуларнинг қўлидадир. Бу беҳуда сафсатабозлар ҳақиқатнинг “ҳо”сига ҳам етмагандирлар. Уларнинг хурофоту тухматлари дини-исломга қилинган очиқ бўҳтондан бошқа нарса эмас! Яхши...! Энди, сенинг тўғрингда ўйлашга тўғри келяпти. Юр, ҳозир таом егин” – дедилар.

Қалбим шунчалик безовта ва сиқилган эдики, таом ейишни ҳам хоҳламас эдим.

Онажоним ўз қўллари билан мажбуран бир неча луқма едирдилар. Кечанинг аксари ўтиб кетган эди. Онам ва укаларим менинг орқамда хуфтон намозини ўқишди. Онажоним мени ўз хужраларига олиб кетдилар ва бир китоб бериб: “ол ўғлим, мутолаа қил” – дедилар. Мен китобни очиб қарадим, у Қозонда чоп этилган “Сийратун набий” нинг аввалги жилди эди. Онам кетганларидан

кейин, мутолаага шўнғиб кетдим. Тун бўйи шу ҳолда ўтди. Субҳидамда онам келиб китобни қўлимдан олдилар-да, ”ўғлим, энди озгина дам олгин” – дедилар.

Бир неча дақиқа ухлаганимдан сўнг, онажоним иккинчи бор келиб намози бомдодга уйғотдилар. Субҳ намозини ҳам жамоат билан адо этдик. Кун чиқиши билан, боғ ишларига машғул бўлдим. Икки укам мактабга кетди. Улар пешиндан кейин уйга келиб, онамдан сўрай бошлашди:

– Айтингчи онажон, коммунистлар диннинг душманими? Ошкора душманчилик қилишяпти-я!

Кейин маълум бўлишича, мактабда театр қўйишиб, унда намоз, рўза ва бошқа диний анъаналарга ҳамла қилиб масхаралашган экан. Онам укамларнинг гапини эшитиб қаттиқ ғазабланди ва коммунистларни қарғай бошлади. Эртасига мактабда укамлардан драма ҳақидаги ота-оналар фикрини сўрашибди. Шу сабабдан онамнинг “хуқуқи шахрийат” (фуқаролик хуқуқи)дан маҳрум этдилар.

Шу ўринда онам: “Энди бизларнинг иймонимиз синаладиган вақт келди. Бу ифлос, разил табиат, фосиқ инсонлар ушбу заминда диний ҳиссиётли бирор кишини тирик қўйишмайди” – дедилар. Сўнгра мени четга чорлаб: “Ўғлим! Душман мени қачон қатл ёки сургун этиши маълум эмас. Бу ерда мусулмон бўлиб яшаш имкони қолмади. Сенга ҳижрат этишинг учун рухсат бераман. Бирор мусулмонобод мамлакатга бориб исломий ҳаёт кечиргин” – дея ижозат бердилар.

Шундан сўнг кўпинча вақтимизни махфий маслаҳат билан ўтказар эдик. Менга ота-боболаримдан қимматбаҳо ва ноёб китоблар мерос қолган эди. Онамнинг маслаҳатлари билан марҳум отамнинг олти газ қалинликдаги меҳмонхоналари деворини ўйиб токча қилдим-да, ҳамма китобларни токчага териб, лой билан сувоқлаб чиқдим. Ҳукумат биздан бу иморатларни тортиб олиб, бузмасдан бирор корхонага тортиқ қилишига ишончимиз комил эди. Онамнинг “хуқуқи шахрий” (фуқаролик хуқуқи)дан маҳрум этилганларидан 23 кун кейин, ҳижрат сафарига равона бўлдим.

* * * * *

Наманган сари

Узлуксиз бир неча соат юриб эртасига “Хизробод”нинг яқинига етиб келдим. Хизробод бизнинг қишлоғимиздан тахминан 23 мил (40 км) узоқликда жойлашган бўлиб, каттагина қишлоқ эди. Яқинидан поезд ўтар ва қишлоққа кириш учун дарёдан ўтиларди. Қишлоққа етиб келдим. Қарасам, сон-саноксиз қизил аскарлар,

тақрибан минг-бир ярим минглар чамаси қишлоқни қуршаб олган эди. Кейин маълум бўлишича, коммунистлар Хизрободда ҳам ислом ва росулуллоҳ алайҳиссалом шаънларига нисбатан ноўрин таҳқирлаганларида авом халқ уларни яксон этиб, темир йўлини бузиб ташлашган ҳамда ғалаба байроғини баланд қилган эканлар. Рус армияси эса уларни бостириш учун келган экан. Аскарларнинг қуршови ниҳоятда маҳкамланиб, ҳар жой ҳар жойда пулемётлар териб қўйилган эди. Ҳеч бир инсон бу қуршовдан чиқа олмас эди. Тушқунликка тушиб қолдим. Бу ердан на қайтиш, на қочиш ва на бирор ерга яшириниш мумкин эди. Бир зумда бошимга ўлим соя солганини ҳис этдим. Рус аскарларига қараб, бир дам тўхтаб қолдим сўнгра тилимга “Иймон муфассал” ва “Иймон мужмал” жорий бўлди-да, ўзим билмаган ҳолда юриб кетдим. Ўзимга келиб қарасам, аскарлар анча орқада қолиб кетишибди.

Ҳақиқатдан ҳам бу воқеа ниҳоятда ажабланарли эди. Аскарларнинг шу қадар кўриқлашига қарамай, уларнинг нигоҳларидан қандай қутулиб чиқиб кетганимга ҳозиргача ҳайрон бўламан. (Кўзга кўриш қувватини ато этувчи зот хоҳласа кўз кўради, хоҳламаса кўрмайди. Бу Аллоҳнинг ўзининг дўстларига қилган марҳаматидур. *Таржимондан*)

Шом вақти “Уйчи”гача етиб олдим. Бу ерда отамнинг ҳамсабоқ олим биродари яшар, ниҳоятда илму-амалда баркамол, тақводор шахс эди. Социализмнинг “чангал”и бу ерга ҳам етиб келган эди. Унинг аввалги ўлжаси отамнинг биродарлари бўлиб, одамлар айтишича бу марди ҳақгўйни ўтган кечаси шаҳид этишибди. Аҳли маҳалла мени Наманган йўлига солдилар. Эртаси Наманганга етиб келдим. Бу ер менинг она ватаним бўлиб, унда онамга оталаридан меърос қолган замин ва ҳовли ҳам бор эди. Наманганнинг ҳолати нисбатан яхши бўлгани учун, бир неча кун тунадим. Алҳол, поездда Қўқонга қараб равона бўлдим.

* * * * *

Қўқон воқеалари

Қўқон Туркистоннинг буюк ва тарихий шаҳарларидандур. Оқ подшоҳ ҳукумати ағдарилгандан бир неча кун кейин озод ҳукумат қоим этилиб, Қўқон шаҳрини унинг пойтахти деб қабул этилган эди. Қишлоғимиз Қўқондан 152 мил узоқ эди.

Қўқонда коммунистлар зулми авжига чиққан, бундан танг бўлган мусулмонлар яширинча гуруҳлар тузиб дини ислом зиддига масхара ва ҳақорат этувчи ҳамда олимларга, дин пешволарига зулм-ситам

қилувчи коммунистларнинг калласини махфий равишда кесиб, ички ишлар идорасига бирор улов орқали олиб бориб ташлаб келишарди. Ўлганларнинг ёнларидан бу мазмундаги мактублар топишарди:

“Сенлар динимизни ҳақоратлаб бўҳтон ва тухмат этяпсанлар. Лекин бу тухмат ва бўҳтонларнинг ёлғонлигини исботловчи ҳақгўй уламоларга сўзлашга йўл бермаяпсанлар. Фарзандларимизни ислом ҳақида нотўғри фикрлашга ўргатяпсанлар. Ушбу гуноҳларинг учун сенларга шундай ҳукм этамиз”. Коммунистлар мусулмонларнинг бу жавобларидан кўрқинч ва даҳшатга тушиб, кечалари кўчага чиқа олмай қолдилар. Охири, мажбур бўлиб, масжид ва бозорларда шундай эълон қилишди:

“Ҳеч кимни коммунистликка мажбур этилмайди. Партияга кириш, кирмаслик ҳар кимнинг ўз ихтиёридадур. Ҳар ким ўз хоҳишига биноан “руҳоний” бўлади. Ҳеч кимни мажбур этиш йўқдир”. Агарчи бу коммунистларнинг вақтинчалик бир ҳийла тўри бўлса ҳам, менга ўхшаган соддадил инсонлар хотиржам бўлишди.

Мен эса бу ерда қолиб илми-дин ҳосил этишга қарор қилдим. Шайх Муҳаммаджон домла Қўқоннинг машҳур олимларидан эди. Бобомнинг шогирди, қиблагоҳимга ҳамсабоқ бўлган эканлар. Коммунистлар у кишини “уй ҳибси”га ҳукм этишган эди. Юқоридаги эълондан сўнг ҳузурларига бориб, ўзимни таништирдим ва исломий таълим ҳосил қилиш мақсадида эканимни арз этдим. Озгина фурсат хомуш бўлдилар, сўнгра:”Ўғлим! Диний илм олиш қатъий ман қилинган, лекин бир йўли бор. Куннинг ярмида шаҳарда касб қиласан, ярмида эса ўқийсан” — дедилар.

Мен бу маслаҳатни бажонидил қабул қилдим. Кун бўйи меҳнат машаққат чекиб, кечалари илми-дин ҳосил эта бошладим.

Шайх Муҳаммаджон домла коммунистларнинг даҳриёна ғояларига чуқур эътибор қаратарди. Дарс асносида, коммунистларнинг даъволарини ва исломга қилган бўҳтонларининг чок-чокидан йиртиб ташларди.

Уч ойдан сўнг улар яна ўз муҳолифатларини бошлашди. Бу вақт мобайнида, ўз динини ҳимоя этаётган мусулмонларни парчалаб ташлаш учун ёвузона режалар ўйлаган эдилар.

1. Маҳаллалардаги ҳар бир шахс рўйхатга олиниб исломсевар шаҳарликларни қаттиқ назорат эта бошладилар.

2. “Миршаблик назорати”га шаҳарнинг ўғри-киссавур, қароқчилари хизматга олиниб, улар воситаси билан аҳли динни кўрқитиш жорий қилинди.

3. Ҳибсга олиш, йўқ айбига иқрор қилдиришнинг ваҳшиёна, шайтоний усуллари қўллана бошлади.

Ҳар куни кечаси 70-80 киши ғойиб бўла бошлади. Қўқоннинг катта-кичик уламоларига бу ҳолатни баён этиб, улардан раҳнамолик қилишларини сўрадим, илло уларнинг барчаси ноумидликка тушиб бўлишганди. (“Ал яъсу минаш-шайтон” — ноумидлик шайтондандур). Уларнинг кўпчиликлари: “Ўғлим, бизлар ўлим ва шаҳодат жарлигини ёқасидамиз” — дея жавоб беришарди.

Коммунистлар бутунлай югансиз бўлиб қолишганди. Махфий гуруҳларнинг жиҳодий амалиётлари сабабидан қилган аҳдларини токчага қўйиб қўйишди. Улар халқни ўз йўлбошчиларидан маҳрум этгандилар. Шунинг учун аҳтиётга ҳам ҳожатлари қолмаганди.

Бутун мусулмонларнинг дилига ғайрат-шижоат ўрнига қўрқув ва даҳшат ёйилган эди.

عن ثوبان قال قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "يوشك الأمم أن تداعى عليكم من كل أفق كما تداعى الأكلة إلى قصعتها، فقال قائل: ومن قلة نحن يومئذ؟ قال بل أنتم يومئذ كثير، و لكنكم غثاء كثفاء السيل و لينزعن الله من صدور عدوكم المهابة منكم و ليقذفن الله في قلوبكم الوهن، فقال قائل: و ما الوهن؟ قال: حب الدنيا و كراهية الموت". و في رواية: "حبكم للدنيا و كراهيتكم للقتال" رواه أحمد و أبو داود و غيرهما.

Росулуллоҳ дедилар: "Яқинда кофирлар ҳар тарафдан сизларнинг устларингизга таомхўрлар ўз товоқларига бир-бирларини чақиргандек тўпланадилар. Шунда бир саҳоба сўрадилар: "Кофирлар қандай журъат этади? Нима биз оз бўламизми?" *Росулуллоҳ: "Йўқ! Сизлар жуда кўп бўласиз, лекин сизлар сел устидаги хас-хашак каби бўласиз, Аллоҳ таоло душманларингиз қалбидан сизлардан қўрқишни олиб, сизларнинг дилингизга "ваҳн" солур". Саҳобалардан бири: "Бизларнинг ҳайбатимиз йўқолиши сабаби бўлган "ваҳн" нимадур, ё росулуллоҳ? — деди. Дедилар: "Дунёга муҳаббат ва ўлимдан нафратланиш".*

Бошқа ривоятда: "Дунёга муҳаббатингиз ва Аллоҳ йўлида жанг қилишдан нафратланишингиз" деб келган.

Таржимондан.

Мусулмонларнинг ҳафсалалари пир бўлиб ўзларини ҳимоя этишга ҳам ҳоллари қолмаган эди. Ҳеч кимнинг моли, обрў-иззати эътиборга олинмай тажовуз этилди.

Қуръонининг бир неча варақлари йиртилиб кетиб, бир жилдсознинг олдига бордим. Бу дўкон Қўқон жомеъ масжидининг шимоли-ғарбий қисмидаги дўппи бозорда жойлашганди. Жилдсоз Қуръони каримнинг варақларини созлаётган вақтда, бир коммунист

кириб келиб:

— Китобларимнинг жилди тайёрми? — деб сўради.

— Бир соатлик иши қолди тайёрлаб, ўзим етказаман — деди жилдсоз.

— Қўлингдаги нима? — деб у Қуръонга ишора қилди.

— Бу... Бу... — жилдсоз қўрқиб кетди. Бу Қуръони шарифдур! Бир неча дақиқалик иши қолди, сўнгра сизнинг ишингизни битираман — деди титраган овозда.

Коммунист ғазабланиб, кўзи қонга тўлди. Бир чангал солиб жилдсознинг қўлидан Қуръони каримни тортиб олиб:

— Бу хурофот учун менинг ишимни тўхтатиб қўйдингми? — деб қичқира кетди. (Эй Аллоҳ! қандоқ ҳам сабрликсан!) Сўнгра Қуръонни ташқарига улоқтирди.

Уфф...! Эй Аллоҳим! Қоним қайнаб кетди. Лекин қандайдир бемажоллик қўл-оёқларимни эгаллаб олди. Қоним ҳам аста-секин босилди, секингина туриб бориб Қуръони Каримни ердан олиб, қайта-қайта ўпиб кўзимга суртдим. Биз мусулмонларнинг беғайратлигимиз ва иймонимиз заифлиги шу даражага етдимиз?! Душман очикдан-очик кўз ўнгимизда китоби илоҳийни хорласа-ю, биз эса унинг ҳимоясига жонимизни қурбон эта олмасак,—деган хаёлдан дилим ларзага келди. Шундан сўнг ул бадбахт дўкондан чиқиб кета бошлади. Жилдсознинг ҳаққини адо этиб, унинг орқасидан аста бордим. Озгина узоқликда миршабхона бор эди. У ерга яқинлашганда, унинг қўлидан тортиб маҳкамага бошладим. Назоратчига ҳамма воқеани сўзлаб, бу бадбахтнинг қилмишидан норози эканимни изҳор этиб:”Бу шахс ҳукумат қонунига хилоф равишда шариатни ҳақорат этди. Қонунда эълон этилганки: “Ҳеч бир коммунист дини исломнинг зиддига ноўрин ҳаракат қилмасин! Ҳеч кимсани мажбуран даҳрий қилинмасин!” Ва бу шахснинг ноқонуний ҳаракати учун жазо берилсин” — дедим.

Назоратчи менинг шикоятимга қулоқ солиш ўрнига менга таҳдид сола бошлади:

— Бизнинг олдимизга нимага келдинг?! Худонинг олдига бор, унинг учун сенлар жонингни ҳам берасанлар-ку! — деди.

Маҳкамадан чиқиб жомеъ масжидига келдим. Ҳозирги кунда бу масжид борми ёки йўқми, бирор нарса дея олмайман. У вақтда бу масжид шаҳарнинг қоқ марказида жойлашиб, хужралари билан тахминан 16 гектар эди. Масжид сон-саноқсиз устунлар устига қурилиб, ниҳоятда хушсурат эди. Масжиднинг шимолий қисмида катта йўл бўлиб унинг ёқасида масжидга қарашли, қаторлашган вақф дўконлари жойлашганди. Машриқ тарафида эса катта ҳаммом

биноси бор эди. Имомликка Қўқон амирининг ўзи ёки унинг ноиб шайхулислом ўтарди. Охирги вақтдаги шайхулислом Тўрахон домла ҳафтада бир марта ваъз ва насихат қиларди.

Ҳозиргача коммунистлар ул кишига қўл солишмаса-да фурсатни кутиб туришар, ул киши учун ҳам фитнес-фасод режаларини бошлаб қўйишганди. Бир киши тайинланиб, унга шайхулисломнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати ва у кишининг олдига келувчиларни кузатиш топширилган экан. Бу шахс афғон бўлиб, ниҳоятда гапга уста ва хушчақчақ, кўринишдан тақводор эди. Узун соқолик, пешонасида катта сажда аломати бўлиб, намозни бирор марта ҳам жамоатсиз ўқимас эди. Бомдод намозига ҳаммадан олдин келиб, устунлар орқасида узун қироат билан суннат ўқирди. Намоз ичида эса, келгувчиларни кузатиб турар, масжидда афғоний либос, ташқарида эса миллий кийим кияр эди.

Мен унинг ҳатти-ҳаракатларидан шубҳа қилиб, кузата бошладим. Кейин маълум бўлишича, у нафақат Тўрахон домлани балки у кишининг зиёратларига келувчиларни ҳамда Афғонистонга ҳижрат қилаётганларни ҳам рўйхатга олар экан.

Мен Қўқоннинг маҳаллаларидан бўлган, “Оспра” гузар маҳалласига кўчиб ўтдим. Бу маҳалланинг масжиди ҳам ниҳоятда хушсурат ва хужралари жуда пурвиқор бино қилинган эди. Менга истиқомат учун бир хужра тайин қилинди. Шунга қарамасдан, намозни жомеъ масжидида адо этардим.

Кунларнинг бирида, жумъа намозидан сўнг бир неча одамлар Тўрахон домланинг мадрасасига йиғилишди. Афғоний гумашта ҳам улар билан бирга эди. Уларнинг орқаларидан мен ҳам борар эдим. Иттифоқо, Тўрахон домла мени устозлари Фиёсиддин эшоннинг набираси, ҳамсабоқ дўсти Хўжахон домланинг ўғли эканимни эшитиб, истиқболимга чиқдилар. Ҳамда пешонамдан ўпиб узоқ вақтгача уй-аҳллариимизнинг аҳволларини сўрадилар. Намангандан баъзи машҳур олимларнинг ҳозирги кундаги ҳолатларидан огоҳ этишни сўраган эдилар, мен уларнинг коммунистлар томонидан шаҳид ёки сургун этилганларини айтдим. Шунда мажлисга оғир хомушлик чўмди.

Мен кетишга ижозат сўрадим.

Шайх: “Ҳозир қаерда истиқомат қиласиз?” — дедилар.

Афғоний жосус борлиги учун манзилимни яшириб: “Мадрасаи “Мир Олим”дан бир хужра олдим” — дея арз қилдим.

Мадрасаи “Мир Олим” ўз даврида мингларча талабалар таълим оладиган шону-шавкатлик улуғ бир дорулулум бўлиб, устоз ва талабалар учун мадрасанинг ўзида ётоқхона мавжуд эди. Ҳозирги

кунларда бу мадраса ва ётоқхоналарни коммунистлар партияси ходимларига ёки ташқаридан келган русларга тақсим этилибди.

Тўраҳон домла кўпинча мени ўз уйига олиб кетар ва менга ниҳоятда меҳрибонлик қиларди.

Кунларнинг бирида афғоний гумашта ҳам мени зўрлик билан уйига меҳмондорликка олиб кетди. Туркистонда уйлар икки қисм бўлиб бир қисми меҳмонхона бўлар эди. Мени меҳмонхонага ўтиргизиб, ўзи кийим алмаштиргани ички уйга кириб кетди. Иттифоқо, хонтахта устидаги қоғозлар назаримни ўзига жалб этди, қарасам унда Тўраҳон домланинг номлари ёзилган эди. Қоғозни кўтариб тузукроқ қарадим. Унда уламоларнинг рўйхати ёзилган эди. Дарров чўнтагимга солдим. Шул вақт афғоний кўрққан ҳолда кириб келди-да тез-тез қоғозларни йиғиштириб чиқиб кетди. Кўринишда ниҳоятда муҳаббат ва ихлос билан суҳбатлашар ва менга кўр-кўрона тавозеъ қиларди.

Унинг борасида шубҳаларим тўғри экан. Қоғозларни Тўраҳон домлага кўрсатдим. Қоғозларга бир назар қилдиларда, ёнларига кўйиб мени ҳаққимга дуо этдилар.

Икки-уч кундан сўнг афғоний ғойиб бўлиб қолди. Тахминимча мужоҳидлар уни тоққа олиб кетиб саранжомлашган эди.

* * * * *

Тўраҳон домлага “Шарҳи ақоиди насафийя” китобини ўқиш ниятим борлигини билдирдим.

Домла: “Бизга ҳозир “Фиқҳ акбар”, “Қасидаи амалийя”га ўхшаш китобларни ўқитиш даркордур, тоинки авомни исломнинг бунёдий ақоидларидан огоҳ қилиб, коммунистларнинг моддапарастлик усуллари хам рад қилайлик. Ҳозирги кунда юнонларнинг фалсафасидан бирор иш чиқмайди, унга вақтни зоеъ қилмаслик керак” — дедилар.

Мен: “Сиз нимани ихтиёр қилсангиз, фақир шунга розидур” — дедим.

— “Хуфтондан кейин ғарибхонамизга келиб тулинг” — дедилар.

Иршодларига мувофиқ хизматларига ҳозир бўла бошладим. Йигирма бир кунлик тарбияларидан сўнг дўши бозоридаги масжидга имом қилиб тайинладилар. У ерда яҳудийлар ва арманлар яшар, бундан ташқари коммунистларнинг идораси ҳам жойлашган эди. Бомдод намозидан сўнг Қуръон каримдан дарс берардим ва халққа исломнинг бунёдий ақидаларидан ҳам баён қила бошладим.

Дарс ва баёотларнинг фойдалиқ ва таъсирчан бўлаётгани коммунистларни ғуссага солди. Уларнинг ишорасига биноан

маҳаллада шундай сўзлар пайдо бўла бошлади: “Имом домла балоғатга етганми?! Соқол-мўйлаби чиқмабди-ку!”

Тўраҳон домланинг хузурларига бориб ҳамма воқеани сўйлаб бердим. Домла: “Имоматга бирор кишини ўтказиб ўзинг дарсни давом эттиравер” – дедилар. Устознинг маслаҳатига кўра иш тутдим, бир неча кун хотиржамликда ўтди. Шу орада маҳалладан ёш болалар ҳам кела бошлади. Натижада кичкинагина мактаб ҳам очилди. Шундан кейин менинг фуқаролик ижозатномам масаласи кўзғалди. (Маълум бўлсинки, социалистлар ҳукуматни ўз қўлларига олганларидан кейин, бир жойдан бошқа жойга бориш учун паспорт системасини жорий қилишган эди). Коммунистлардан бири ўзи ижозатномамни тўғрилаб берди. Коммунистлар исломни бебурд қилиш учун уламолар билан ҳужжат талашиб баҳслашишар, динни масхара ва мазах қилишиб, Аллоҳ таолонинг вужуди ҳақида телба-тескари баҳслар юритишарди.

Мадрасаи “Бек”нинг раиси Муҳйиддин Маҳдумнинг ваъз-насихатлари ҳам ниҳоятда таъсирчан бўлар, сўзлаш давомида одамларнинг қалбларида илиқлик пайдо бўларди.

Коммунистларнинг ноўрин ҳаракатлари уламоларнинг ғафлат кўзини очди. Улар динни етказиш борасида дастурлар тузиб динни тарғиб этиш ва тарқатиш ишларини бошлаб юборишди. Бу ҳаракатларга бардош этолмаган коммунистлар яна ҳибсга олиш ва дорга ошиш ишларини кучайтирдилар.

Ҳақгўй уламолар кечалари ғойиб бўла бошлади. “Махфий назорат” ходимлари (НКВД) ярим кечаси келиб керакли одамларни ёпиқ машинага солиб кетишар, уй аҳлларини эса “тўрт-беш кундан кейин келади” – деб тинчлантиришарди.

Бир-икки ҳафтадан сўнг унинг сургун қилингани хабари келарди. Сургун бу Сибирнинг заҳарли совуқ ўлкаларига жўнатиш эди.

Шунга қарамасдан, дўппи бозоридаги масжидда таълим-тарбия ишлари тартибли жорий бўлиб турди. Шу орада коммунистлар менга ҳам иғво этишга қарор қилибдилар. Кечаси бир навжувон йигит келиб мени бу қарорларидан огоҳлантирди.

Бу йигит комсомол аъзоларидан бўлиб, кўринишидан бешафқат коммунист бўлса-да, лекин мусулмонларнинг ҳозирги аҳволига чин дилдан ниҳоятда ғам-андухга тушиб қолганди. Мен билан жуда қалин дўст бўлиб қолди, ҳатто у орқали ижозатномамни ҳам ҳал этган эдим. Ўша мажлисдан сўнг мени қочиб кетмаслигим учун кузата бошлашди.

Кунларнинг бирида ўша комсомол дўстимнинг тоғаси эрталаб келиб фикҳий масалаларни кўзғаб савол қила бошлади. Исми Мир

Аюбхон эди. Соат ўн бирлар чамасида дўстим келиб, эшикни оҳиста тақиллатди. Туриб дарвозани очдим, тоғаси ўтирганини кўриб, секин ташқарига имлади, чиқсам у: “Коммунистлар бугун қайсидир вақтда сизни ҳибсга олиш учун қарор қилди, тоғам сизни улар келгунча чалғитиб туриш учун жўнатилган. Тезлик билан бу ердан жўнанг!” — дея маслаҳат берди.

Дўстимни жўнатиб хужрага кирдим. Айюбхон: “Келган ким экан?” — деди.

Мен: “Маҳалладаги бадбахт комсомоллардан бири” — деб жавоб бердим.

Сўнгра онажоним берган тугунчани олиб, аста чиқиб, мадраси “Хоштан”га бордим. Мадрасанинг устози қори Абдулмалик менинг қалин дўстим эди. Ўзи Андижондан 3 фарсах (1 фарсах — 4 км.) узоқликдаги Пойтуқ шаҳридан эди.

Мени бир ҳофизи каломуллоҳ билан таништирди. У Тожикистон тоғларида коммунистларга қарши жиҳод этаётган мужоҳидларнинг одами экан. Ўзи ёш болаларга Қуръони каримни ҳифз эттирсада, асл мақсади ёш йигитларни коммунистларга қарши фикрий аслаҳа билан қуроллантириш эди. Унинг ваъзу-насихатлари жуда таъсирчан ва диний андозада эди. Бу ерда бир ҳафтага яқин турдим. Қўқонда кучлик қўрқинчли воқеалар юз бера бошлади, юзлаб уламолар сургун қилиниб, мингларча мусулмонлар шаҳид қилинди.

Мусулмонларнинг жавоби ҳам қаттиқ бўлди. Ўн мингдан ошиқ рус аскари ва коммунистлар жаҳаннамга равона қилинди.

Бу кунларда Қўқонда ўлим жуда ҳам арзон эди. Мусулмонлар ё коммунистларни тугатишга ёки ўзлари шаҳид бўлишга қарор қилдилар. Коммунистларнинг қисуви тобора кучайиб борарди. Мен Самарқандга кетишга қарор қилдим. Йўлга чиқиш олдидан қори Абдулмалик 20 килоча гуруч бериб:

“Самарқанд бозорида сотиб ўз харажатларингга ишлат” — деб тайинлаб ўзининг бир таниши манзилини ҳам айтиб берди.

* * * * *

Самарқанд

Самарқандга поезд паттасини ажойиб драмали ҳолда харид этиб, кеч соат 8 да хат ташувчи поездда сафарга равона бўлдим. Эртасига Ховосга етиб келдик. Бир ошхонанинг хўжайини гуручни 20 рублга сотиб олди. Ховос маънавий қаҳатчиликка учраган эди. Коммунистлар деҳқонларнинг барча озиқ-овқат маҳсулотларини тортиб олган эдилар.

Кечки поездда яна Самарқандга отландим. Ошхона хўжайини

самарқандликлар либосини кийишни маслаҳат берганди. Шунинг учун бир узун самарқандий тўн сотиб олдим, уни кийиб самарқандлик ўзбек шаклига кирдим.

Самарқандга етиб, “Тилла Қори” мадрасасида истиқомат қилдим. Эртасига қори Абдулмаликнинг танишини ахтара бошладим. Ахири топдим, у мени Самарқанддан икки ярим фарсах узоқликдаги, “Майман” қишлоғига олиб борди. Бу ерда “Бухорий” номи билан машҳур бир олим бор экан. Беҳад зеҳнлик, сермулоҳаза ва андишалик бўлиб оммаи-хоснинг суянчиғи ҳисобланар эканлар. Қори Абдумалик у кишига бир хат берган эди, уни тақдим қилдим. Хатни олишдан олдин: “Мен ҳеч ким билан махфий сирдошлик ва ҳеч кимдан хат олмасликка қарор қилганман” — дедилар.

Шунга қарамасдан, бизни ниҳоятда меҳрибонлик билан қаршилаб ўз қўллари билан чой қайнатиб ичирдилар.

Мен: “Қори Усмон Олмос сизга салом йўлладилар”—деб саломларини йўладим. Узоқ вақт “алайҳиссалом, алайҳиссалом”—деб алик олиб турдилар. Сўнгра “Олмос дурустми? — дедилар.

— “Яхши, дуруст”—дея жавоб қилдим.

— Энди қаерга бормоқчисиз?

— Бухоро ёки Шаҳрисабзга

— Шаҳрисабзга кимнинг олдига борасиз?

— У ерда тоғам яшайдилар — деб исмларини ҳам айтдим.

Билсам, домла Бухорий Мухйиддин тоғамнинг шогирди эканлар. Домла Бухорий жуда хурсанд бўлдилар. Сухбатимиз қизиқ кетди. Бухорий домла: “Мусулмонларга синалиш вақти келди, ким софдилу-ростгўй, ким мунофиқу-бебурд ҳаммаси алоҳида-алоҳида бўлиб ажрайди” — дедилар. Домла ҳафтада бир кун тафсир-ҳадисдан дарс берар эдилар. Бу дарсга одамлар узоқ-яқиндан ўз жонларини хатарга қўйиб келишарди.

Қишлоқдан озгина узоқликда машҳур “Тахта Қорача” тоғлари бошланар, у тоғларда мужоҳидларнинг қароргоҳи жойлашган эди.

Улар кунора тоғдан тушиб қўққисдан коммунистларга ҳужум қилишарди-да, озгина уруш майдонини қизитиб тезда ғойиб бўлишарди. Домла Бухорий ҳам мужоҳидларни тарбия этар, ҳам коммунистларнинг бўҳтонларига жавоб берардилар.

Бир кун менга:

— “Биз Туркистон мусулмонлари куфрони неъматга мубталомиз, хусусан ҳазрат уламоларимиз инқилоб сели қўзғалишига қарамасдан ухлаб ётишди, қачонки сел масжид, мадраса, хонақоҳлардан ошиб кирганда қўққисдан уйғониб кетишди. Энди бу ғафлати азим бўлмиш гуноҳнинг каффорати ўз жонларини қурбон қилишдан бошқа нарса

билан ювилмайди!” — дея ҳасрат қилдилар.

* * * * *

Бухоро воқеалари

Домла Бухорийнинг хизматларида тўлиқ бир ҳафта бўлганимдан сўнг, Бухоро тарафга равона бўлдим. Бухородан 7-8 мил узоқликда “Қогон” бекати жойлашган эди. Бекатдан шаҳаргача йўловчи улов-машиналарда кетилар эди. Бекатда тушиб пиёда жўнадим. Кечаси бир қишлоққа етиб бордим. Кечки намозни ўқиб масжидда ухлашга тайёргарлик кўра бошладим, лекин имом иккимиз ўртамызда баҳсу мунозара бошланиб кетди. Имом: “Масжидда ухлаш макруҳ” — деяр, мен эса: “Мусофирга масжидда ухлаш макруҳ эмас” — деяр эдим. Охири имом баҳсдан танг бўлиб: “Фирқанинг томонидан қонун бор” — деди.

“Фирқа...” Қанақа фирқа?” — деб сўрадим.

— “Эй нодон, қишлоқи! — Имом наъра уриб қичқирди. — Фирқа нималигини билмайсанми?! Коммунистик партиядан” — деди.

— “Коммунист Аллоҳга мункир, унинг масжид низомига нима алоқаси бор?!” — дедим.

— Сен кимсан, эй нодон бола?! Ўзбек? Қирғиз? Тожик? Қозоқ ё туркманмисан?

— Ўзбекман.

— “Сенга бу ерга киришга ҳам рухсат йўқ, яхшиликча жўнаб қол” — деб имом зўр бериб қичқирди.

Эҳҳ...! Мусулмонлик ҳайф-э! Дилим беҳузур бўлиб масжиддан чиқдим. Кечани масжид қаршисидаги бир дарахт остида ўтказиб, бомдод намозига масжидга келдим. Афсуски масжид қулф эди. Намозни ўқиб Бухоро томон йўл олдим. Соат саккизларда шаҳарга кириб келдим. Фиждувон маҳалласида хушсурат бир масжид яққол кўзга ташланиб турар эди. Ичкарига кирдим. Тўсатдан бир неча кир ювадиган аёлларга кўзим тушди. Ё алҳазар! Масжидда бир неча хонадоннинг кўчи тўпланиб турарди. Кейин маълум бўлишича, бу яҳудий коммунистларнинг хонадони экан. Социализм ҳукумати уларга яшаш учун масжидни тақсим қилиб берибди. Ташқарига чиқдим, баногоҳ узоқдан хотин-қизлар овози эшитилиб аста-аста яқинлашиб кела бошлади. Шояд бирор намоёниш бўлса керак, деб ўйладим.

Бир неча дақиқадан сўнг, кўз олдимда тўлиқ манзара намоён бўлди. Минглаб коммунистлар қатор-қатор бўлиб қизил байроқ кўтарган, ҳар бир қаторда эркагу-аёлларни аралаштириб ташланган ҳолда кўрдим. Қизил аскарлар уларни кўриқлаб келишарди. Улар

шаҳарнинг қоқ марказидаги “Девонбеги” ҳовузи олдига тўпланишди. Аслида булар “ҳаёсизлик” кунини нишонлашар эди. Бундан бир неча йил муқаддам коммунистлар қизил аскарларнинг кўмаги билан мусулмон хотин-қизларнинг юзларидан ор-номус, ҳаё пардалари ҳисобланмиш паранжиларини ташлатиб ўтга оттиришган эди. Қайси бир аёл паранжи ташлашдан бўйин товласа, унинг оила аъзоларини ваҳшиёна азоблай бошлардилар. Бунга тоқат этолмаган аёллар паранжи ташлашга мажбур бўлган эдилар.

Ўшандан буён ҳар йили 8 март куни байрам этиб нишонланарди. Митинг охирида дини исломнинг зиддига очиқдан-очиқ разилликлар қила бошлашди ҳамда барча жомеъ масжидларга Лениннинг ҳайкалинини ўрнатишга қарор қабул этилди.

Бухорода уч кун турдим-у, гўёки уч йил тургандек туюлди. Аҳвол ниҳоятда аянчли эди. Бутун Туркистон золим босқинчилар зулми исканжасида қолган эди. Бухоро мусулмонларига қилинган зулм барча вилоятдаги зулмлардан ортиқроқ эди.

Динимизнинг ҳар бир анъаналари зиддига даҳриёна ташвиқотлар ва қарама-қаршиликлар авжига чиқиб, уларнинг тили ва сўзи қонун эди. Инсоний ва шахрий(фуқаролик) ҳуқуқлар уларнинг оёқ остиларида поймол этиларди. Диний ақида ёки расм-русмларни севишни ошкор қилиш ўз устига азоб-уқубатни жалб қилишнинг ўзи бўлиб қолди.

Бухорода 800 та диний мадраса бор бўлиб, уларнинг барчаси “қолаллоҳу, қоларосуллоҳи” каби янгроқ товушлардан маҳрум этилиб, баъзиларини отхона, баъзиларини омборхона ёки дўкон сингари нарсаларга айлантирилди. Ҳаттоки, баъзи масжидлар қабоҳат уяси бўлмиш клуб ёки рақсхоналарга айлантирилди. Аксар масжидларни фақатгини муҳрлаб ташлашди, баъзилари эса яҳудий ва бошқа миллат вакилларига яшаш учун берилди.

Ҳар бир шахс иккинчи шахсга шубҳа назари билан боқар, миллат раҳномалари ва диний пешволар шаҳид ёки сургун қилинганди.

Қамоқхоналар диндор кишилар билан тўлиб, авомнинг ҳафсаласи совиб диний ғайратларидан ажраб қолган эдилар. Фарғона ва Самарқанд томонларидан оз-оз қўзғолонлар эшитилиб турар, лекин Бухоро гўё Темурнинг уйидан ғайрат ва ҳамият тобути чиқиб кетгандек эди. Дилим қаттиқ изтиробга тушиб қолди. Қаттиқ ўйлай бошладим. Бу азиз ватаним билан қандай “хайр-маъзур” қиламан?!

Келганимнинг иккинчи куни изтиробим янада зиёдалашди. Охири машхур “Моғак” масжидига бориб яшириндим. Масжид ертўлали эди. Шояд “Ҳодий мутлақ” (Аллоҳ таоло) тарафидан бирон раҳнамо топилиб қолар деган умидда, таҳорат олиб икки ракаат истихора

намозини ўқиб, ётиб ухладим.

Субҳидамда муаззин ҳамда икки нафар киши келиб, тўртовимиз бомдодни адо қилдик. Айтишларича, кечаси шаҳарда Қиёмат қоим бўлибди. Коммунистлар кундузи яна иккинчи бор митинг қилиб исломни қаттиқ таҳқирлаганлар, ҳатто Аллоҳ ва унинг Росулини ҳам қаттиқ беҳурмат этганлар, бунга чидай олмаган бир неча навқирон йигитларнинг қонлари қайнаб кетиб, ул бадбахтларнинг бошлиқларидан 3-4 кишини қатл этганлар. Шул сабабли ул бадбахт даррандалар ва ваҳший қизил аскарлар бутун шаҳарга тарқалишиб, йиртқич ҳайвонлар каби “қатлиом”ни бошлаганлар. Одамларни уйларидан судраб чиқиб ўқ ёғдиришган. Тонг вақтида Бухоро кўчалари мурдалар билан тўлиб кетганди.

Пешингача “Моғак” масжидида турдим. Соат ўн бирларга яқин ташқарига чиқиб “Девонбеги” ҳовузининг ёнига бордим. Тўрвамда ямоқчилик асбоблари бор эди. Озгина уёқ-буёқа юриб, яқиндаги бир дарахтга суяниб ўтирдим. Бир неча дақиқадан сўнг ёнимга бир йигит келди, тахминан ёшимиз баробар эди. Келган замониёқ тортинмасдан:

– Бу ерга қачон келдингиз? – деди.

Унинг бу шижоатидан юрагимга кўрқинч тушди. Тезда ўзимни қўлга олиб, жавоб бериш ўрнига тескари савол бердим:

– Сиз бу ерда қачондан бери юрибсиз?

– Икки ойдан бери

– Қаерликсиз?

– Андижоннинг “Култепа” маҳалласидан.

Сўнгра мендан сўради:

– Сиз қаерликсиз?

– Қайқиликман.

– Бу ерга қандай келиб қолдингиз?

– Тирикчилик учун.

– Нима ҳунарингиз бор?

– Ямоқчилик.

– Хўб... ҳар нарсани ямайсизми?

– Аслида маҳсидўзман.

– Мен билан бирга юринг, уйда хотиржам суҳбатлашамиз.

Маҳсимни ҳам яматмоқчи эдим.

У билан бирга кета бошладим. Унинг ҳатти-ҳаракатларидан гўёки мени танийдигандек туюларди. Эҳтиётан мендан бир неча қадам олдинда юрарди. Кўчалар жуда тор бўлиб, икки тарафида паст-баланд иморатлар бор эди. Икковимиз ҳам ғам-ғусса билан Бухоро кўчаларидан кетиб борардик. Тўсатдан бурилиб қарасам йигит ғойиб

бўлиб қолди. Учкўчанинг бошида, қаттиқ паришонликда туриб қолдим. Унинг турар жойи маълум эмас эди. Одамлардан сўрай бошладим. Охири “Девонбеги” масжидига қайтиб боришга қарор қилдим. Шу пайт бир қирқма соқол киши келиб қолди. Мени ҳайрону-паришонлигимни билиб: “Эй тоғлик йигит, нима учун паришонсан?” — деди.

— Пешин намозини ўқишим керак, қайси масжидда ўқисам экан деб ўйлаяпман, — дедим.

— Ҳой нодон! Намоздан сўзлай кўрма, ҳолат хароб, барча масжидлар беркитилди.

Мен бу кишининг чиройли салласи, узун кўйлак-чопони ва қирқма соқолига алданиб, хаёлимга шояд бирор мадрасанинг мударриси ёки бирон масжиднинг имом хатиби деган фикр келди. Ҳамдард ва ғамхўр деб у билан кета бошладим. У киши билан бўлган саргузаштнинг социализмга алоқаси бўлмагани учун қисқача сўзлайман: У мени қурбонлик қўйи каби бўғизламоқчи экан. Аллоҳ таоло у кишининг хотини ва катта қизи қалбига раҳм солиши натижасида мен унинг ханжаридан қутилиб қолдим.

Бу тасодифий мусибатдан қутилиб ҳовлидан чиққанимда, шом намозининг вақти бўлаётган эди. Сўраб-сўраб, “Девонбеги”га етдим ва дарахтнинг остига ўтирдим. Қуёш ботиб бўлгач йўллар ниҳоятда қўрқинчли тусга кирганди. Мени кечаси қаерда тунаш масаласи ўйлантириб қўйди.

Шу орада бирдан умид учқунлари чакнади. Ўша пешинда йўқолиб қолган навжувон йигит ҳовуз бўйида кўриниш берди. Жуда ҳам ғамгин бўлиб уёқ-буёққа алангларди. Тўсатдан нигоҳи менга тушиб югуриб келди-да, тўрвамни кўтариб кета бошлади. Мен орқасидан эргашдим. Йўлда гап бошлаб қолди:

— Мен тамоман ноумид бўлгандим, ҳозиргача тахминан бу ерларни 10 марта айланиб чиқдим. Нима гап бўлди?

— Йўлни унутиб шаҳарнинг бошқа чеккасидан чиқиб қолибман. У ердан ҳозир қайтиб келдим.

— Қаерга бормоқчи эдингиз?

— Масжиди “Моғак”ка.

— Афсус! “Моғак”нинг имомини ҳам уйида шаҳид қилдилар. Ниҳоятда журъатли ва ҳақгўй олим эди. Кеча митингда коммунистлар худо, росул ва Қиёмат кунининг хилофига хуруж қилиб, эълон этишдики: “Биз худони Бухородан чиқариб юбордик, энди руҳонийлар авомни алдашмайди. Ислоннинг ҳамма усул ва ақидалари руҳонийларнинг фирибларидан иборатдир. Улар ушбу ақидаларни ўз аҳмоқликларини тўғри кўрсатиш учун тўқиганлар. Бу

фириблардан бири Баҳоуддин Нақшбандийнинг насиҳатидурки унда: “Модомики қабримнинг бирор гишти бор экан, бу заминга кофир қадам босолмайди”. Биз бу тўқималарнинг ёлғонлигини очиб ташладик ва қабрнинг гиштарини бузиб ерга тўшадик” — дея жар солардилар. (Ҳаҳ... Лаънатилар!!!)

Бу бўҳтонларга чидай олмаган “Моғак” масжидининг имом хатиби ўрнидан туриб кетган ва ниҳоятда таъсирлик ваъз қилиб, коммунистларнинг тухматларини ноҳақ эканини далиллар билан исботлаб берган. У: “Бу васият коммунистларнинг ўз тарафларидан тўқиб чиқарилгандур. Чунки бирор китобда бу гап йўқдур. Ислом бундай хурофоту тўқималардан покдур” — деган мазмунда сўзлаб турган.

Шу орада қизил аскарлар отряди етиб келиб ҳамма одамлар тарқалиб кетишди. Улар шу ерлик коммунистларнинг раҳбарлигида уйларга ёпирилиб кириб, барчага ўқ ёғдира бошладилар, натижада минглаб кишилар ҳалок бўлди. Булар орасида масжид имоми ҳам бор эди.

Йигитнинг ҳикояси тутаганда, манзилга етиб қолгандик. Йигит афғон консулининг таржимони бўлиб, шу идорада яшарди. Бу йигит менга ғайб фариштаси каби туюларди. У менга ижозатнома ҳам тайёрлаб берди. Бу қоғоз менга жуда кўп асқотди. Шу қоғоз ёрдамида Когондан Қаршигача, Қаршидан Шаҳрисабзгача бўлган поезд паттасини осонликча олдим.

У Афғонистон консулини шундай таништирди: “Бу киши ғоятда диндор ва тақволидир. Қобулда яшовчи Ҳиндистон озодлик фирқасининг раҳнамоларидан бири ҳисобланмиш “Мавлавий домла”нинг ҳамфикрларидандир”. Кейин маълум бўлишича, бу Мавлавий домла “Мавлона Мансур ансорий” эканлар.

Лекин консул билан кўпинча коммунистлар учрашадилар, Бухоро, Қарши, Ғузор ва Шаҳрисабз уламолари ҳам гоҳо учрашиб турадилар.

Йигит гапини тутатмаган ҳам эди-ки, шу пайт консул кириб келди:

- Кун бўйи қидириб юрган йигитинг шуми?
- Ҳа, жаноб — деди дўстим.
- Қаяққа кетаяпти?
- Кечагина келди, ҳозиргача ўйлаб кўргани йўқ.
- Форсий биладими?
- Ҳа, арабий ва форсий ўқиган.

Консул жаноб менга қараб бир неча арабий ва форсий шеър ўқиди ва уларнинг маъносини сўради. Худога шукрки, имтиҳондан

яхши ўтдим. Консул менга яқин келиб ўтирди ва “Мулла ва машойихлар динни ўзгартириб ташлашган экан, кеча мусулмонларнинг эътиқод қалъаси очиб ташланди” — деди.

— Қайси эътиқод?

— Коммунистлар шайх Баҳоуддиннинг васиятномасини фош қилди.

— “Йўқ жаноб, бир пухта олим уларнинг бу бўҳтонларини рад қилиб шаҳид бўлди” — деб жавоб бердим. У тезда мавзунини ўзгартирди.

— Энди нима қилмоқчисиз?

— Қарши ва Ғузор йўли билан Шаҳрисабзга бормоқчиман.

У таржимонига юзланиб деди:

— Шайх Жалолиддин эшонга менинг номимдан хат ёзиб мен бу толибни ул кишининг тарбияларига жўнатаётганимни билдир. Эртага шаҳар комиссариатидан ҳам бирор нарса қилдириб берарман.

Сўнгра менга қараб:

— Сиз ўзингизни Бухоронинг бирор қишлоғида яшовчи қилиб кўрсатинг. Фарғоналикман деб умуман айта кўрманг — деди.

Сабабини сўраганимда, у шундай деб жавоб берди:

— Кеча қизил аскарларга қаршилик қилганлар Самарқанд ва фарғоналик йигитлар экан.

— Жуда яхши жаноб, у ерларнинг одамлари буларнинг аблаҳликларидан жуда яхши воқифдурлар.

Жаноб ўрнидан турди. Туркистон одатига кўра кўлларини кўлимга олиб ўпиб:

— Жаноб! Ленин ва Маркенинг партияси нафақат бизнинг, балки бутун олам мусулмонларининг душманидир. Сиз бизнинг ўтмишимиз ва ҳозирги ҳолатимиздан ибрат олинг! Иншааллоҳ, биз уларни бу ерда тургани йўл қўймаймиз! — дедим тўлқинланиб.

Жаноб мен билан хайрлашиб юқори хонага чиқиб кетди.

Дўстим бир хат ёзиб, имзолатиш учун жанобнинг хонасига чиқиб кетди. Бирор соатлардан кейин, бошқа бир мактуб кўшиб тушиб келди. Мактубда ўтган куннинг қонли ва фожиали воқеалари батафсил баён қилинган, консул жаноблари эса ҳақиқий гувоҳ сифатида у воқеаларни тасдиқ қилганди. Дўстим, ниҳоятда хуш бўлиб:

— Консул жаноблари коммунистлардан нафратлана бошлади, дарҳақиқат ўзи яхши одам. Энди бизнинг ишимизнинг йўли тайин бўлди.

— “Хатда номлари зикр этилган ҳазрат Афғонистоннинг учдан бир халқининг пири, Ғозий Омонуллохоннинг ҳомийсидурлар.

Омонуллохоннинг коммунистлар билан яхшигина алоқаси бор” — деди дўстим.

Дўстим мен билан анчагина бирга юрди, кейин хайрлашдик. Мен “Моғак” масжидига бордим. Муаззин бор экан уни биринчи куни ҳам кўрган эдим, лекин суҳбатлашмагандим. Олдига бориб саломлашдимда, беш рубл бериб ушбу ҳадяни қабул қилишини сўрадим. Муаззин хурсанд бўлиб:

— Сен кимсан? Нима иш қиласан?

— Шаҳрисабзликман, ямоқчилик қиламан. Анчадан буён Бухорои шарифни зиёрат қилишни орзу қилардим. Кеча келгандим, бадқисматлигимдан коммунистларнинг фитна-фасодига дуч келдим.

— Ўхў... Ўзбекмисан?! Коммунистлар билан бўлган жангда иштирок этдингми?! — дея, муаззин ажойиб тарзда сўради.

— Йўқ, биродар. Мен келганимда шаҳар фасоднинг орасида эди, мени ҳеч ҳам алоқам йўқ — деб тезда ўзимни оқладим.

— Қулоқ сол, биродар! Мен ҳам шаҳрисабзликман. Кеча коммунистлар яҳудий, армани ва қизил аскарлар билан бирлашиб катта бузғунчиликни ёйдилар. Руҳоний ва уламоларни қаерда бўлса-да ушлаб қатлиом этдилар. Тўрт соатлар ўтгандан кейин, қаердандир ўзбекларнинг бир гуруҳи қўққисдан шаҳарга кириб келиб, шаҳарни коммунист ва қизил аскарлардан тозалаб ғойиб бўлишди.

Муаззин ҳамма воқеани сўзлаб берди. Унинг сўзларини эшитиб жазавам қизиб кетди, мужоҳидлар билан алоқа қилиш керак — дея ўйланиб қолдим. Секингина муаззиндан сўрадим:

— Домла ҳазратлари, ўша ўзбеклар борасида қаердан тўлиқ маълумот олсам бўлади.

— Нима, сен уларни ёқтирасанми?

— Жаноб, сиз коммунистларнинг қонхўрлиги ва мусулмонларнинг бечоралигини сўзлаганингизни эшитиб қайси мусулмоннинг қони қайнамайди?

Менинг сўзларим фитрий ва иймон тақозоси эканлиги яққол сезилиб турарди.

— Сен ўзбекмисан?

— Домла, сиз ҳам мужоҳидларга шерикмисиз? — деб мен ҳам тескари савол қилдим. Муаззин кўрқиб жим қолди. Озгина фурсатдан кейин менга қараб:

— Хуфтоннинг вақти яқинлашиб қолди, шу ерда ўтира тур, мен уйга бориб келаман.

— Тақсир мен кечасини ҳам шу ерда ўтказмоқчиман.

— Яхши ихтиёринг.

Муаззин катта-катта одимлаб хайрлашмай чиқиб кетди. Унинг бу

ҳатти-ҳаракатларидан тезда бу киши жосус бўлса керак, деб тахмин қилдим-да, шошилиб юкларимни кўтариб масжиддан чиқиб кетдим. Девонбеги ҳовузининг олдига келдим. Тунни шу ерда ўтказдим. Субҳидамда Когон тарафга қараб жўнадим. Юриб-юриб бир катта бинонинг ёнига етганимда тўсатдан, кечаги ёш дўстимни учратиб қолдим. Унинг ишхонаси шу ерда экан. Дўстим:

— Кечаси сизга таом олиб “Моғак”га борган эдим, қарасам одамлар тўпланган, 8-10 нафар аскар ҳам бор эди, узоқдан кўрибоқ орқамга қайтдим — деди.

Тахминим тўғри чиқди, бу муаззиннинг иши эди. Озгина суҳбатдан кейин, дўстим беш рубл бериб мени Когон тарафга кузатиб қолди.

* * * * *

Киссавурлар

Бухородан Когон 8 мил узоқликда бўлиб, икки шаҳарнинг ўртасида кичик поезд қатнади. Лекин шу кунларда қатнов йўқ эди. Шунинг учун пиёда боришга тўғри келди. Когонда катта темир йўл бекати жойлашган бўлиб, бу ердан Тошкент, Фарғона, Термиз, Ашхобод, Москва ва бошқа тарафларга поезд қатнади.

Бекатга бориб билдимки, Қаршига йўловчи поезд ҳафтада бир марта бўлиб, қолган барча поездлар аскарый бўлинмалар учун топширилганди.

Бекатнинг яқинидаги тожиклар ошхонасига кириб кўк чой буюрдим. Ўрта яшар бир хизматчи келиб, чойнакни хонтахта устига қўйди-да, тожикчалаб менга эшиттириб пичирлади:

— “Эй худо, ҳар нарса ўзингдан, ўзинг барчасини сақла”. Мен қўрқинч билан бу кишига назар солдим. У чойнакни қўйиб, қайтиб кетди.

Бир оздан сўнг қайтиб келиб оҳиста:

— Ҳой тоғлик бола, форсийни биласанми?

— Оз-моз! — дедим.

— Фарғоналикмисан? Топдимми? — деди.

— Шаҳрисабз ҳам Фарғонага ўхшаш очиқ баландликда жойлашган бўлиб гуллар марказидир. Шояд шунинг учун сиз мени фарғоналик деб ўйлаётгандирсиз — деб жавобни бурдим.

Хизматчи кетиб, озгинадан сўнг “бўлка” нон кўтариб келди. Беихтиёр: “Уларнинг нонини емайман!” — деган сўз оғзимдан чиқиб кетди.

Тўрвамдан Самарқанд кулчаларининг бўлагини чиқардим. Бу нонларни Майман қишлоғидаги домла Бухорий Самарқанддан жўнаб

кетаётганимда берган эдилар.

Хизматчи кулча синиқларига диққат билан назар солди-да, уёқ-буёққа қараб олиб оҳиста:

— Бу бўлаклар қиличбозорнинг олдида ейилганга ўхшайди. Тўғри эмас-ми? — деди.

У бу сўзи билан, “сен мужоҳидларнинг дастурхонида бўлгансан” демоқчи эди. Мен ўзимни гўлликка солиб:

— “Мен форсийни ортиқча билмайман”—дедим. Шунда хизматчи кулиб деди:

— Ўғлим бу кулчалар домла Бухорийнинг дастурхонидандир. Нима у ердан олмадингми?

— Домла Бухорий ким ўзи?! У киши билан мени нима алоқам бор?

“Самарқанднинг шимоли-шарқ томонидаги Майман қишлоғида истиқомат этувчи домла Бухорий-да! Нима сен ул зотни танимайсанми? Ҳозир Шаҳрисабзга тоғангни олдига кетмаяпсанми? — деб жилмайди.

Жилмайиши бутун чеҳрасига ёйилди. Ўйга тушиб қолдим. Бу киши ё жосус ёки мужоҳидлардан экани аниқ эди.

У кулибгина чойнакни кўтариб кетди. Беш-олти дақиқадан кейин қайтиб келиб:

— Кеча Бухорода ниҳоятда оғир кунлар бўлди, сон-саноқсиз кишиларнинг ёстиғи қуриди. Бу ҳали бошланиши, қараб тур, охири қандай бўларкин?! — деди-да, кўкқисдан:

— Хуфтон намозини ўқидингми? — деб сўради.

Мен “ҳа” ишорасини қилдим.

— Бугун кечаси соат 3 да йўловчи поезд Қарши тарафга жўнайди, шунда кетаверасанми?

Унинг ҳамма гаплари ҳайратланарли эди. У гўё сафаримнинг ҳар бир воқеасидан хабардордек эди. Унга жавоб бериш ўрнига унга ер остидан разм сола бошладим. У туриб чиқиб кетди.

Бир ярим соатлардан кейин, қўлимга бир қоғоз тутқазиб деди:

— Ол буни, Қаршининг чиптаси

Мен энди хотиржам бўлдим. Унинг мужоҳидлардан экани шубҳасиз эди. Хаёлга ғарқ бўлдим. Бухородаги таржимон ҳам мужоҳидлардан экан. Хизматчи кулча синиқларидан таниб олганидек, аҳтимол мени бирор аломатимдан билиб олгандир. Шунинг учун менга ниҳоятда бетакаллуфлик билан муомала қилди. Хаёлимда мен 11-12 йиллардан бери коммунистлар билан жиҳод этаётган мужоҳидларнинг тоғдаги қароргоҳига чиқиб кетдим. Хизматчи юзимдаги ўзгаришларга хомушлик билан термилди.

Хаёллар дунёсидан қайтиб журъат қилиб:

– Домла Бухорийнинг аҳволлари қандай? – деб сўрадим.

Хизматчи кулибгина:

– Қори Олмос дурустми? – деди.

Сўнгра босиқлик билан сўзлай бошлади:

– Қарши, Ғузор, Китоб ва Шаҳрисабз холати ҳозир яхши. Қаршида бекат яқинида бир “қизил чойхона” бор, борганинга чойхонага туш. Ўғрилардан омонда бўласан.

Патта ва чой хаққини бердим, хизматчи олаётди: “Бу сенинг ҳисобингдадур” – деб хайрлашиб туриб кетди. Кечаси соат чоракам учларда бекатга етиб келдим. Бекат мусофирларга тўлиб, чиптахонанинг олдида узун қатор бўлиб туришарди. Менинг чиптам борлиги учун кутиш жойига қараб юрдим. Дарвоза олдидаги аскар:

– Хужжатингни кўрсат, қаерга кетяпсан? – дея дўқ урди. Мен ўзимни билмасликка олиб чиптамни кўрсатдим. Аллоҳ ўзи мадад қилди. Қоровул аскар текширишга тоқат қилмасдан чиптани хужжат деб ўйлаб киришга рухсат берди. Поезд роппа-роса соат учда етиб келиб беш дақиқа тўхтади.

Ҳар бир вагон эшигида биттадан қизил аскар милтиқ кўтариб турарди. Ҳар бир чиптага поезд рақами ёзилар экан, меники эса рақамсиз эди. Чиптам рақамсизлиги учун ҳеч бир аскар поездга минишга рухсат бермади. Поезд ўрнидан силжиб эшиклар беркитила бошлаганида, бир аскарнинг ёнига бориб илтимос қилдим, раҳми келиб чеккага чиқиброқ турди, лип этиб ичкарига ўзимни урдим. Орқамдан олти нафар рус киссавурлари ҳам таёқчалари билан поездга осилишди.

Поезднинг юриши тезлашгандан сўнг киссавурлар ичкарига киришди. Вагонда шарқий Бухорога мансуб ҳайбатлик узунбўйли, каттабошли, бармоқлари билакларимдек семиз- семиз, узун тўн, калта салла ўраб олган уч ўзбек киши ўтирарди.

Тўсатдан киссавурлар менга ёпирилиб ҳамла қилиб, юкларимни тортиб олишди-да ўзимни ташқарига улоқтирмоқчи бўла бошлашди.

Мен ёрдам сўраб бақира бошладим, лекин ўзбеклардан бирортаси қимирлаб ҳам қўймади. Улар мени аёвсиз савалашар, мен эса қичқирардим. Киссавурларнинг олтови ҳам семиз ва бақувват жисмлики эди. Улардан бири бор кучи билан бўйнимга мушт солди. Бошим айланиб, кўзларим тиниб кетди. Беихтиёр: “Эй Аллоҳ ўзинг мадад қил” – деб бақириб юбордим.

Худонинг номини эшитиб, бадбахт киссавурлар қайтадан ташланишди. Онамни беҳаё сўзлар билан сўкиб, мени эса “Рухоний ит” – дея устимга кетма-кет тепки ва муштарни ёғдиришарди.

Ҳаттоки, “Динингга, худоингга, Қуръонингга...” каби сўзлар билан сўкишарди.

Ҳарчанд ҳаракат қилмайин, уларга бас кела олмадим. Қўлоёқларимдан ушлаб ташқарига улоқтирмоқчи бўлиб туришганди, қўққис қўшни вагон эшиги очилиб қўлида шам ушлаган назоратчи пайдо бўлди. Улар назоратчини кўриб қўшни вагон томон қочиб кетишди. Назоратчига воқеа тафсилотини эшиттирдим. Баданим кўрқинч ва азобу оғриқдан титрар, оғзим қонга тўлган эди.

Вагондаги кишилар мендан можаронинг сабабини сўрашди, уларга ҳам воқеани эшиттирдим. Маълум бўлишича, бу ишлар рус ўғри ва киссавурларининг кундалик одатига айланиб, талон-торож кенг ёйилган, баъзиларини талашар, баъзиларни эса поезддан улоқтирар эдилар. Дод-фарёд қилувчилар “гуноҳкор” ҳисобланар, мазлумни ҳимоя қилишга ҳеч кимда ҳиммат топилмас эди.

Вагондаги ҳамсафарлар шундай маслаҳат беришди: “Сен ўзингни комсомол қилиб кўрсат, шундай қилмасанг ўзингни айбдор этадилар”. Мен: “Бундай қилолмайман” — дедим. Озгина фурсат ўтиб икки аскар ва кондуктор киссавурлардан уч кишини тутиб кириб келишди. Воқеа баён қилиниб, мени руҳонийликда айблаб уларни қўйиб юборишди.

* * * * *

Термиздаги мудҳиш ҳодиса

Субҳидамда Қарши бекатига тушиб, шаҳарга кетишда икки нафар қозоқ кишига ҳамроҳ бўлдим. Улар қозоқ “хуррият”чиларидан бўлиб, Қозоғистон халқини коммунистлар чангалидан озод қилиш учун тузилган махфий фирқанинг ишончли вакиллари экан. Бошимдан кечирган қиссамни эшитиб менга ниҳоятда меҳр-шафқат билан муомала қилиб ўзлари билан шаҳардаги “қизил чойхона” (ресторан) томон олиб кетишди. Ўша куни соат 5 ларда темир йўл майдонида Қаршининг машҳур олимларидан бирини ҳарбий суд қилиш учун шаҳарнинг барча аҳли тўплансин, дея жар солинди. Катта оломон тўпланди. У мард ва жасур зот аскарлар қуршовида олиб келинди. Суд бошланиб уни “руҳоният” ни ёйиши ва коммунизмни танқид этиб қоралашда айблашди.

Уларнинг даъволарига домла Қарший шундай деб жавоб берди:

— Менинг айбим динга даъват этишдаги фарзни адо этиш бўлса, мен бу даъватимда динга шубҳа қилувчиларни далиллар билан хотиржам қилишга ҳаракат қилдим ва тоинки тирик эканман шу ишни давом эттираман!

— Сен фарз деяётган нарсанг хилофи қонун ва боғийликдур.

Рухониятни тарқатиш қонунан тақиқланади — деди ҳарбий суд аъзоси.

— Дин барҳақдур. Халқнинг аксари Аллоҳга, унинг росулларига, китобларига, фаришталарига, ўлгандан сўнг қайта тирилишга, ҳисоб-китобга, тақдирнинг яхши-ёмонига иймон келтиради. Коммунистлар эса ярим фоиздан ҳам камдур. Мулкнинг аксар халқи ўз динини тарк этмайди.

Бундай ҳақ сўзларни эшитишга уларнинг тоқати етмас эди. Ул жасур мужоҳид ўз сўзларини тугатмаган ҳам эди-ки, унга ўқ ёғдириб шаҳид этишди.

Бутун халқ аскарларнинг қуршовида эди. Ҳеч кимда бирор қурол-аслаҳа йўқ бўлиб, буткул ҳимоясиз эдилар. Лекин ул мужоҳид олимнинг қулаганини кўрган халқ кўзларидан қонлар тўкиб майдонда наъралар ура бошлашди. Қўрқиб кетган коммунистлар пулемётларни ишга солиб, халқ устига ўқ ёғдира бошлади. Баъзи баҳодир йигитлар жонларини хавф остига қўйиб аскарларга ташланиб милтиқ ва пулемётларни тортиб олдилар. Майдонда юзма-юз уруш бошланиб кетди. Темир йўл бекати, ўрта шаҳар ва бекат омборхоналари атрофига қароргоҳ қилган қўшимча аскарлар дарров ёрдамга етиб келишди. Бир ярим соатлар чамасидан сўнг бутун шаҳарга қўрқинчилик сукунат чўмган эди. Майдон бўшагандан кейин яширинган еримдан аста чиқиб яширинча чойхонага етиб келдим. Мендан хавотирда турган икки биродаримнинг юзлари мени кўриб ёришиб кетди.

Ул ваҳший аскарларнинг беаёв ёғдирган ўқларидан қанчалаб кишиларнинг ёстиғи қуриганини айтиш мушкул эди. Шаҳарда хар-ҳил сўзлар юрар, хуллас юзларча кишилар ҳаётдан кўз юмдилар. Қаршида уч кун турганимиздан сўнг тўртинчи куни Шаҳрисабзга йўл олдик. Ҳамроҳим:

— Ҳозир Шаҳрисабзда тинчилик, лекин қачонгача бўлар экан, билмадим? Қаршини мукамал қўлга киритиб, ундан кейин у ерда ҳам шу қонли воқеалар ўйналади — деди.

Бирор рус газеталари бу хунрезлик тўғрисида оғиз очмаганига қарамасдан, бу аламли воқеа бутун атрофга таралди. Мусулмонларнинг қонлари жўш уриб норозилик ва қаршиликларини изҳор этишарди.

Ғузур тарафга сафар қилганимда коммунистлар шаҳарни қуршов қилиш билан овора эдилар.

Қаршидан Ғузурга, сўнгра Шаҳрисабзга кириб бордим. Шаҳрисабз Қаршидан тахминан 72 мил узоқда эди. Темир йўл бекати эса шаҳарнинг марказий дарвозасидан 7 мил узоқликда жойлашган эди.

Бу ерда мен чор девор билан ўралган масжидда истиқомат қилдим. Масжид жуда катта сарой (зал) эди. Унинг саҳнидан оқиб ўтган анҳорнинг бўйларида кўм-кўк дарахтлар яшнаб турар, савлат тўкиб турган ҳаммомнинг қарши томонида боғ жой олган бўлиб, саройнинг ичига тахминан 500 киши сифар, унинг икки тарафига жимжимадор хужралар солинган, масжид ғоят кўнгилочар ва чиройли эди.

Шаҳаргача извошда етиб келиб бир баққолдан “Ҳазрат Хўқандий”, яъни тоғажонимнинг манзилгоҳларини сўрадим. У менга бироз диққат билан разм солди-да, извошга йўл ҳаққини бериб, юкларимни кўтариб дўконнинг болохонасига олиб чиқди. Мени жойлаштириб ўзи қаймоқчой тайёрлай бошлади. Туркистонликлар ўз азиз меҳмонларини қаймоқчой билан иззатлашарди. Қаймоқчой — сут, сариёғ, писта, бодом ва ёнғоқ каби мағизлар, ярим қадоқ кўкчой ва бир чўмич сувдан тайёрланиб ёғли нон билан меҳмонга тақдим қилинарди. Чойдан сўнг дўкондор:

— Сиз ҳазратнинг қариндошлариданмисиз? — дея гап бошлади.

— Қандай билдингиз?

— Шаклу-сурат, хулқ-атворингиздан.

— Ҳазрат Хўқандий менинг тоғам бўладилар.

— Аввал ҳам келганмисиз?

— Йўқ, бирор марта ҳам келмаганман, ҳатто тоғамни ҳам кўрмаганман.

— Тўғри уйдан келяпсизми? Ёки йўлда ушланиб қолдингиз-ми?

— Уйдан чиққанимга 3 ой бўлди. Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Когон, Қарши, Ғузурда бўлиб, сўнгра бу ерга етиб келдим.

— Қаршидан қачон чиқдингиз?

— Кеча кечаси.

— Кечаси билан дам олмабсиз. Ҳозир бу ерда дам олинг. Мен келгунча ташқарига чиқа кўрманг.

— Ушла-ушлами?

— Шаҳарда кечадан бери қизил аскарлар изғиб юришибди. Хўқандий ҳазратни қалъа ичида кўриқлаб туришти. Менинг исмим Темурбек, Хўқандий ҳазратнинг ходимлариданман.

— Бу ишлар нима учун бўлаяпти?

— Бухорода қаттиқ зулм қилишди. Қаршида буюк олим муфтий Холмурод домлани отиб ўлдиришди. Ҳозир мусулмонлар ўзларини ҳимоя қилишдан бутунлай маҳрум бўлиб, қизиллар уларнинг уйларини тинтув қилиб юришти. Фақат ҳозир саҳро ва даштлар уларнинг зулмларидан омондадур. Бу ерда бир буюк олим ва пир Саййид Жалолуддин Афғоний эшон борлар.

— Сиз ул кишини танийсизми? — дея гапни кесиб сўрадим.

— Ҳа, ул зот ҳозир Ғузорда яшайди. Ҳўқандий ҳазрат билан яқин алоқалари бор. Ҳар ҳафта 25-30 чоғлик басафлат муридлари билан ҳазратнинг зиёратларига келишади. Икки-уч кунлаб ҳазратнинг илтифотларидан баҳраманд бўлишади, магар ... у шундай одамки... — деб дўкондор жимиб қолди.

— Қандай одам? — дея гапни давом эттириш учун сўрадим.

Темурбекнинг пешонасида ранжиш аломати пайдо бўлди. Гўё мен ундан ниҳоятда кўнгилсиз нарсани сўрагандек эдим.

Сўнгра у менга қараб:

— Тўразода, бу саволга эртага жавоб бераман. Ҳозир ҳазратнинг қалъаси томон кетяпман. Иложи бўлса сизнинг келганингиз хабарини етказаман — деб чиқиб кетди.

Мен эса сўрига чиқиб чўзилдим. Бир неча кунлардан бери йиғилган чарчоқ ва паришонликлардан сўнг бу осудаликда ётибоқ кўзим юмилиб кетди. Кечга яқин Темурбек қайтиб келди ва мени туртиб уйғотди. Сўзига қараганда ҳазратни ҳам уй қамоғига ҳукм қилишпти. Шаҳар ва қишлоқлардаги бирорта мусулмон ишга чиққани йўқ, дўконлар қулфланган, қизил аскарлар қутурган ит каби изғиб юришибди.

— Сизнинг ҳозир у ерга боришингиз хавотирлидир. Катта бир масжидда ётиш-туришингизни интизомини қилиб қўйдим. Масжиднинг имом-мударриси ҳазратнинг дўсти бўлади. Бир гап, у ерда бирортаси келишингиз сабабини сўраса, мутаваллий соҳибнинг ходимиман, Ғузордаги ерларни тасарруф қиламан, деб айтинг. Қолган гапни ўзимга қўйиб беринг.

Темурбек тоғамнинг яқин одамларидан экан ва ул киши тарафларидан масжиднинг интизомий ишларини бошқариб турар экан.

* * * * *

Коммунистлар ҳийласи

Шу кеча масжидда маҳалла аҳли томонидан маслаҳат уюштирилди. Чунки коммунистлар мутаваллийларга шундай қонун жорий этдилар:

— Фалон куни шомдан то субҳгача масжидлар фирқанинг ихтиёрига берилсин. Фирқа ўз дастурини ўтказмоқчи.

Масжид аҳли узоқ маслаҳатдан сўнг фирқанинг бу ишидан норозилик изҳор этиб комиссариатга шикоят этишга қарор қилдилар. Лекин бу шикоятлар ҳеч бир идора томонидан инобатга ўтмади. Балки фирқанинг ишини на шаҳар комитети ва на комиссариат рад эта олади, дея жавоб бердилар.

Буйруқнинг тўртинчи куни ҳамма жомеъ масжидларида бирваракайига мажлис белгиланди. Маҳалла аҳллари, кўча юзини кўрмаган боҳаё, мастура, ифбатлик аҳлу-аёлларини масжидга олиб келишга мажбур қилдилар. Қуролланган “назоратчи”лар ҳар бир уйга бостириб кириб, эркагу-аёл барчани ҳайвонлардек уйдан ҳайдаб чиқардилар.

Масжид дарвозасининг икки томонига қўйилган бегона икки киши ҳижобли аёлларнинг паранжиларини юлқиб олиб масжид саҳнига улоқтиришарди. Кечаси соат 10⁰⁰ чамасида тўпланган паранжиларга уларнинг кўз ўнгиларида ўт қўйишди.

Шундан сўнг ўз нутқу баёнотларини бошлашди. Нотиқлар бири-биридан ўзарга паранжини таҳқирлаб оғзиларидан кўпик сочиб қизғин нутқ қилар эдилар.

Шу орада улар бир бошқирдистонлик коммунистни нутққа шундай деб таклиф қилдилар:

– Бошқирдистон “Озодлик” коммунистлар партияси масъул аъзоси, бир ҳафта олдин бу ерга келди.

У шундай баёнот қилди:

– “Паранжи, эркакларнинг аёлларга нисбатан қилган зулму-ситамининг аломатидур. Энди мана улар озод бўлдилар. Энди улар завод-фабрикаларда, корхона ва ҳукумат идораларида эркин хизмат қила олишади. Фарғонанинг ҳимматли халқи бу ҳақиқатга етишди. Уларнинг аёллари озодлик неъматидан баҳраманд бўлишяпти. Никоҳ-талоқ жанжаллари ҳам бартараф бўлди. Улар эркаклар зулмидан қутқарилиб озод ҳаёт кечиряптилар. Кошки, ҳозир бу ерда, Фарғона, Самарқанд, ёки Бухоронинг ҳолатларидан бохабар бирор киши бўлса эди, менинг бу сўзларимни тасдиқлаган бўлар эди.

Бу дин, худо, Росул, Қуръон, Қиёмат, ҳисоб-китоб, фаришта, жаннат-дўзах ҳаммаси руҳонийларнинг заминдор бойлар билан биргалашиб тўқиган тузоғидир. Ўртоқ Ленин ва Сталин бу тузоқларни чок-чокидан йиртиб ташлашди. Уларнинг баёнотларини сиз, халққа етказиш ва сизларга тўғри йўлни кўрсатиш учун партия ходимлари бу мажлисни уюштиришди”.

Унинг бу баёнотлари ҳеч чидаб бўлмас даражада эди, лекин ундан сўнг бошқа бир коммунист ҳам минбарга кўтарилиб оғзига келган нарсани сўзлай бошлади. У ҳатто меҳробга қараб туфлади, бир оздан сўнг бурнини ҳам қоқди. У шу қадар ифлосликка етдики, баногоҳ токчадаги “Қуръони карим” ни кўриб қолиб маймунга ўхшаб сакраб бориб қўлига олди, масхаромуз ҳаракатлар ила саҳнага етиб бориб паранжи- чодирларнинг ёниб тутаган қайноқ кулига улоқтирди. Сўнгра томоғини йиртгудек бўлиб қичқирди:

– Биз Шаҳрисабз мусулмонлари аҳд қиламизки, бундан буён хурофотчиликларнинг юксалишига йўл қўймаймиз. Бухоро, Самарқанд ва Фарғонада руҳонийларнинг марказларини ишғол қилганимиздек ва у ернинг халқи ўз ихтиёрлари билан руҳонийларнинг ҳийла ва фирибларини пора-пора қилгани каби шу услубда ҳаракат қиламиз.

Менинг қувватим сабру-бардошимдан ғолиб келиб, ўрнимдан ирғиб туриб бу очикдан-очик тухматларга жавоб бермоқчи бўлган ҳам эдимки, Темурбек мендан олдин унинг гапини рад эта бошлади:

– Сен яҳудий боласисан, бу мусулмонларнинг маҳалласидир. Шаҳарда сенларнинг олтита ибодатхоналаринг бор, аввал шуларга ўт қўй, токи коммунистлигинг билинсин. “Фарғона, Бухоро ва шу каби бошқа ерларда уламолар ва оммавий халойиқ коммунизмни розилик ва хурсандлик билан қабул қиляптилар”–деган сўзингни барчаси ёлғон ва уйдирмадир. Бу йигит менинг сўзларим ҳақиқат эканига гувоҳдир, – дея менга ишора қилди.

Ўрнимдан ирғиб туриб тўлқинланиб сўзлай бошладим:

– Бу шахснинг барча сўзлари нотўғридир. Фарғона ва бошқа ерлардаги уламолар коммунистларнинг барча тухмат ва бўҳтонларига яқдиллик билан кураш олиб бормоқдалар.

Сўзим шу ерга етгандаёқ мажлис ҳолати ўзгариб кетди. Шаҳрисабзлик боҳиммат мусулмонлар ул бадбахтларнинг устига ёпирилиб кела бошлади. Тезда аскарлар етиб келиб мажлис тамом бўлганини ва одамларни ўз уйларига тарқалишларини талаб қилди.

Қизил аскарларнинг қон тўкмай, қирғин этмай тарқалишни талаб этишлари ҳайратлик эди.

Аслида бунинг сабаби бошқа экан: коммунистлар шу каби мажлисни бошқа масжидларда ҳам уюштиришган. Мусулмонлар эса қўзғолон қилиб бир неча масжидларда улар билан тўқнашувлар бўлган, ёрдамга етиб келган қизил аскарларнинг қуролларини тортиб олиб ўзларига ҳужум этишган. Тарқоқ ҳолда қолган аскарлар ўз кучларини йўқотиб, бизнинг масжид аҳлини қирғин этишга муяссар бўла олмаптилар.

Эртаси соат 12⁰⁰ларга яқин қизил аскарлар ўз қаророгоҳларига қараб равона бўлгач, тоғам турган қалъа ҳам озод бўлди. Бу ниҳоятда кутилмаган ҳодиса эди. Дарҳақиқат коммунистлар бир тажриба ўтказгандилар. Мақсадлари халқнинг онги, тушунчаларини таҳлил этиш, содир бўлаётган охириги жараёнлар борасидаги муносабатларини билиш, мамлакатда юз бераётган воқеалардан хабардорми ёки қудуққа тушган бақа каби ғафлатдами, шуни билиш, уларнинг ўз динларига бўлган муносабати, ўз ақидалари ва

аҳкомларини ҳимоя қилиш даражалари, авом халқнинг асл ақидалари, дин уламолари ва халқнинг нуқсон ва заиф ерларини билиб олиб, ушбу маълумотларни халқнинг зарарига истеъмол этиш эди.

Улар ўз тажрибаларини хар-хил жойларда қўллашарди. Улар аввал янги, тажрибасиз югурдакларини аввалги қаторга қўйишар, мабодо халқ томонидан норозиликлар кучайса: “Бу ишларга коммунистлар ҳукуматининг ҳеч қандай алоқаси йўқ, балки бир неча тарбиясиз ходимларнинг ўзлари содир этган ишларидир” — дея эълон этишар, ҳатто баъзи бирларини “халқ душмани” деб дорга ошишга ҳам боришар эди. Буларнинг барчаси авом халқни бу ҳукуматдан хотиржам ва беташвиш қилиш учун қилган чоратадбирлари эди. Ушбу тадбирлар уларнинг янги макр-ҳийла тузишига имконият яратиб берарди.

Аскарлар қайтиб шаҳар тинч ва осойишта бўлиб қолди. Темурбек билан очилиб суҳбатлашдик. У тоғамнинг сиёсий маслаҳатчиларидан бўлиб, Бухоро, Самарқанд ва Тошкентга бир неча бор бориб келган экан. Кечаги воқеаларни эслаб: “Булар яна бошқа бирор режаларини тажрибадан ўтказадилар” — деди. Сўнг тоғамдан хабар олиш учун қалъага кетди. Бир қанча вақт ўтиб чехраси ёришган ҳолда шундай хабар олиб келди:

— Маҳалладаги бир неча яхудий коммунистларининг шикоятига биноан қизил аскарлар Ҳазрат Хўқандийнинг уйини тинтув этишибди. Уларнинг шикояти: “Бу эшон пир авом халқнинг қонини сўриб ётибди ва халқни фирқага қарши этиб тайёрлайди” — деган сўзлардан иборат эди.

Тинтув вақтида ҳазратнинг хужраларидан фақат 2 та ювилган кўйлак, бир жуфт оёқ кийим, ошланган бўри териси, бир қалин кўрпача, бир чойдон ва мис чойнак чиқипти. Бу ҳазратнинг ҳамма уй анжомлари эди. Меҳмонхонадан эса сарф-харажат ҳисоби битилган дафтар топишипти. Унда нима қаердан келди, қаерга сарфланди, ким олиб келди, ким қабул қилди каби барча муомалалар қайд этилган эди. Буни кўрган аскарлар зобити ҳайратда қолиб аскарларни қайтариб олиб кетипти. “Лекин бу уларнинг бошланғич амалларидир. Уларнинг бу ҳийласи бекор бўлди. Энди улар тўра ҳазратни йўқотиш учун янги тадбир қўллайдилар” — деди Темурбек.

Орадан бир ҳафта ўтиб Шаҳрисабздаги барча мажлис ўтказилган жойларга: “Ўтган ҳафта коммунистлар партиясининг баъзи бир ўзбошимча ходимлари томонидан содир этилган бемаъниликларда айбдор бўлганларга жазо берилди. Ҳукуматнинг бу ишларга алоқаси

йўқдир. Ушбу ҳукумат фуқаронинг диний, мазҳабий муомалаларига аралашмайди. Лекин бирор киши ўз хоҳиши билан фирқага аъзо бўлса, ҳукумат уни мутаассиб мулла ва пирларнинг қаршилигидан ҳимоя этади” — деган эълонни жарчилар қичқириб тарқатардилар.

* * * * *

Учрашув

Темурбек мени тоғамнинг хузурларига олиб борди. Тоғам қучоқ очиб меҳр билан бағриларига босдилар. Ёшлари саксонларга яқинлашган, лекин ниҳоятда тетик, соғлом, юзи оқ-қизилга мойил, пахтадек оппоқ соқолли ва ҳайбатли киши эканлар.

Тоғам: “Онанинг аҳволлари қандай? Ёнида кимлар қолди?” — дедилар.

— Уч ой олдин, йўлга чиқмасимдан илгари соғу-саломат эдилар, лекин барча шахрий (фуқаролик) ҳуқуқларидан маҳрум қилиндилар.

— Ҳуқуқларидан маҳрум этилган?! У нима нарса? — дея ҳайрон бўлиб сўрадилар.

— Аллоҳга ва Қиёмат кунига иймон келтирган кишиларга “руҳонийлар” деган ном қўйиб уларни барча фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум этадилар.

— Эй Аллоҳ! Бу ишлар Роббул иззанинг тарафидан бизнинг ношукурчилигимиз сабаблик юборилган балолардир — дея хомуш бўлдилар. Бир оздан сўнг Темурбекка қараб:

— Ҳожи Хўқандийни чақир, — дедилар.

Ҳожи Хўқандийнинг номлари менга таниш эди. У зот жаҳонгашта инсон эдилар. Арабистон, Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва бошқа Европа мамлакатларини ҳам кезиб чиққан эдилар. Анвар пошшонинг яқин дўстларидан бўлиб ҳозирги кунда тоғамнинг боғ ва ерларининг назоратчиси эдилар. Келганларидан сўнг тоғам ул кишига юзланиб :

— Жалолоддин эшонни тезда бу ерга олиб келинг, — дедилар.

У киши чиқиб кетиб бир мунча фурсатдан сўнг қайтиб келиб, “Жалолоддин эшон “Лангар ота” га кетибдилар, икки-уч кундан кейин қайтиб келар эканлар” — деб хабар бердилар.

Ҳожи Хўқандий Қаршидан мусулмонларга хунрезлик қилинган куни келган эканлар. Бутун воқеани батафсил сўзлаб бердилар. Маълум бўлишича, Қаршида халқнинг кўз ўнгида қатл этилган довиюрак олим Бухоронинг машҳур муфтийси домла Холмурод бўлиб “Лоғон” масжидининг имоми шу кишининг шогирди экан.

Эртасига Саййид Жалолоддин эшон келдилар, тоғам ул кишига қараб: “Саййид, сиз “Социалистларнинг мақсади фақат

камбағалларга ҳамдардлик, таълим-тарбияни умумийлаштириш, маошнинг миқдорини муқаррар қилиш, заруратдан ортиқ ерни ўз мулкида сақламаслик, хотин-қизларнинг ҳуқуқини сақлаш ва тамом миллатни ўз эркига қўйиш, дер эдингизку!” — дедилар.

— Тўғри айтдингиз, тақсир. Ҳозир коммунистларнинг ҳақиқий башараси яққол кўз ўнгингиздадир. Маълум бўлдики, уларнинг барча даъволари ғирт ёлғон ва ҳийла экан. Мен Ғузорда ҳожи Ҳўқандий Шаҳрисабзда кўрган нарсаларни ўз кўзим билан кўрдим — деди.

Мен у кишига афғоний консул юборган узун мактубни бердим. Мактубни ўқиб чиқиб :

— Ғузорда биз кўрган ишлар бутун Туркистон ҳолатининг таржимаси экан, — деди.

* * * * *

Сайид Жалолиддиннинг кўзи очилди

Сайид Жалолиддин тоғамнинг ҳузурларидан беҳад паришон ҳолда чиқиб кетаётганларида:

— Мен Бухорога бормоқчиман, тирик бўлсак қайтишда дийдорлашармиз — дедилар. Орадан бир ярим ойлар чамаси ўтиб, қайтиб келдилар. Ул киши бутун ҳолатларни кўриш учун узун сафар қилибдилар. Шаҳрисабздан Китобга, Китобдан тоғлик ноҳияларга сафар қилиб, дарёи Амунинг соҳилларида жойлашган “Дарвоз” гача етиб борибдилар. Ҳисор, Лангар ота ва Ғузорда бўлиб, сўнгра Қаршига тушиптилар. Қаерга борсалар Исломга нисбатан қилинаётган турлик-туман душманчиликларга шоҳид бўлганлар. Бухорога сафар қилмоқчи эканлар, ҳукумат рухсат бермапти. Ул киши эса Бухородан ўзига яқин бир ишончли биродарини чақириб у ернинг ҳам дostonларидан огоҳ бўлибдилар. Бир ярим ойлик сафардан сўнг кўзлари янада равшан очилибди. Коммунистлар ул кишини “Социализм ва коммунизм бир иқтисодий низомдир. Дин ва мазҳабга душманчилиги йўқдир, фақат кишиларни иқтисодий инқироздан қутқарадиган ва сармоядорликни бартараф қиладиган бир йўлдир” — дея ишонтиришган эди. Сайид Жалолиддин эшон эса уларнинг бу алдов тўрларига илиниб қолиб, социализм ва коммунизм ҳақида сўраган кишиларга “Уларнинг мақсади фақат мол ва давлатни баробар тақсимлашдан иборат” — деб жавоб берардилар. Ҳақиқатни ўз кўзлари билан кўрганларидан сўнг, уларнинг макру-ҳийлаларига ғазаб қонлари қайнаб кетди.

Маркснинг назариясига кўра “Худо ва мазҳабнинг тасаввури бир беҳуда нарса, балки инсон учун афюннинг ўзгинасидур. Уни

томиридан суғуриб ташлаш партиянинг аввалги бурчидур” дейилган. Лекин гишт қолипдан кўчганди.

Коммунистлар ул кишининг ёрдами билан бутун Туркистон исломий миллатини ўз чангалига илинтирганди, энди эса ул кишига ўз мулки – Афғонистоннинг фикр ва ташвиши тушиб қолганди.

Коммунистлар гумашталари эса у киши номини сотиб ўз ишларини давом эттиришарди. Ул киши Афғонистон мусулмонларини коммунистларнинг макру-ҳийласидан огоҳ этиш учун Афғонистонга кетишга қарор қилди. Кетиш олдидан тоғамнинг хузурларида ҳозир бўлиб барча кўрган воқеаларни батафсил сўзлай бошлади. Мусулмонларнинг заифлиги ва дини ислом мададсиз қолганини зикр этаётиб овози қалтираб кетди ва: “Ҳазрат, ҳижрат фарзи айн бўлди, сиз ҳам сафар тадоригини қилиб мен билан бирга кетсангиз. Ҳозиргача сиз мени риоя этиб келдингиз, энди мен сизнинг хизматингизни қиламан” — деди. Тоғам ул кишининг сўзларини вазминлик билан тинглаб, сўнг: “Туркистон уламолари ҳижрат қилмасликка, халқни ташлаб кетмасликка ва охириги қон қатралари қолгунча улар билан бирга бўлишга қарор қилганлар” — дедилар.

Жалолиддин эшон тоғамнинг қўлларини олиб йиғлаб туриб: “Энди мен ўз ҳаётимни мусулмон мамлакатларини бу фитнадан огоҳ этишга сарф этаман. Саломуллоҳи алайкум” — дея йўлга равона бўлдилар.

Осмон ажиб бир кўринишда, ғамгин эди.

* * * * *

Шаҳрисабздаги кунлар

Келганимдан буён Шаҳрисабзда Темурбекнинг уйида истиқомат қилар эдим. Ҳолат зоҳиран яхши бўлиб қолган эди. Бир ярим-икки ой илгари содир бўлган қотилликлар унутилиб, одамлар ўз ишлари билан машғул бўлиб қолган эдилар. Исломнинг зиддига бўлган ишлар барчаси билмасдан қилиб қўйилганга ўхшарди. Уларнинг бир неча тажрибаси йўқ янги коммунистларни жинояткорликда айблаб қаттиқ жазо беришлари, ҳатто баъзиларини дорга осишлари содда халқни ишонтирди. Халқ ўзларича ҳукуматни беайб ва беқусур деб билишарди. “Агар ҳукуматнинг бу ишларда қўли бўлса ўз одамларини шундай жазолайдими?” — дея бир-бирларини ишонтирардилар.

Авом халқни янада хотиржам этиш учун янги бир режа туздилар. Ҳар бир маҳаллада “уюшма”лар очиб уларни арабий тилда

номладилар. Кўринишда ишлари ниҳоятда олийжаноб бўлган “Асҳоби адл”, яъни адлу-инсоф эгалари маҳалла аҳлининг ўртасидаги ўзаро жанжалларни бостиришар ва уларни иттифоққа келтиришарди. Шу йўл билан улар содда халққа ўз таъсирларини кўрсатдилар. Улар ҳам ўзларини беҳад олийжаноб, адолатли, фитна-фасоддан нафратланувчи, омонатдор этиб кўрсатардилар.

Лекин уларнинг асл мақсади коммунистлар етишиб чиқиши учун замин тайёрлашдан иборат эди. Шунинг учун маҳалланинг бебош ва итоатсиз, бемаъни ёш-яланглари “уюшма”га танлаб олишар ва “уюшма”нинг барча ҳисобот ва низоми бошқарувчи раис партия ташкилоти ва маҳаллий назоратчиларга ҳисобот бериб турарди. Уларнинг бу найранглари ўзларининг ҳақиқий башараларини ниқоблаб, содда халқни ўз ғоялари томон етаклашга қулай бўлган эди. Бироқ кўп ўтмасдан уларнинг ниқоблари йиртилиб, одамлар бу уюшмаларга мурожаат этишдан бўйин товлай бошлашди.

Улар бунинг ҳам чорасини кўриб қўйгандилар. Партия кўрсатмасига мувофиқ маҳалладаги барча яшовчиларни рўйхатга олиб, уларни бир неча гуруҳларга тақсим қилдилар. Уламолар, мустаҳкам ақида эгалари, ўткир ақл эгалари ва ҳоказо ва ҳоказо. Сўнгра яна тақсим этдилар. Булардан кимлар партия хизматида, кимлар партияга тўсқинлик қиляпти, кимларни зўрлик ва қўрқитиб қўлга олса бўлади, кимларни тарғиб этса бўлади, кимларни ҳеч йўл билан қўлга олиб бўлмайди ва ҳоказо.

Сўнгра одамлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўлчаб чиқдилар, кимларнинг дўсти, душмани бор ва у нима ҳақида ўйлайди, қандай қилиб уларнинг зиддиятини кучайтирса бўлади. “Асҳобул адл” уюшмасининг асосий вазифаларидан бири уламоларнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатини кузатиб керакли маълумотларни партия ташкилоти ва назоратчиларга етказиб туриш эди. Улар бу хизматларини камолига етказиб адо этардилар. Тезда маҳалладаги ҳар бир эркагу-аёлнинг шахсий ҳолатига доир маълумотлар йиғилди. Унда ҳар бир шахснинг номи, насаби, қариндошлари номи, илм савияси, фикрлаши, ҳаттоки табиатининг қўпол-мулойимлиги ҳам битилган эди.

Буларнинг бу тадбирлари аста натижа бера бошлади. Уларнинг “уюшма”сига икки хил инсонлар жамланиб хизматга тайёр бўлди. Бир тоифаси фосиқ-фожира, беилм ва мансабпараст кишилар бўлиб, мақсадлари ўзларини бошқалардан устун қилиш ва бошқаларни ўзларига бўйсундириш эди. Иккинчиси эса, илм даражалари паст, бефикр, йўлини йўқотиб назардан четда қолган олимлар ва баъзи сўфийлар эди. Ленининг “Машриқга мазҳаб дарвозасидан

киринглар” деган кўрсатмаси уларга аъло даражада кўл келаётган эди.

Кўрқитув, қизиқтирув ёки бошқа хийлалар билан бир неча мазҳабий шахсларни кўлга олишган эди. Уларнинг кўплари катта-катта зоҳид, обид, сўфий ва муллалар эди. Кўринишлари нуроний, кўркам соқолли, пешоналарида сажда аломати бор кишилар эди. Булар бир тарафдан коммунизм ва социализмни ҳимоя қилиб ояту-ҳадислар келтиришар, саҳобаларнинг ҳаётини пеш қилишар, иккинчи тарафдан социализмга қарши бўлган олимларни сармоядор бойларнинг хизматчилари, дея гап тарқатишарди.

Шу сабабли, “Бунёнун марсуе”, яъни қўрғошин каби бир-бирини қувватловчи бино бўлиб, исломни ҳимоя этаётган уламолар орасига низо тушиб ажралиш юз берди. Уламоларга қараб авом халқ ҳам иккига бўлинди. Бу уларнинг диний таълим-тарбия жиҳатдан ҳаётларига етказилган катта зарар эди. “Уюшма”нинг ҳақиқий башарасини “Яъқуб Чархий” қишлоғининг имоми билан қурган суҳбатимдан сўнг яхши англаб олдим. Бу қишлоқ Шаҳрисабздан ўн олти мил узоқ бўлиб, у қишлоқ аҳлини “Кенагас”лар дейиларди.

Мен ва уч нафар толиби илмлар шул вақтда Шаҳрисабз атрофини сайр қилгани чиқиб, Яъқуб Чархий қишлоғига етиб бордик. Имом хатиб тўйга кетган эканлар, кечга яқин қайтдилар. Ул кишини масжидда зиёрат этдик. Бизларни жуда самимий қабул қилдилар. Ҳазрат Хўқандийнинг жиянлари эканимни билганларидан сўнг бу самимиятга муҳаббат ҳам кўшилди. Ул киши бўлаётган мусибатларни батафсил баён қила бошладилар:

– Ҳозирги ҳолатимизга қон йиғлаяпман, мен бундан ташқари яна тўрт масжид қавмига хизмат қиламан.

– Қандай қилиб?! – дедим ўзимни саволдан тўхтатолмай.

– Ҳозир одамлар намоз ўқимай қўйдилар. Фақат никоҳ, жаноза ва шунга ўхшаш нарсалар учун имомга муҳтож бўладилар. Коммунистлар ҳар бир имомга маош белгилаб уларни масжидга арқонсиз боғлаб қўйдилар. Лекин бу маошлари жуда озлиги учун касб қилишга эҳтиёж сезадилар.

Кеча яримлаб атроф жим-жит бўлиб қолган, онда-сонда итларнинг хуриши, чигирткаларнинг чириллаши бу сукунатни бузиб турарди. Дўстларим чеккароқ овуллардан келган эдилар. Уларнинг фикрлаш доиралари Шаҳрисабзгача чегараланган эди. Шунинг учун улар теварак-атрофда бўлаётган воқеаларга эътибор беришмас, суҳбатга қизиқишмас ва суҳбат уларга зерикарли туюлиб тезда ухлаб қолишди.

– Буларнинг уйқусига халал бермайлик, келинг масжид саҳнига

чиқиб суҳбатлашамиз — деди имом.

Суҳбатни масжид саҳнида давом эттира бошладик.

— Чамаси икки ойлар илгари коммунистлар ҳар бир шаҳар ва қишлоқларда маҳалла қўмиталари барпо қила бошладилар. Шулар қаторида бизнинг маҳалламизда ҳам бир қўмита очилиб, унга аъзо танлай бошладилар. Бошқа қишлоқларни билмасам ҳам ўз қишлоғимни яхши биламан. Қўмитага қишлоғимиздаги фосиқ-фожира кишиларни ишга олдилар. Уларнинг бирортаси ҳам лаёқатли кишилар эмас. Бирортаси ҳам ўқиш-ёзишни билмайди. Шунинг учун барча ҳисоботни менга ёздиришади. Мен қўмитанинг аъзоси эмасман, бироқ мени шунга мажбур этдилар. Агар бирор гапни ташқарига чиқарсанг “мукофоти”ни оласан — дея огоҳлантирдилар.

— Сизга бирор нарса беришадими?

— Ҳеч нарса беришмайди, лекин ҳукумат тарафидан ҳеч қандай азият етмаслигига кафилик беришган, яна сени “руҳоний”лар рўйхатига киргизмаймиз — дейишган.

Имом маълумотли киши экан, яна сўзлай бошлади.

— Динга янгидан-янги бидъатларни киргизяптилар. Агар бирор киши бу ишлардан қайтармоқчи бўлса, уни озод шахсининг фикрини жиловлашда айблаб, жинойтчи, муштумзўр дея ҳукумат томонидан динга киритилаётган ушбу янги ишларни ҳимоя этияптилар.

Сизга бир мисол айтай. Бизнинг қишлоқларда қабрларни юзга суртиш, мадад сўраш йўқ эди, бирон киши одат ҳам қилган эмас эди. Буни бу ерларда бошланишини эшитинг. Қишлоқ аҳлларида бири марҳум пирини тушида кўрибди. Пирининг қабрида юзинга суриб тавоф қилгин, депти. Эртасига чиқиб қабрни тавоф қила бошлапти. Сўнгра бир қоровул қўйиб зиёратга келган кишиларга пирнинг васиятини эшиттириб уларни ҳам дуо-тиловат ўрнига қабрга юзни суртиш, тавоф қилишга ундай бошлапти. Шу сабабли бу нарса ҳозир бутун оммага одат бўлиб кетаяпти.

— Буёғи, ким туш кўрган экан десангиз? Қишлоқдаги бир беъмани ва “асҳобул адл”нинг мухлис аъзоларидан бири экан. Аввалига солиҳ кишилар, уламолар қаттиқ қаршилик қилдилар. Сўнгра уларни қўмитага чақириб, дўқ-пўписа билан: “Ҳар бир кишининг хур фикри ва амали бордур. Ким бу нарсаларга тўсиқ бўлса ҳибса олинади” — дея дағдаға қилдилар.

Имом чуқур “уфф...” тортиб, сўзида давом этди.

— Бу қўмитанинг барпо бўлганига икки ой ҳам бўлмасдан, мужаллад-мужаллад дафтарлар тўлдирилиб назоратчи идораларга жўнатиб юборилди. Дафтарнинг энг катта қисмини уламолар, диндорлар ва улар билан борди-келди қилувчиларнинг тўлиқ рўйхати

ташқил этади. Хусусан, бу диндорлар кимларга қарши ва душман ҳамда бу душманчилигидан қандай фойдаланса бўлади қабилидаги мазмунлар жой олгандир. Мен сўзни бўлиб тоғам тўғриларида сўрадим.

– Ул кишига ўхшаган буюк зотларнинг ҳар бир ишлари ипидан-игнасигача рўйхатга олинган. Ноҳия қўмитаси ул кишини қаттиқ ва махфий назорат қилишга кўрсатма берган. Шунинг учун ул кишини “хатарли руҳоний”, дейишиб, бутун қўмита аъзоларига у киши билан учрашаётган ҳар бир кишини қаттиқ назорат қилишга буюрилган эди.

Сўнгра мен ҳам ўз кўрган-билган воқеаларимни ҳикоя қилиб бердим. Сўзимнинг охирида Саййид Жалолиддин эшоннинг бу ҳийлалардан огоҳ бўлиб, Афғонистонга қайтиб кетганини ҳикоя қилдим. Имом ҳайратда қолиб: “Жуда ажойиб иш бўлибди-ку, афғоний ҳазрат Ғозий Омонуллоҳнинг пирзодаси эканини даъво қиларди. Социализмнинг ҳимоя қилмаса-да, “Социализм инсонни дунёда “аъло-иллийин” (жаннат) га етгизувчи низом бўлиб кўриняпти – деяр эди.

Эртасига бизни дўстона меҳрибонлик билан кузатиб қолди. Коммунистлар мамлакатда бўлаётган ҳодисалардан уламоларнинг фикрини чалғитиш учун янги бир ўйин ўйнашарди. Аслида ихтилофли бўлган масалаларни ўртага ташлаб, уламолардан ҳал қилиб беришни сўрашарди. Баҳсу-мунозаралар кескинлашиб кетар, бу эса уламоларнинг ўзаро шахсий адоватларига сабаб бўлар, ҳамда дин учун қайғуриш эсдан чиқиб ўз шаъни учун кураш бошланар эди. Коммунистлар тўрига илинган баъзи муллолар фаръий(иккиламчи) масалаларни бемақсад зўр бериб баён қила бошладилар. Шубҳасиз бу масалалар китобларда зикр қилинган бўлса-да, илми оз, тор фикрли муллолар бу масалаларда баҳслашишга шўнғиган эдилар. Бироқ, узоқни кўра билган, етук, доно уламолар аралашмас, баъзи вақтлар эса бу ихтилофлар омма ва халқ орасида ҳам кенг қулоқ ёзишидан тўхтатиб қолардилар. Бу баҳсларга назар солган кишининг кўз олдига мамлакати исломни ва мусулмонларни йўқотиш учун тобора сиқиб бораётган зулм панжаларини қирқиб ташлаш тўғрисида фикрлаш эмас, балки “жумъа намозидан сўнг эҳтиёти пешин ўқиш керакми ёки йўқ? Аттаҳиётда кўрсаткич бармоқ билан ишора жоизми ёки ножоиз? Мавлуд ўқилганда маҳалли қиёмда туриш зарурми ёки зарур эмасми? Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламни сояи муборақлари борми ёки йўқ? Росулulloҳ алайҳиссалоту васаламнинг ота-оналари кофир ҳукмидами ёки ундай эмасми?” каби масалаларда фикр этиш зарурроқ экан-да, деган

мулоҳаза келарди. Намоз ўқишга ижозат берилган масжидларда ушбу баҳслар ошкора қилинаётган эди. Уларнинг бу ўйинлари ниҳоятда яхши самара берди. Уламолар келгуси авлодга етказиб бериш зиммаларига фарз бўлган дини исломни асраш ҳақида фикрлаш ўрнига, бутун иқтидору-салоҳиятларини шу баҳсларга сарфлай бошладилар. Авом халқ эса “Асҳобул адл”нинг ҳийланайранглари унутиб уламолар билан овора бўлиб қолдилар.

* * * * *

Мужоҳидлар қишлоғи

Дўстларимдан иккитаси Шаҳрисабз томонга жўнадилар. Мен қолган биродарим билан Сариосиё томон сафар этдим. У ерда марҳум бобом Ғиёсиддин эшоннинг қабрлари бор эди. Бориб қабрлари ёнида дуо-фотиҳа қилганимиздан сўнг, келишган режамизга кўра тоғ тарафга йўл олдик. Бирмунча меҳнат-машаққатлар чекиб дара ва жарликлардан ўтиб бир каттагина қишлоққа етиб бордик. Қишлоқ аҳли паҳлавонсифат, бўйдор ва ҳайбатлик кишилар экан. Қишлоқ шаҳардан фақатгина уч кунлик йироқ бўлса-да, унинг замин-осмони мусаффо, исломнинг нури жилваланиб турар эди. Қишлоқдаги барча эркагу-аёл, ёшу-қари намозхон, одоблик ва камгап ҳамда, аввал салом берар эдилар. Аёлларга масжиднинг бир ҳиссаси ажратиб қўйилган бўлиб, фарз намозларини божамоат адо этиб уйларига тарқалиб кетишар эди. Кундузи эса биронта аёл кўзга ташланмас эди. Масжиднинг олдида каттагина бир меҳмонхона бўлиб, бунда қишлоққа келган мусофирлар истиқомат этишар, ҳаммалари биргалашиб таом еяр эдилар. Яшаш шароитлари ниҳоятда содда бўлиб, рўзғор буюмларини кўпайтирмай бемашаққат яшардилар. Масжиднинг имоми шу қишлоқнинг амири эди. Намозлардан сўнг ёшу-кексага таълим ва тарбия беришга машғул бўлар, беморларни кўргани борар, муолажа ишларини тартибга солар, уларнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб тургани одам тайинлар эди. Ҳаётлари исломий низом ва тартибда эди. Жиноятдан эса ному-нишон ҳам йўқ эди. Маълум бўлишича, бу қишлоқ аҳли бобом Ғиёсиддин эшоннинг диний даъватларига қаттиқ риоя этишар, ҳозирги кунда тоғам билан алоқа қилиб турар эканлар.

10-11 йилдан буён жиҳод қилиб келаётган мужоҳидларнинг қароргоҳи ҳам шу ердан бошланар эди. Қишлоқнинг ҳимояси учун бирон-бир аслаҳа кўзга ташланмас эди. Шунинг учун қачон коммунистлар ҳужум қилса уйларини ташлаб тоғларга чиқиб кетишар экан. Мужоҳидларнинг ҳақиқий қароргоҳи “Тахта Қорача”

нинг осмонўпар тоғларига жойлашган бўлиб, бу ердан жуда узоқ эди.

Иккаламиз меҳмонхонага тушдик. Кечга яқин 200 нафар ёшукекса кишилар меҳмонхонага йиғилдилар. Ёши тақрибан юзларга бориб қолган бир кекса киши бир қутича ичида варақалари эскириб йиртилиб кетган бир неча саҳифа чиқаради. Аввал (إن الحكم إلا لله) ояти сўнг сураи “Фалақ” ва сураи “Ан-нас”ни сўнг калимаи тоййиба ва шаҳодатни баланд овоз билан ўқиди. Қолганлар ҳам бир бўлиб баланд овоз билан такрорладилар. Қария эскирган варақдаги ёзувларни туркий тилда ўқий бошлади. Унинг бир неча сатри ҳозиргача ёдимда сақланиб қолган.

– “Эй Аллоҳ, биз сени элчинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам воситаси билан танидик. Росулинг марҳамат этдиларки:” Фақат сенингина ҳукмингни қабул этамиз, сендан бошқа ҳеч кимга бўйин эгмаймиз, мусулмонларга озор етказмаймиз, сени қабул қилгувчиларни, “Роббим” деб билгувчиларни эҳтиром этамиз, катталарни иззат-эҳтиром этамиз, кичкиналарга меҳру – шафқат кўрсатамиз, қўни-қўшнилар ҳаққини адо этамиз, ризқимизни ҳалоллаб еймиз, ҳаромдан парҳез қиламиз. Эй Аллоҳ, биз росулингнинг дўстларини дўст, душманларини душман деб биламиз, ўзимизни эса сенга топширамиз”.

Меҳмонхонага бутунлай сукунат чўмган эди. Ҳамма тин олмай эшитиб ўтирар эди. Қария варақани ўқиб тамом қилгандан сўнг ҳамма ўтирганлар ўринларидан туриб бузрукка қўл бериб кўришиб чиқиб кетдилар.

Бу йиғин исломий яшашга аҳд этиш йиғини бўлиб, ҳар оининг бошларида шу каби мажлис қилиб тўпланишар ва бирор ёши улур бузрукворга бу аҳдномани ўқитиб эшиттиришар, аҳдларини янгилаб, ҳақиқий мусулмон бўлишга қасд этишардилар.

* * * * *

Аллоҳ суйган кишилар

Бу қишлоқда учинчи дўстим билан ҳам хайрлашдим. Янги бир ҳамсафарим билан толқон ва сариёғни ғамлаб узоқ сафарга равона бўлдик. Айтишларича, илгарилари бу тоғларда йўл қурилган бўлиб, инқилоб даврида бу йўллар бузилиб кетган, ҳозирги кунда эса харҳил дарахтлар чангалзор каби ўсиб ётарди. Ҳар жойларда муздеккина чашмалар оқиб турар, бутун атроф катта гилам тўшалгандек ям-яшил бўлиб кўзни қувонтирар, майин шабада эсиб ҳаракатга келган турли-туман ўт-ўланлар, дарахт япроқлари бу

манзарага хусн кўшиб тебранарди. Онда-сонда потираб учиб чиққан каклик тўдаси бир-биридан ўзарга зўр бериб сайрашлари киши қалбини яшнатиб юборарди. Биз кундузи сафар қилар ва кечаси бирор қулайроқ жой топиб тунардик. Йўлда учраган баъзи паррандаларни овлаб озуқаланардик. Олтинчи куни аср вақтига яқин бир чорраҳага етиб бордик. Тўғримиздаги чиройли йўлакдан илгарига интилдик. 20-30 дақиқалар чамаси юрганимиздан сўнг куюқ чангалзор бошланиб, узокдан баланд ва пурвиқор бир қалъа кўзга ташланиб турарди. Аллоҳга ҳамду-санолар айтдим. Қалъага яқинлашай, деганимизда тўсатдан чангалзор ичидан қуролланган бир неча йигитлар пайдо бўлди. Уларнинг баъзилари отлиқ эди.

— “Ассалому алайкум” — деди, отлиқлардан бири хушовоз лаҳжада.

— Ва алайкум ассалом.

— Қаердан келиб, қаерга кетаяпсизлар?

— Шаҳрисабздан келяпмиз — дедим.

— Сиз шаҳрисабзликка ўхшамаяпсиз, лекин шеригингиз мумкин ўша ердандир — ажойиб бир оҳанг билан юзида енгил табассум ўйнатиб, деди у йигит.

— Тахминингиз тўғри, аслида мен фарғоналикман, шеригим “Қизил эмчаклик”.

— “Қизил эмчак”дан кимни танийсиз?

— Мен у ерда уч кун турдим, ҳеч ким билан танишганим йўқ, бирор кишини исмини ҳам билмайман.

— Шаҳрисабздан кимни танийсиз?

— Темурбекни, мен уни уйида бир қанча вақт меҳмон бўлдим — дея унинг манзилини тўлиқ айтиб бердим.

Менга диққат билан тикилиб: ”Саволларимга тўлиқ жавоб бермадингиз, келишдан мақсадингиз нима?”, — деди.

— Сайру-томоша, Аллоҳнинг қудратини мушоҳада этиш.

Йигитнинг чехрасида маъноли табассум югурди.

— Гўёки сиз қалъани сайр қилгани келдингиз?

— Худди шундай, — деб жавоб бердим.

Йигит шерикларига бир имо қилган эди, қандай пайдо бўлган бўлсалар шундай ғойиб бўлдилар. Фақат икки отлиқ ва тўрт пиёда биз билан қолди. Йигит отлиқлардан бирини олиб қалъа томон жўнади.

Қоровулларнинг биридан:

— Сизлар кимсизлар? Мен билан сўзлашган йигит ким, — дея савол қилдим.

— Ман туркий намедонам — деди у мулойимлик билан.

Форсий яхши билмаганим учун жим қолдим.

Шеригим форсий забонда:

– Сиз қаерликсиз?— дея гап бошлади.

– Балжувонликман, Анвар пошшо шаҳид бўлганидан сўнг, етти-саккиз йилдан буён шу чангалзорда муқимман, – деб жавоб берди.

Бир неча фурсат ўтиб йигит қайтиб келди. Шеригимга ижозат бериб, мени ўзи билан қалъа томон олиб кетди. Қуёш ботишига яқин қалъага етиб бордик. Отимнинг устига қаттиқ оқ мато ташлаб қўйишди. Шунинг учун бўлса керак, ҳеч тўсқинликсиз кетиб борар эдик. Йўлнинг икки томонига қуролланган кишилар қўйилган, уларнинг қўриқчи эканини сезиш мумкин эди.

Қалъанинг махфий эшикларидан бири орқали ичкарига кирдик. Узун йўлакки катта ҳовлида бизни ўрта яшар, узун қоматли салобатли бир киши кутиб олди. Ҳол-аҳвол сўрагандан сўнг:

– Темурбек яхши бўлиб қолдими? – деб сўради.

– Ҳа.

– Нима касал эди?

– Тишлари оғриётган эди.

– Аллоҳ ул каби инсонларни паноҳида асрасин.

– Омийн, – дедим баланд овозда. Ҳовлида тахминан 500 нафар мужоҳид бор бўлиб, ҳаммалари рус бешотари билан қуролланган эдилар. Мени ҳайратга солган нарса, мужоҳидларнинг тартиби ва ҳар бир нарсадан огоҳликлари эди. Мен бу ерга етиб келмасимдан аввал бутун юриш-туришим, шаклу-шамоилимдан тўлиқ маълумот етиб бўлган экан. Мамлакатдаги ҳар бир юз бераётган катта-кичик воқеалардан бохабар бўлиб туришар ва ҳар бир гуруҳ марказ ва ўз раҳнамолари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган эдилар.

Қайси вилоятларда аҳвол жуда танг бўлганда, тоғлардан бўрондек ёпирилиб коммунистларга ҳамла этишар эди. Бу мужоҳидларнинг барчаси моҳир мерган ва чавандоз эдилар. Бу қалъа эса мингга яқин мужоҳидларнинг қароргоҳи эди.

Пурвиқор тоғлар Афғонистонга уланиб кетган эди. Бироқ Афғонистон чегараларига қизил аскарлар жойлашиб олиб қўриқлашар эди. Шунинг учун мужоҳидлар қамалда қолган эдилар. Қалъанинг амири Бухоро мадрасасининг битириб чиққан олим ва Анварпошшо билан “Озоди Туркистон” жангларида иштирок этган мужоҳид эди. Мужоҳидлар ёнғоқ, чинор каби дарахтлардан қимматбаҳо ва нафис қаламдонлар ясашар ва Самарқанд, Бухоро, Афғонистон бозорларида юқори баҳоларга сотишар эди. Улар тинчлик вақтларида шу каби хунарлари билан тирикчилик қилар эканлар.

Бомдод намози ўқилганидан сўнг, мени мужоҳидларга тўлиқ

таништирдилар. Сўз орасида амир нотаниш ажиб бир сўз айтди. Бу сўздан сўнг ҳамма мужоҳидлар ўрниларидан туриб баланд овозда “Аллоҳу акбар” — деб наъра тортдилар. Сўнгра амир “калимаи тоййиба”ни ўқиди. Барча мужоҳидлар унга жўр бўлдилар. Бу уларнинг Аллоҳ йўлидаги қийинчиликларга бардош беришга, жонларини қурбон қилишга аҳдларини янгилаётган вақтлари эди. Сўнгра дастурхон ёзилди. Отнинг сути ва толқондан тайёрланган таом тортилди. Бу кечки таомнинг ўзгинаси эди. Амир мени ўз ёнига ўтиргизди, таом орасида: “Энди нима қилмоқчисиз?” — деди.

Жавобга оғиз жуфтлаган эдим, кўққисдан:

— Қарши бекатида киссавурлар билан тўқнашув бўлган эдими? — деб қолди.

Мени ҳайрон бўлиб қолганимни кўриб кулди-да, елкамга қоқиб: “Тўразода, бу мусибатлар ўзимизнинг ва бузрукларимизнинг куфрони неъматлари натижасида нозил бўляпти. Кўрайликчи, Аллоҳ кечирармикан ёки узун жазо берармикан” — деди-да, “Ғийлонга борасизми?” — деб сўради.

— Азиз ватанимизнинг ҳар бир қитъасигача бораман, — деб жавоб бердим.

* * * * *

Аслаҳа таққан шайх

Эртаси субҳ вақтида рухсат олиб икки суворий мужоҳид ҳамроҳлигида йўлга тушдик. Кун бўйи юриб кечга яқин бир тоғнинг этагига етиб бориб кечани шу ерда ўтказдик. Бомдод намозидан сўнг сут ва толқон тановул қилиб сафаримизни давом этдирдик. Аста-аста “Тахта қорача”нинг баланд тоғларига кўтарила бошладик. Тоғнинг нариги тарафида қизил аскарларнинг қароргоҳи жойлашган бўлиб аҳёнан уларнинг кузатув марказларига жуда ҳам яқин келиб қолардик. Мумкин қадар овоз чиқармасликка тиришиб эсон-омон шом вақтида бир кўкаламзорга етиб бордик.

Раҳбаримиз: “Нима дейсизлар, тахминан 2 соатлик масофа қолди. Шу ерда тунайимизми ёки давом этаимизми?” — деб маслаҳат солди.

Сафарни давом эттиришга келишиб, ойнанинг ёруғида йўлга тушдик. Тўлин ойнанинг нури бутун атрофни янада гўзаллаштириб юборди. Хуфтон намози ўқилгандан сўнг манзилимизга етиб бордик. Меҳмонхонага тушиб таом сўрадик, хизматчи зоғора нон билан бир косада сут ҳамда чой келтириб олдимизга қўйди. Меҳмонхонада биздан бошқа 40-50 нафар киши бор эди. Бу ернинг одати бўйича, бу ерга келган ҳар бир меҳмон ўзини таништириб келиш мақсадини

ҳам билдирар экан. Биз кичик бир мактубни ичкарига киргизиб юбордик. Бир оз вақтдан сўнг бир нуроний, қурол-аслаҳа таққан шайх кириб келди. Ҳамма билан бирма-бир саломлашгандан сўнг, мен томонга келди. Ному-насабимни суриштирди, бир оз ҳол-аҳвол сўрагандан кейин ўзи билан ичкарига олиб кириб кетди. Ичкаридаги хона қурол-яроғ омбори бўлиб шайхга ибодатхона вазифасини ҳам ўтар эди. Шайх Бухоро мадрасасида таҳсил кўрган, чамаси 50 ёшлар атрофидаги бир киши эди. Шайхнинг хонасида исломий мамлакатларнинг биридан ташриф қилган бир бузрук ҳам бор экан. Мени унга таништириб:

– Бу йигит Хўқандий ҳазратларининг жиянлари бўлади. Кўп ибратомуз кечмишлари бор – деди.

Шайх мендан Фарғона ҳолатларидан сўради. Мен уч ой ичида Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз ва бошқа жойлардаги кўрган воқеаларимни батафсил сўзлаб бердим. Иккала бузрук ҳам жимгина охиригача тингладилар.

Сўнгра шайх: “Аз мо астқи, бар мо аст. Бу ҳамма бўлаётган нарсалар ўз амалларимизнинг жазосидир. Бу жазо куфр ва даҳрийлик зулматига тўла бўлган азоб-уқубатлар кечасидур” – деди. Келган меҳмон ўзининг бу ерлардан умиди узилганини билдириб, бу ватандан ҳижрат қилиб Афғонистон ёки бирор исломий юртларга ўтиб кетиб осуда ҳаёт кечиришни маслаҳат берди. Шайх эса: “Мақсад бир менинг ва бир неча мужоҳидларнинг оромлигида эмас, балки бутун мусулмонларнинг дини-иймонини сақлаш ва ҳимоя қилишдир. Туркистон уламолари мусулмонларни ёлғиз ташлаб кетмасликка қарор қилишган. Мужоҳидларимиз Эрон, Афғонистон, Туркия, Арабистон, ҳатто Ҳиндистоннинг катта-катта жамоатларидан мадад сўраб номалар жўнатишди, лекин исломий биродарлик ва ҳамдардликнинг амалий нишонаси кўринмади. Ҳеч бўлмаса русларнинг зулми, мужоҳидларнинг қурбонлари ҳақида оламни огоҳ этинглари, дея талаб қилдик. Афсуски, бу талабимиз ҳам қондирилмади. Энди айтингчи, қайси боҳиммат мусулмон юрти қолдики, бизга бошпана бўлса? Бундан ташқари баъзи юртларнинг хурриятсевар фирқаларининг доно раҳбарлари қизил босқинчиларни кўкларга кўтариб мақтаб юришибди. Катта-катта қўмондонларимиз, иқтидорли намояндаларимиз Афғонистонга ҳижрат этишди, ҳатто Бухоро амири ҳозирда “назарбандий”ликда ҳаёт кечиряпти, энди бизга паноҳ берадиган биронта юрт қолмади. Энди бизлар фақат Аллоҳгагина юзландик. Ҳеч қайси юртдан паноҳ ҳам, ёрдам ҳам сўрамаймиз,” – деб хомуш бўлди.

Меҳмоннинг кўзларидан қуйилиб ёшлар оқарди. Хужра ичига

чўккан ғамгин сукунат узоқ вақт давом этди.

* * * * *

Аҳдга вафо этамиз

Эртаси жума куни эди. Тахминан икки мингдан зиёд мужоҳид тўпланди. Намози жумъа вақтида амир ҳам етиб келди. Уни кўриб “Қуруни уло” яъни саҳобалар давридаги лашкарбошилар тасаввури кўз олдимида гавдаланди. Ўнг тарафида маузер тўшпонча, ханжар осилиб турар, танасини айлантириб ўраган ўқдонларда ўқлар тизилиб турар, қўлида стволли милтиқ бор эди. Кўринишидан камтар ва олийжаноблиги сезилиб турган амир шахдам қадамлар билан юриб минбарга кўтарилди. Милтиғига суяниб, шиддат ва шижоат билан, фикру-ҳидоят билан хутба ўқий бошлади. Хутба эшитган кишини Аллоҳ йўлида қурбон бўлишга тайёр этар, умидсизликни қувиб, қалбни хотиржам этар эди. Хутба сўнгида ўқилган намозда шундай бир лаззат ва роҳат бор эдики, бу роҳат ва лаззатни дунё нопокликларига шўнғиб кетган руҳга ўша кундан бошқа насиб этмади. Фарзинг орқасидан суннатларни ҳам адо этиб бўлинса-да, ҳеч кимнинг қўзғалгиси келмас эди. Орқамга ўгирилиб қарадим, охирги икки сафдаги мужоҳидлар қўлларига қурол ушлаб хушёрлик билан теварак-атрофни кузатиб турар эдилар.

Шайхдан қалъани айланиб чиқишга изн сўрадим. Илтимосимни қабул этиб, қўлларидаги рўмолни бериб бир навкарни менга ҳамроҳ қилдилар. Рўмолни кўриб мужоҳидлар аввалроқ салом беришиб, хушдиллик билан кутиб олишар эди. Масжид устидаги 4 йигит чор-атрофни дурбин орқали кузатиб туришарди. Ҳатто энг баланд тоғларнинг устиларига ҳам кузатув марказлари ўрнатиб, хабарларни етук услуб билан етказиш чоралари ҳам кўрилган эди. “Тахта Қорача” ҳамда “Лангар ота” тоғлари ниҳоятда муҳим марказлардан ҳисобланарди. Самарқанд ва Шаҳрисабз ўртасидаги “Тахта Қорача” тоғи жуда улкан ва баланд бўлиб, ундан ўтиш жуда мушкул ва хатарли эди. Йўллар фақат бир неча ойгина ўтишга лаёқатлик бўлар, шунда ҳам икки кундан кам фурсатда ўтиб бўлмас эди. Мужоҳидлар ҳар 16 милда бир хабар маркази ташкил этишган бўлиб, хабарчи биринчи марказга етказар, у ердан иккинчи бир одам кейинги марказга етказар, шу тариқа шом вақтида Самарқанддан олинган хабар субҳидамда қароргоҳга етиб келар эди. Бухородан олинган хабарлар эса “Қизил эмчак”даги чорвадорлик ва зироатчилик билан шуғулланаётган мужоҳидларга, улардан эса бу ерга етиб келар эди. Узоқ вақт айланиб масжидга келсак дуо қилинаётган экан. Дуодан сўнг, шайх ўтган ҳафтадаги ҳодисаларни

бирма-бир эшиттирди. Сўнг маслаҳат ҳайъатини чақириб кечаги меҳмоннинг маслаҳатини ўртага ташлади. Озгина фурсат баҳс-мубоҳасадан кейин, ватандан ҳижрат қилмай жиҳодни давом эттиришга қарор қилдилар.

Қуёш ботиб бораётган эди. Тўсатдан Ғийлон тарафдан шайхнинг ўғли Исломиддин қайтиб келди, деган хушxabар етиб келди. Исломиддин уч ойдан буён дом-дараксиз кетган эди. Ўзи ниҳоятда билимдон, туркий ва форсий тилларда фасоҳату-балоғат ила шеър ва мақолалар битувчи адиб экан. Улуми исломиядан ташқари Тошкентдаги янги замонавий билим юртлари(гимназия)да ҳам таҳсил олган, рус тилида қийналмай сўзлай ва ёза олар экан. Анвар пошшонинг назари тушган бир неча Туркистон навқиронлари орасида Исломиддин ҳам бўлиб, Анвар пошшонинг ўзи унга ҳарбий таълимни ўргатган эди. Исломиддин ҳам Бухородаги ва Қаршидаги қатлиомга шохид бўлган ва Қаршидаги олимни қатл этганларида, қўмондон бўлиб қизил аскарларга хужум этишган экан. Қаршидан Болюна тарафга кетаётганида қизиллар ушлаб олишибди. Бир амаллаб уларнинг чангалидан қутулиб Афғонистонга ўтиб кетибди. Афғонистондан тўлиқ маълумотлар олиб қайтиб келибди. Афғонистонга боришдан мақсади, мужоҳидларга кўмак қилиш-қилмасликларини аниқлаш, зарурат бўлиб ҳижрат этилса қанча кишига бошпана топилишини билиш бўлиб, катта умидлар билан бориб, орзу-умидлари узилиб қайтиб келган эди. У ердаги ҳар бир ишни шайхга бирма-бир сўзлаб берди.

Афғонистон ҳукумати ҳеч кимга паноҳ бермасликка қонун чиқарибди. Хусусан Мозори Шарифнинг ҳокими руслар билан жуда ҳам қалин бўлиб кетибди. Дарёдан кечиб ўтган ҳар бир кишини русларга ушлаб бериб, уларнинг олқишига сазовор бўлибди. Ҳозиргача тахминан мингларча мужоҳидларни тутиб берибди. Машҳур кишиларни ушлаб бергани учун руслардан бир қанча катта-катта инъомларга эришибди.

Бу ердагиларга ҳали етиб келмаган бир аянчли воқеани ҳам сўзлай кетди:

– Иброҳимбек бир неча йиллардан буён Дарвоз тоғларида коммунистлар билан олишиб ётарди. Руслар аста-секин қамалга олиб, ҳолат тобора таранглашиб борганидан кейин икки ярим минг мужоҳид билан қамални ёриб Амударёни кечиб Афғонистонга кириб боради. Афғон ҳукумати паноҳ бериш ўрнига уни русларга тутиб беради. Ҳозирги кунда, Афғонистонда яшаётган 25 лак (2,5 миллион) ўзбек, туркман, тожик муҳожирларига Қобул шаҳри ва атрофида яшашга ижозат бериб, улардан русларга қарши бирон-бир

ҳаракат қилмасликка аҳд олинган. Бундан ташқари, Ҳиндистондан олинган баъзи маълумотларни ҳам зикр қилди.

Шайх эртасига хуфтон намозида мужоҳидларни маслаҳат мажлисига чақирди. Мен ҳам иштирок этиш шарафига муяссар бўлдим. Шундай вақтларда хуфтон кечиктирилиб ўқилар экан. Шу куни ҳам анча кеч ўқилди. Жуда катта жамоат тўпланди. Намоздан сўнг шайх қурол-аслаҳага бурканиб чиқиб келиб, узоқдан сўз бошлади. Пайғамбарларнинг даъват тарихлари, пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг даврларидаги ҳақ ва ботилнинг юзма-юз курашларини таъсирлик тарзда вазминлик билан баён қилиб, Туркистондаги ҳозирги аҳволни, мужоҳидларга етказилаётган қийинчиликларни ва Исломидин келтирган хабарларни хулосасини сўзлаб: “Энди сизлар нима дейсизлар? Ҳолат таслим бўлишни ёки ҳижрат қилишни тақозо этапти. Сизлар нима десаларинг шуни қиламиз” — деб сўзини тугатди.

Атроф жимиб, қилт этган товуш ҳам эшитилмай қолди. Кечанинг бу зулматида шайхнинг ҳам жимиб қолиши, бу сукунатнинг ваҳимасини зиёдалаштириб юборди. Бир неча вақт шу тарзда ўтди. Жимликни бир навқирон йигитнинг момоқалдиरोқдек гумбурлаган янгроқ товуши бузиб юборди:

— Биз бу ерларга келишдан олдин чуқур ўйлаб, фикрлаб жонимизни қурбон қилишга тайёр бўлиб, бир неча йиллар ҳолатни кузатганимиздан сўнг келиб сизга байъат этдик. Биз охири нафасимизгача бу аҳдимизга вафо қиламиз, таслим ҳам бўлмаймиз, ҳижрат ҳам қилмаймиз, — деди.

Бир неча мужоҳидлар унинг сўзини қувватлашди.

Шайх қайта хитоб қилди:

— Сизлар нима дейсизлар? Шу биродарингизнинг сўзига иттифоқмисиз?

— Иттифоқмиз, иттифоқмиз — деган овозлар ҳар томондан янгради.

Фонуснинг гира-шира ёруғида шайхнинг хурсандлик билан порлаган чеҳрасини илғаш қийин эмас эди. Шайх иккинчи бор хутбани, кетидан олти калимани ўқиди. Охирида ҳаммалари “калимаи тоййиба”ни бир овоздан ўқиб аҳдларини мустаҳкамлаб тарқаб кетишди. Мен ҳам ётоқхонага қайтдим.

Шайх менга юзланиб:

— Тўразода, ҳозир аҳли иймоннинг олдида икки йўл қолди. Қуфру-муртадликка чидаб хорликда ҳаёт кечириш ёки динни ҳимоя этиб жони-молни қурбон этиш. Учинчи йўл ҳам бор, ҳижрат йўли. Бироқ қаерга ҳижрат этамиз? Афғонистон, Ҳиндистоннинг аҳволини

ўзингиз эшитдингиз. Аллоҳ таолонинг кенг замини ҳозир аҳли иймон учун жуда танг ва тор бўлди, — деди ҳазин товушда.

Шайхнинг қўриқчилик навбати таҳажжуд намозидан кейин экан. Мен у киши билан шерик бўлиб пойлоқчилик қилдим. Шайх хилма-хил ибратомуз сўзлар сўзларди.

— Мужоҳидларнинг лашкари фақат эркаклардан иборат эмас, балки аёллар ҳам бор. Уларга ҳарбий таълим пухта ўргатилган. Душман кўққис ҳужум этиб қолса улар бизга юк бўлмайдилар.

* * * * *

Афросиёбдаги мажлис

Тўртинчи куни шайхдан ижозат олиб йўлга чиқдим. Менга шайхнинг махсус навкарларидан 10 киши ҳамроҳ бўлди. Олти кунча яширинча эҳтиёткорлик билан юрдик. Еттинчи куни “Қайнар қишлоқ”қа етиб бордик. Бу ердан машҳур “Тарбуз” тоғи бошланиб, унинг нариги томони Самарқанд, бу томони Шаҳрисабзга яқин эди. Шу ерда ҳамроҳларим билан хайрлашдим. Улар эса ортга, қароргоҳга қайтиб кетдилар. Бир оз шаклимни ўзгартириб Самарқандга юзга яқин эшак олиб кетаётган савдогарга навкар бўлиб ёлландим. Тоғдан ошиб иккинчи куни Самарқандга кириб бордик. Дўконларнинг бирида кийим-кечак олмоқчи эдим, дўкондор:

— Кўйлак эртага субҳдан сўнг сотилади. Бугун “Афросиёб”да ниҳоятда муҳим мажлис бор. Ҳамма унда иштирок этиши зарур, — деди.

Савдогар эшакларни жойлаш билан машғул бўла бошлади. Мен ундан рухсат олиб “Майман” қишлоғига равона бўлдим. Уч ой ичида бу ер жуда ҳам ўзгариб кетган, аҳвол танг эди. Пешин намозига бир неча одам кўрқа-писа келдилар. Секингина уларнинг биридан домла Бухорий тўғриларида сўрадим.

— Домла Бухорийни бундан бир ой илгари уйларидан ушлаб, номаълум томонга олиб кетишди. Бир неча кундан сўнг коммунистлар “Домла Бухорийни ўз истакларига кўра Фарғонага жўнатилди”, — дея овоза тарқатдилар. Албатта бунга ҳеч ким ишонмади. Одамларнинг фикрича, ул кишини Сибирга сургун этишган ёки ўлим хандағига қулатишган, — деди у.

Бу ердан чиқиб “Шоҳи зинда”га бордим. Унинг тарихий вайроналарида ватандошларимдан бири Ғофиржон қори яшар эди. Ғоят хушовоз, ботажвид Қуръон ўқир, етти қироатни пухта биладиган муккамал қори эди. Қироатини тинглаган киши завқу-шавққа тўлиб тошар эди. Уч ой олдин мени “Эски Шаҳрисабз”га сайр қилдириб, домла Бухорий билан ҳам учраштирган эди. Ҳозирги

кунда “Шоҳи зинда” қадимий обидаларга айлантирилиб совет ҳукумати қўлига ўтган ва улар томонидан масъул кишилар қўйилган эди. Қори Ғофиржонни эса ҳибсга олишган эди.

Одамлар тўда-тўда бўлиб “Афросиёб” томон кетишар, юзларидан мажбуран кетаётганлари сезилиб турар эди. Мен ҳам аста орқаларидан эргашдим. “Афросиёб” маркази одамлар билан тўлган, коммунистлар, комсомоллар ва қизил аскарлар ҳам жуда кўп эди. Кетма-кет келиб қўшилаётган кишилар жамоатни янада кўпайтирарди. Мажлис дини исломни қоралаган беҳуда сафсата ва уйдирмалар билан бошланиб, коммунистларнинг имтиёзли нишонасига айланиб қолган баёнотлар билан давом этди. Мажлисга уч нафар ҳайкалча келтирдилар. Улардан бирини эъвозлаб баланд жойга қўйиб гуллар сочдилар. Иккитасини эса гулханга улоқтирдилар. Эъвозлаган ҳайкаллари яланғоч суратда ишланган бўлиб фақат белидан пастига лунги ташлаб қўйган эдилар. Сўнгра бир киши бу ҳайкалларни рус тилида таърифлай бошлади.

— Бу икки ҳайкал Ҳиндистондаги инглиз ҳукумати жосусларининг рамзий кўринишидур. Англия ҳукумати Ҳиндистон Озодлик Ҳаракатини синдириш учун ёллаган бу кишилар мусулмонлардир ва иккиси ҳам айғоқчидир. Уларнинг иккаласи Али биродарон деб номланади. Мана бу ҳайкал эса, — дея давом этди ўзларининг яланғоч бутларига ишора этиб, — Ҳиндистон “Озодлик” ҳаракатининг парвонасидур. Улар Ҳиндистонда ҳинду миллатини инглизлар қўлидан озод этиш мақсадида курашяптилар. Бу шахснинг исми Маҳатма Гандидир. Ўзининг ушбу рамзий кўринишини у шундай таъриф қилади: “Қачонки миллатим оч-яланғоч экан, мен ҳам оч-яланғочдурман”. Британия ҳукумати ва унинг ёрдамчилари ҳамда уларнинг жосуслари бўлмиш мусулмон заминдорлар ва корхоначилар унинг ашаддий душманидир.

Коммунистларнинг бу каби ёлғон-яшиқ уйдирмаларига кўникиб қолган халқ ҳеч ҳам эътироз қилмади. Бу мажлис инглиз ҳукумати жосусларини ёмонлаган наъралар шовқин-сурони билан якунланди.

Муаллифдан: “Мен бир қанча вақт Афғонистонда яшаб сўнгра Покистоннинг Лоҳур шаҳрига келганимда шарқнинг шоири аллома Иқбол билан учрашиб бу қиссаларимни бошдан-оёқ ҳикоя қилиб бердим. Аллома Иқбол ўз ҳузурига мавлоно Зафар Алихон, катта сиёсатдон Саййид Ҳабиб ва яна бир мавлонони чақиртириб уларга ҳам бу воқеаларни айтиб беришимни илтимос қилди”.

Афросиёбдан ўз жойимга қайтиб келдим. Савдогарга домла Бухорийнинг ғойиб бўлиши, Ғофиржон қорининг азоб-уқубатларини сўзлаб бердим. У сўзларимга қулоқ солди. Орадан икки кун ўтиб

савдогар билан Шахрисабз тарафга йўл олдик. Йўлда савдогарга қараб:

— Амаки, бу мужоҳид, коммунист, социалистлар ким ўзи?— деб савол қилдим.

— Эҳ сўтак, фарғоналик бўла туриб ҳалигача билмадингми?! Ахир улар ҳақида тарихлар ёзилапти, ҳатто Анвар пошшо ҳам уларнинг жасоратига қойил қолган. Ўн йилдан буён ислом учун жиҳод этиптилар. Шундай кишиларнинг фарзанди бўла туриб кимлигини билмайсанми? Коммунист эса худога мункирдур ва мусулмонларни ер юзидан супуриб ташлашни хоҳлайди. Социалист эса еру-замин, ҳатто хотинда ҳам ҳамма шерик бўлишини тарафдоридур, — деди савдогар.

— Амаки, сизлар чекка жойларда яшаб туриб, бундай нарсалардан қандай огоҳ бўласизлар?

Савдогар менга ажойиб қараш қилиб, жимиб қолди. Эҳтимол менинг саволим уни шубҳага солиб, мени комсомол деб ўйлаётган бўлса керак. Ич-ичимдан аҳмоқона саволимга пушаймон қилдим. Чунки, бу савдогар шубҳа билан бирон чеккароқ жойда ўлдириб кетиши мумкин эди. Шундай хаёллар билан анча вақт ўтди. Чуқур ўйга толдим, қандай кунларга қолдик. Ҳеч ким бир-бирига ишонмайди, шеригидан шубҳа қилади, дўстига хиёнат этади. Тоғ йўли билан сафарни давом эттирар эдик. Қуёш ботар маҳалда бир булоқнинг яқинига бориб тўхтадик. Эшакларни суғориб, мешларга сув тўлдирдик. Таҳорат олиб шом намозига ҳозирлик қилдик. Савдогарнинг ёқимли овози бор эди. Шундай хушовоз билан қироат қилдики, гўё осмону-замин, тоғу-тош, ўт-ўланлар, жилдираб оқиб турган сувлар барчаси унинг қироатига маҳлиё бўлиб қолганди. Намоздан сўнг овқатланиб, бир оз вақт ўтказиб хуфтон намозини ҳам ўқиб яна йўлга тушдик. Эртаси куни Шахрисабз музофотининг бир ноҳиясига етиб бордик. Мен Сариосиё йўли билан Шахрисабзга боришим керак эди, шунинг учун савдогар билан хайрлашиб йўлга тушдим.

* * * * *

Мудҳиш ҳодисалар

Сариосиёга етганимда қуёш ботаётган эди. Тўғри бобом Фиёсиддин эшоннинг мазорларига бордим. Мазор шаҳардан озгина узоқликда жойлашган бўлиб, ярим гектарга яқин қўрғоннинг ичида эди. Қабр ночор ҳолатга келиб қолган эди. Ғарб тарафда уч тарафи очиқ серустун пешайвон бор бўлиб, бир вақтлар унда бир ярим, икки минг киши ўтирса бўларди. Кечани шу ерда дуо-тиловат ва истиффор

билан ўтказиб, бомдод намозини шаҳарнинг бирор бир масжидида ўқиш учун жўнадим.

Сариосиёда тоғамнинг боғлари бўлиб, йигирма хилдан зиёд узум, анор, анжир, ёнғоқ, бодом, шафтоли, олма ва бошқа хилма-хил мевали дарахтлар мавжуд эди. Боққа тушиб биронта таниш орқали шаҳардаги ҳолатни ва тоғамнинг аҳволларини сўраб сўнгра тоғамнинг ҳузурларига бормоқчи бўлдим. Пешинда тоғамнинг ходимларидан бири келиб, ниҳоятда қуюқ салом-алик қилди, лекин кўриниши паришонроқ эди.

— Яхшимисиз? Нимага паришонроқ кўринасиз?, — дедим.

Атрофга бир қараб олиб:

— Кеча кечқурун соат иккилар чамасида ҳазратнинг қалъаларини яна муҳосара этиб, уй қамоғига олишди. Орадан фақат ўттиз етти кун ўтди холос — деди, аввалги муҳосарани назарда тутиб.

— Тоғаваччам Аъзамхон тузукми? — дедим.

— Тузук.

— Мени келганимни унга етказа оласизми?

— Иложи бўлса, албатта етказаман, — деб қайтиб кетди.

Хизматчи аср вақтларида кетган эди. Шомда ҳам келмади, кеча ҳам ўтди, ундан дарак бўлмади. Эртаси ҳам ўтди. Кутиш борган сари чўзилиб борарди. Тун ярмида “Аллоҳ, Аллоҳ” — деб, Аъзамхон кириб келди. У билан бирга Темурбек ҳам бор эди. Анчагача суҳбатлашиб ўтирдик, ҳамма кўрган, эшитган нарсаларимни оқизмай-томизмай ҳикоя қилиб бердим.

Аъзамхон:

— Ҳазрат билан ҳеч учрашиб бўлмади, жуда қаттиқ назорат остидалар — деди оғир тин олиб.

Сўнгра изтироб ичида бўлиб ўтган бир ҳодисани ҳикоя қила бошлади. Ҳозир ҳам ўша воқеани эсласам сочим тикка бўлиб кетади.

— Ўтган ҳафта ҳазратнинг ҳузурларига Самарқанддан ўта ишончли бир киши келган эди. Айтишига қараганда, НКВДнинг марказий идораларидан бирига Сталиннинг буйруғи билан, руслар қўл остидаги барча татар, Қофқас, Туркистон уламолари чақиртирилиб, олдиларига бир қарорнома қўйибдилар. Унда: “Биз ислом уламолари, бундан бир неча аср илгари бузилиб кетган араб қабилалари ичида Муҳаммад алайҳиссалом вужудга келиб ўз халқини ёмон йўлдан қайтариб, тўғри йўлга бошлаганига иймон келтирамиз. Ҳозирги бу бузилган замонда Ленин вужудга келиб, зулму-ситамдан ўз қавмини, халқини қутқармоқда. Бизлар Ленин ва Маркс айтган ва ёзиб қолдирган ҳар бир нарса мусулмонлар учун амал қилишга лойиқдур, дея эълон этамиз” — деган сўзларни

уламолар тилидан битилган эди. Сўнгра уламолардан ушбу қарорномага имзо қўйишларини талаб этганлар. Уламолар жасорат ила буларнинг талабига ҳақорат билан жавоб қайтаришади. Уларнинг биронтаси ҳам бундай куфрга чидаб туrolмайдилар.

– “Чи нисбат хоқро ба олами пок. “Яъни, покиза олам билан бир тупроқ ўртасида қандай нисбат бўлсин! Маркс ва Ленин моднапараст бир оддий кишилардир. Уларнинг жарликка бошловчи таълимоти билан Муҳаммад алайҳиссаломнинг фитрий таълимотлари ўртасида осмону-ерча фарқ бор, – дедилар ғазаб билан.

Уламоларнинг бундай журъатларини кутмаган коммунистлар талмовсираб қолдилар. Тезда ўзларини қўлга олиб, йиғинга келган уламоларни, нафақат уларни, балки уларга ҳамфикр бўлган олимларни кечалари ушлаб кетиб Сибирнинг қаҳратон ўрмонларига сургун қила бошладилар.

Машхур олимлардан 93 нафарини ушлаб усти берк машиналарда Ўш тоғларининг этагига олиб бориб, ҳар бир уламога белкурак тутқазиб эни–2, узунлиги–5, чуқурлиги–2 газ келадиган ҳандақ қовлашга мажбур этадилар. Хандақлар битгач улардан бирини чуқурга зўрлаб тушириб ўқ узадилар, яраланиб йиқилгандан сўнг иккинчи олимга келтирилган қопдаги оҳаклардан бирини уни устига ағдартирадилар. Тириклайин инграб ётган олимнинг устига тупроқ тортадилар. Шу услубда 92 олимни кўмиб ташлайдилар. Охиргисини эса жароҳатлаб ўлдирмай кўмиб ташлайдилар. Умридан бор экан, аскарлар кетгандан сўнг бир амаллаб чуқурдан чиқиб яширина-яширина Қашқарга ўтиб кетади ва у ердан Ҳиндистонга ҳижрат этади. Хўқандий ҳазратга ҳикоя қилиб берган самарқандлик кишининг ушбу ҳикоясини мен 1935 йили Деҳлида ўша олимнинг ўз оғзидан эшитдим. Уламоларни тиригича кўмган аскарлар руслар ва арманлардан иборат бўлиб, уларнинг командири Дадаш исмли арман экан. Буларнинг орасида фақат бир татар йиғити бўлиб, бу ишлардан қаттиқ таъсирланади. Аста пайт пойлаб Ўшдан қочиб Самарқандга, у ердан Шаҳрисабзга бориб ҳазрат Хўқандийга бутун ҳодисани тафсилотини эшиттириб ўзи Афғонистонга ўтиб кетибди. Темурбек ҳам сўзга қўшилди:

– Бир ой ичида Шаҳрисабз, Ғузор ва Китобнинг устига катта мусибатлар тушди. Юзлаб кишилар, уламолар, машхур мутафаккирлар, халқнинг доно намоёндалари ғойиб бўла бошлади. Шаҳрисабзнинг ҳар бир қишлоғида хуфя назоратчилар ўз тўрларини ёйиб олишди. Кеча темир йўл бекатига ҳам махфий назорат хизмати ўрнатилди.

– Тўразода, энди нима қилмоқчисиз? – деб қолди Темурбек.

– Шаҳрисабзни бир марта кўриб қўйишни хоҳлайман.

Узоқ маслаҳат қилиб, охири боғбон суратда шаҳарга кириб чиқишга келишдик. Хуржун тўла узум юкланган учта эшакни ҳайдаб шаҳарга йўл олдим. Менга ўзимдан каттароқ бир боғбон йигитни ҳамроҳ этишди. Шаҳрисабзнинг ўн икки дарвозаси бўлиб, тўртинчи дарвоза яқинидаги дўконга узумларни топширишимиз керак эди. Шу йўл билан шаҳарнинг аксар қисмини кўришга муваффақ бўлдим. Бутун шаҳар қизиллар қўлига ўтиб, шаҳарда рус аскарлари кезиб юришарди. Қарши дарвозаси томон эшакларни ҳайдаб кетаётганимда, биров орқамдан номимни айтиб чақира бошлади. Ўзимни эшитмаганга солиб кетавердим. У иккинчи бор “Хўқандий тўрам” – деб, чақирди. Бу ким бўлди экан, – дея чуқур ўйландим. Анча юргандан кейин секин орқамга қайрилиб қарадим. Чақирган киши дўкондор бўлиб, дўконидан чиқиб катта йўл ёқасига келиб қолган эди. Тезда уни танидим. Қарши бекатидан ошхонагача бирга ҳамроҳ бўлган хурфикр қозоқларнинг бири эди. Жуда қуюқ саломлашдик.

– Эшакларни жойлаштириб, бизнинг дўконимизга ташриф буюрсангиз! – деди.

– Бажонидил, – дея, хайрлашиб соат 4 лар атрофида дўконга келдим. Мени интизорлик билан кутиб турган экан. У бу дўконнинг бошқарувчиси ва ҳисобчиси экан. Яна бир яҳудий киши ҳам бу ерда ходимлик қиларди. Биродарим уч ой ичида кечган воқеаларни, Қаршидан сўнг қаерларга боришганини, ўзининг бу ерга қандоқ келиб қолганини бирма-бир сўзлаб берди.

– Энди қаерга бормоқчисиз? – деб қолди, қўққисдан.

– “Карки”ни кўрмоқчиман.

– Афғонистонга ўтиб кетмоқчимисиз?

– Агар мажбур бўлсам ўтиб кетаман.

– Ҳозир қаерга борасиз?

– Темурбекнинг олдига ёки тоғамнинг қалъасига.

– Йўқ, йўқ, ҳаргиз қалъага бора кўрманг. Темурбекнинг чердаги бўш бўлса ўша ерда турунг ёки Сариосиёга кетинг. Қалъага юзланишингиз билан кузатувга олинасиз.

– Юкларингиз қаерда? – деди яна.

– Мен билан бирга хўжайиннинг хизматчиси ҳам келган эди. У олиб кетди.

– Жуда яхши бўлибди.

Омборхонада буюмлар бетартиб сочилиб ётарди.

– Келинг, сочилиб ётган нарсаларни саранжомлаб қўйинг, иш ҳаққингизни олиб бераман, – деди.

Буюмларни тартиб билан жойлаштириб чиқдим. Дўкондор менга беш рубль пул берди. Пулни омборхонанинг яхудий котибидан олдим. Пулни олаётганимда мухрни лотин ҳарфи билан имзолашимга назар солиб кузатиб турарди.

Шомга яқин “Молик Аждар” мадрасасига етиб бордим. Мадраса мотамона тусда эди. Толиблар, мударрислар ва барча ходимларнинг юзларида ғам-андух сезилиб турарди. Бундан йигирма кунча муқаддам бу мадрасанинг икки мумтоз олим устозларини НКВД ушлаб кетган, уларнинг ҳозиргача қаерга олиб кетилганидан дарак йўқ эди. Намозни шу ерда бир неча киши билан адо этдик. Кўпчиликлари ўз хужраларида ўқидилар. Атрофга қоронғу тушган сари паришон бўла бошладим. Масжид, мадрасаларда бегоналарнинг қолишига ижозат йўқ, энди қаерга борсам экан—деб, ҳайрон бўлиб турган эдим. Тўсатдан боғбон либосидаги Темурбекни кўриб қолдим. Олдимдан жимгина ўтиб кетиб, қабристоннинг олдида тўхтади. Дуои мағфират қилиб, сув ичди-да яна индамай кета бошлади. Мен томонга қараб ҳам қўймаганидан тушундимки, ҳолат оғир. У мени олиб кетгани келган эди. Уни орқасидан кетаётганимни билдирмай аста юра бошладим. Икки юз газ узоқликдаги дўконга етиб, ичкарига кириб кетди. Мен эса тўғрига юришни давом эттирдим. Озроқ узоқлашиб секин орқамга қарадим. Ортимда икки киши суҳбатлашиб келар эди. Улар ўтиб кетишлари учун қадамимни секинлатдим. Икки юз қадамча юриб қаёққадир кириб кетишди. Тезда дўкон томон қайтдим. Темурбек чердак устидан атрофни кузатиб турган экан, тез тушиб эшикни очди. Ичкарига олиб кириб, чердакка чиқарди. Бўлган ишларни сўзлаб бердим.

— Тангриқул бирон янги хабар айтмадими? — деди дўкондор дўстимни назарда тутиб.

— Йўқ, ҳеч гап айтмади.

— Хўқандий ҳазратни ҳам Сибирга сургун қилмоқчи эканлар. Одамлар билиб қолиб, бутун шаҳар оёққа турибди. Катта раҳбарлардан тўрттасига — “Агар Хўқандий ҳазратга бирор зарар етса, ул кишининг ҳар бир туки эвазига коммунистлардан ўч оламиз” — деган мактуб ёзиб имзо чекибдилар. Шаҳар шўроси дарров мажлис ўтказиб, шундай қарор қабул қилдилар: “Хўқандий ҳазрат бешак руҳоний бўлсада, лекин халқпарварлиги, халққа қилган хизматлари учун уни ўз ҳолига қўйилсин”. Ушбу қарорни шаҳарга жар солиб овоза қилинди. Шу билан тўполон кўтарган халқ тинчиб-босилиб қолди. Лекин бу қарор вақтинчалик эди. Шаҳарнинг хуфя назорат ходимлари сони кўпайтирилиб, қалъанинг чор атрофини махсус оқ либосли аскарлар қўриқлай бошлади. Кечаси қўшимча куч

етиб келди ва уларнинг бир гуруҳи ичкарига киргизилди, — деб Темурбек сўзини тугатди.

Кечаси ўн бирларга яқин Тангриқул келди. Менга қараб:

— Нимага лотин ҳарфида имзо чекдингиз? Бундан сўнг ундай қилманг — деб огоҳлантирди.

Мен иш ҳақи олиб кетганимдан кейин, ҳалиги яхудий Тангриқулдан: “Бу бола қаерлик? Бу ерликка ўхшамайди. Кимнинг олдига келибди?” — деган саволлар қилган экан.

Ярим кечагача мамлакат аҳволидан сўзлашдик. Борган сайин уларнинг зулму-ситами кучайиб Қарши, Ғузор, Китоб, Сариосиё, Шаҳрисабз ва бошқа вилоятларда кечалари машҳур ва доно кишилар ғойиб бўлаётган эди. Мусулмонларнинг диний ва ижтимоий ҳаётига раҳна солаётган коммунистлар энг кучли зарбаларини бераётган эдилар.

Навбат менга ҳам етиб қолган эди. Мени ҳам кузатиб тафтиш эта бошладилар. Дўстларимдан Афғонистонга ҳижрат этишга маслаҳат олганимдан сўнг, Афғонистондан паноҳ топсам топдим, бўлмаса Ҳиндистонга ҳижрат этаман, деган қарорга келдим.

* * * * *

Афғонистонга ҳижрат

Ниҳоят сафар тайёргарлигини кўриб “Қархий” орқали Афғонистонга ўтиб кетиш учун йўлга отландим. Ҳазрат тоғам билан охири бор учраша олмаганимдан дилим ҳасратда фиғон ила нола этарди. Волидам берган тугунчани Темурбек ўзимга қайтарди. Хайрлашиб, бекатга етиб келдим. “Бисмиллаҳ” деб Термизга кетаётган поездга миндим. “Қархий” бекатига етмасдан “Имом Жаъфар” номли бир жой бўлиб, ниҳоятда вайрона ва чангалзорга айланиб қолган эди. Ўша ерда бир мазор бўлиб, бу жой шу мазорнинг номи билан номланар эди. Поезд ўша жойга етганда тўхтади. Тасодифан тўхтадимми ёки одатдагидекми, била олмадим. Вагондаги кўпчилик шу ерда тушиб қолди. Охири фарғоналик икки ёш йигит ҳам кичкина тугунларини кўтариб тушиб кетишди. Мен ҳам уларнинг кетидан тушдим. Ҳамма темир йўл ёқаси бўйлаб кетиб борар эди. Икки-уч дақиқа чор атрофга қараб туриб қолдим. Поезд кўздан ғойиб бўлиб, йўловчилар қаторлашиб кетиб борардилар. Фарғоналик йигитлар охирида кетиб боришар эди. Атроф қоп-қоронғу бўлиб, ҳозир қаерга келиб қолганимни билмас эдим. Кейин билсам бу жой ўша “Имоми Жаъфар” экан. Мен ҳам беихтиёр уларнинг орқасидан эргашдим. Анча юриб, Амударёнинг соҳилига етиб бордик. Бу дамда биздан бошқа ҳамма йўловчилар ўз

манзилларига етган эдилар. Йигитлар дарёда юз-қўлларини ювиб келиб ўтирдилар. Улардан бир оз узоқда мен ҳам ўтирган эдим. Эрталабдан буён ҳеч нарса емаганим учун, тўрвамдан Шаҳрисабзда беришган “кўмач” нони ва бир неча шингил узум олиб, аста олдиларига яқинлашдим. Саломлашиб, келтирган нарсаларни уларнинг олдига қўйдим. Ўз одатимизга кўра:

– Йўл бўлсин, ҳорманглар – дедим.

– Бор бўлинг – деб, туриб кўришдилар ва биргалашиб ўтирдик. Дастурхон солиб, толқон қўйдилар. Улардан бири:

– Сиз ҳам Имом Соҳибнинг мазорига кетяпсизми? – деб сўради.

– Ҳа.

– Қори Масъуд билан учрашасизми?

– Қайси қори Масъуд? – деб ўйланиб қолдим.

Тахминан икки йилча олдин Андижонга фуқаролик гувоҳномасини олгани борганимда Пойтуқда унинг уйида меҳмон бўлган эдим. Индамай кўя қолдим.

Бироз тановул этганимиздан сўнг, “Имоми Жаъфар” мазори томон йўл олдик. Дарё лабидан қишлоққа етиб, бениҳоят хушсурат ва чиройли масжид томон бурилдик. Масжид дарё чеккасидаги улкан харсанг тошлар устига қурилган эди. Масжиднинг кўриниши ниҳоятда кўнгил очарди. Табриз томондан тошдан-тошга урилиб келаётган Аму сувлари шарқираб масжид олдидан оқиб ўтарди. Кичик бир эшикдан ичкарига кирдим. Рўпарадаги сахнада қори Масъуд аста уёқ-буёққа юриб турар эди. Ўгирилиб йўлдошларимга қарадим. Улар узоқлашиб кўздан ғойиб бўлган эдилар. Намозни қори Масъуд имомлигида адо этдик. Сўнгра Туркистон уламоларининг анъаналарига кўра намоздан сўнг ҳалқа бўлиб ўтирдик. Ораларидан бир киши Қуръони каримдан бир неча оятни тиловат этар, имом эса у оятларнинг таржима ва тафсирини баён қилиб берарди. Имомнинг ишораси билан тилимга беихтиёр келган “Инсон” сурасини чиройли овозда тиловат қила бошладим. Мажлисада ажиб бир ҳолат вужудга келди. Тингловчилар соқолларини юлиб-юлиб йиғлашар эди. Қуйилиб келаётган кўз ёшларимни тўхтатиб бўлмас эди. Ҳалқа бир соатларча давом этди. Сўнг ҳамма тарқаб, имом хужрасига кириб кетди. Кўзларимни юмиб ўтирганимча қолган эдим. Бухородаги “Моғон” масжидида қилган истихорам, кўрган тушим чақмоқдек ёдимга келди. Ҳолат ажойиб туш кўрган эдим. Тушимда чипта олиб бир поездга минибман. Поезд бир вайрона олдига келиб тўхтабди. Одамлар мана шу жой “Имоми Жаъфар” – дер эмиш. Ҳамма поезддан тушиб кетаётган эмиш. Бир кишидан “Мен ҳам шу ерда тушаманми?” – деб сўрабман. У эса: “Тушадиган жойнинг ҳали узоқ,

у ерга кечаси етиб борамиз” — дермиш. Поезддан охирги икки йигит тушиб кета бошлади. Мен эса уларнинг ортидан эргашибман. Улар мендан узоқлашиб юришар эди. Тўсатдан мазор билан ёнма-ён бир масжидга кириб, намоз ўқирмишман. Ҳалқа бўлиб ўтирган кишиларга Қуръон тиловат қиляпман. Имом менинг олдимга келиб зор-зор йиғлармиш. Сўнгра қаёққадир йўл оламан. Бир неча афғоний кишилар мени ушлаб олишармиш. Бир оз жанжаллашиб мени эҳтиром ва шафқат ила таом билан сийлашар, менга тасалли беришарди. Тушим шу ерга етганда уйғониб кетгандим. Эндиликда тушимнинг аввалги қисми ўнгимда ҳақиқатга айланган эди. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муҳим ишларда “истихора” қилишга кўрсатма берганлари учун янада бунга иймоним зиёдалашди. Томирларим иймоний бир туйғу билан жўш уриб, пайларим ҳаракатланиб кетаётганини ҳис этиб турардим. Дилимнинг тубида яшириниб ётган: “Эй Аллоҳ, сенинг борлигинга ишонаман, сен ҳамиша мавжуддирсан, ўзинг сақлагувчи, қодир, розиқ, эшитиб турувчи, кўриб турувчи зотсан, ўлим ва ҳаёт сенинг қудрат қабзангдадир. Коммунист жоҳил, ғофил, золим, кофирдир. Сенгагина суяниб, сендангина мадад сўрайман” — деган нидо беихтиёр отилиб ҳайқириқ билан чиқиб кетди. Бу сўзлардан таъсирланган қори Масъуд ичкаридан чиқиб келди.

— Ҳой мусофир йигит қаерга кетяпсан?

— “Кархий”га.

— Пирматинг борми?

— У нима ўзи?

— Шўро командири берадиган ижозатнома.

— Ўзингиз қилиб бермайсизми?

— Пулинг борми?

Беш рублликдан бир нечта чиқариб унга узатдим.

Қори Масъуд хуш бўлиб:

— Ўзингга ҳам оз-моз олиб қолдингми? — деди.

— Аллоҳ берган кўп нарса бор — дедим, жавоб бериб.

Қаршида бир неча кўйлак сотиб олган эдим. Темурбек уларни Шаҳрисабзда фойдасига пуллаб, менга келтириб берган эди. Шунинг ярмини чиқариб қори Масъудга:

— Буларни ўз ҳожатингизга ишлатарсиз, менда турса йўқолиб кетиши мумкин — дедим.

Имом ҳайратланиб: “Ҳой девона, Кархийда ақча кўп зарур бўлади. У ернинг одамлари наманганликлардек саховатли, раҳмдил эмаслар” — деди. Сўнг менга яхшироқ тикилиб туриб:

— Сен Аъзамхон Намангоний эмасмисан? — деди.

– Худди ўзи бўламан.

Қори Масъуд ўзини таништира бошлаган эди, мен кулиб:

– Сизни аввалги назардаёқ таниганман. Икки фарғоналик йигитдан сизнинг бу ерда яшашингизни эшитган эдим, — дедим.

Қори Масъуд ҳам кулиб қўйди. Кейин аста куллар остига кўмилиб кетган ўтмиш хотираси чўғларини кавлай бошлади. Собитхон тўра домланинг вафотида Фарғона ва Туркистоннинг катта-катта уламолари йиғилиб, бизнинг боғимизда тўпланишган эди. Қори Масъуд ҳам бу йиғинда иштирок этган эди. Анча маҳалгача шу йиғин борасида сўзлаб, ич-ичидан эзилиб йиғлади. Сўнг бироз суҳбат мавзуси ўзгариб, ўзи ҳақида ҳикоя қила бошлади.

– Мен бу ерда бир ярим йилдан буён яшаяпман. Пешиндан сўнг қилган тиловатингиздан қалбим юмшаб қаттиқ эзилиб кетди. “Инсон” сурасининг

فَأَصْبِرْ لِحُكْمِ رَبِّكَ

“Роббингнинг ҳукмига сабр эт” — оятини такрор-такрор ўқиганингизда кўз олдидан Туркистоннинг бемисл фарзандлари, покиза бузруклари, ифтихорли фозил уламолари ўта бошлади. Улар Парвардигори оламнинг ҳукмига сабр этдилар. Руслар уларни сотиб олиш учун қанча ҳийла-найранглар ишлатиб ҳеч бир натижага эриша олмадилар. Аламларидан уларга ваҳшиёна жабр-зулм калтакларини ёғдириб шаҳид қила бошладилар. Аммо бу ишлари ҳам ҳақ устидаги мустаҳкам қадамларини жойидан қимирлата олмади. Бу золимлар қози Абдулмажидхон ҳазратларининг уйларига кечаси бостириб кириб, ушлаб бир чангалзор томон олиб кетдилар. У ерда ул зотни нишон қилиб ўйнабдилар. Бутун аъзоларидан қон оқиб йиқилиб ётсалар, жароҳатланган аъзолари устидан оҳак сепиб бир чуқурга ташлашадилар ва устиларидан қайноқ кул тўкиб: “Ҳозир ҳам кеч эмас, бизнинг сўзларимизни қабул қилсанг озод этамиз” — дейишади. Ҳазрат эса жавоб ўрнига (فأصبر لحكم ربك) оятини ўқирдилар. Ул ваҳшийлар шу ҳолатда яна оҳак ташлаб тириклайин кўмиб ташлайдилар.

Муҳйиддин ҳазратни ҳам олиб бориб: “Агар Ленин Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам билан баробардур” деб қабул этсангиз, ҳамда халққа ҳам шу сўзларни талқин этсангиз сизни ва барча хеш-ақраболарингизни қонундан юқори қўямиз, яъни ҳар қандай жиноят содир қилсаларингиз ҳам бирор жазо берилмайди” — дейдилар.

Ҳазрат босиқлик билан: “Чи нисбат хокро ба олами пок” — яъни, покиза олам билан бир тупроқ ўртасида қандай нисбат бўлсин!

Ленин Набий алайҳис-саломнинг пешоб ва нажосатлари тушган тупроққа ҳам баробар эмас. У ўзи бир золим, бадкор моддапараст бўлса, ҳар қанча ақлу-истеъдоди бўлмасин моддапарастликдан нарига ўтолмайди. Било модда ҳақиқатни илғай олмай инкор қилиш йўлига ўтди. Росулulloҳ алайҳиссалом эса ер юзидаги энг комил ва олий хулқ эгаси бўлиб, инсониятни тўғри йўлга бошладилар. Аллоҳ таоло ул зотга шундай билим бердики, бемодда нарсаларни ҳам ҳақиқатини билдилар ва бошқаларни ҳам ундан огоҳ этдилар. Ул зот тутган йўл инсонларни қоронғу зулмат қаъридан ёруғлик сари етакловчидир” — дея жавоб бердилар.

Бундай журъатни кутмаган коммунистлар қаттиқ ташвишланиб, у зотни йўқотиш пайига тушдилар. Ҳазрат махдумни ушлаб, баланд бир жойга тургиздилар. Беш гуруҳ аскар келтириб, бири бошни, иккинчиси бўйинни, учинчиси кўкракни, тўртинчиси сонни, бешинчиси тиззани нишонга олиб отишга буюрилган. Бирваракайига узилган кўплаб ўқлар ҳазратнинг жисмини парчалаб ташлади. Қон ва суяк парчалари ҳамма ёққа сачраб кетди. Бир ҳафта ичида ҳамманинг оғзида ҳазрат махдумнинг шижоати ва саботи ҳақидаги турли-туман сўзлар юрарди. Ҳазратнинг жасорати ва саботидан мусулмонларда ислом динининг ҳақ эканига яна бир карра қаттиқ ишонч пайдо бўлиб, исломнинг қадр-қиммати янада чуқурроқ бўлиб қалбларга ўрнашди. Сиз:

فَأَصْبِرْ لِحُكْمِ رَبِّكَ وَلَا تُطِعْ مِنْهُمْ آئِمًا أَوْ كَفُورًا

“Бас, сиз Парвардигорингизнинг ҳукмига сабр қилинг ва улардан (кофирлардан) бирон гуноҳкор ё кўрнамакка итоат қилманг!” — оятини қайта-қайта ўқиётганингизда, Муҳйиддин махдум ва бошқа бузрукворларни сизларнинг боғингизда қилган илм мажлислари ва шаҳодат топишларини кўз олдидан ўтказардим — деб, чуқур нафас олиб жимиб қолди. Анча фурсат сукут қилгандан сўнг:

— Тўразода, бу ерга қандай келиб қолдингиз? Ҳозир қаерга бормоқчисиз? — деб сўраб қолди.

— “Имоми Кархий”нинг мазорини зиёрат қилгани келган эдим. “Кархий”да бирор танишингиз бўлса мени таништириб қўйсангиз бўларди.

— Икки-уч танишим бор — дея, уларнинг яшаш жойларини тушунтира бошлади.

— “Бу ердан ҳар куни соат тўртда бир кема дарёнинг нариги соҳилига ўтади. Кемада паспорт ёки ижозатнома сўраб қолишса, Масъуд қорининг укасиман, ўзим толиби илмман. Талабалар орасида “Қатта қабр”нинг неча газлиги борасида баҳслашиб қолдик.

Ҳақиқатни билиб келиш учун кетяпман, дейсиз. Агар ижозат беришса яхши ва илло иш чатоқ бўлади. Яхшилаб ўйлаб кўринг” — деб, маслаҳат берди. Дуо қилиб, ”Далоилул хойрот” ва волидам берган Қуръони Каримни боғлаб елкамга ташладим. Қолган нарсаларни, қимматбаҳо чўнтак соат, компас ва икки мингдан ошиқ рублни тўрвамга солиб, имомга дедим:

— Бу нарсалар сизнинг ёнингизда тура турсин, агар русларнинг кўлидан эсон-омон ўтиб олсам, бирор танишингиздан хабар бериб юбораман. Муносиб кўрсангиз бу нарсаларни жўнатарсиз. Лекин ушланиб қолсам, мен сизни, сиз мени танимайсиз, келишдикми?

Сўнг хайрлашиб жўнадим. Масжиднинг дарвозасига етган эдим, орқамдан қори Масъуд ҳансираб келиб, оёқларимни ушлаб йиғлай бошлади.

— Сайидзода, мен ниҳоятда бадбахтман, сиз мени тавбамга гувоҳ бўлинг, дуо қилинг, Аллоҳ менинг гуноҳларимни кечирсин. Жуда катта гуноҳлар қилдим.

Мен ҳайрат ичида унга қараб турардим. Қори Масъуд эса қайта-қайта “Тавба қилдим, мен катта гуноҳқорман”— деган сўзларни такрорларди. Охири унга:

— Аллоҳ кечирувчи ғофурур роҳим зотдир — деб тасалли бериб, чиқиб кетдим. Кейин билсам қори Масъуд коммунистларнинг чангалига илиниб, ўз жонини сақлаш учун махфий хизматга ишга кирган экан.

* * * * *

Бегона кимсалар

Соҳилга борсам кема жўнашга тайёр бўлиб турган экан. Секин бир чеккасига бориб ўтирдим. Дарёнинг нариги соҳилидан Туркманистон бошланар ва унинг чегараси Афғонистон билан туташиб турарди. “Кархий” Туркманистоннинг машҳур шаҳарларидан бўлиб, буюк имом, фақиҳ ва муҳаддис Кархий роҳимахуллоҳга нисбатланар эди. Ярим соатлар чамаси юрганимиздан сўнг, бир қуроли аскар хорижийлардан паспорт, ерлик аҳолидан эса ижозатнома сўраб текшира бошлади. Охири менга навбат етиб паспорт сўради. Мен эса: “Мен шу ерликман” — дедим.

— Яхши, ижозатномангни кўрсат — деди, буйруқ оҳангида.

— Мен “Каттагўрни” зиёрат қилгани кетяпман, қайтиб келаман — дедим.

Аскар қизишиб, бор кучи билан юзимга шапалоқ тортди. Оёқларим ердан узилиб, учиб кетдим. Кўз олдим қоронгулашиб

кетди. Тезлик билан ўзимни дарёга отдим. Сузишни ҳамда сув остида узоқ туриш машқини яхши билардим. Орқамдан кетма-кет паққиллаган овоз эшитилди. Бир оздан сўнг хушимни йиғиб сув остида суза бошладим. Нафасим тугай бошлади. Сув бетига чиқиб орқамга қарасам кема анча узоқлашиб кетиб, соҳилга яқинлашиб қолибди. Дарё суви ғоятда совуқ эди. Агар жисм узоқроқ турса қон юриши қийинлашиб, ҳолсиз бўлиб қоларди. Мен ҳам борган сари ҳолдан тойиб борардим, охири беҳуш бўлиб қолибман. Бир маҳал ўзимга келиб кўзимни очсам дарё бўйида, ўт-ўланлар устига улоқтирилган ҳолатда ётар эдим. “Қуръони карим” ва “Далоил” белимда аввалгидек боғланиб турарди. Оёқ-қўлларим увишиб ўзимга бўйсунмас эди. Не машаққатлар билан судралиб қуруқликка интилдим. Судрала-судрала қуёш ботишига яқин қуруқликка етиб олдим. Ҳарчанд турмоқчи бўламан, ҳеч иложи бўлмади. Ноилож ётган жойимда оёқ-қўлларимни қимирлата бошладим, қон юриши тезлаб баданимга иссиғлик юра бошлади. Яна бир оздан сўнг туриб юришга ҳам қудрат сеза бошладим. Қайтадан ҳаётга келганим учун беихтиёр саждага йиқилиб, узоқ шукурлар қилдим. 15-20 дақиқалардан сўнг ўзимни тамоман яхши ҳис этиб, гўё ҳеч нарса бўлмагандек бўлиб қолдим.

Ойдин кеча. Зулматли чангалзор анча олисларга чўзилиб кетган эди. Эҳтимол “Кархий” бир неча мил шимол тарафда қолиб кетгандир. Дарёнинг чеккасидаги ўт-ўланлар майин шамолда мавжланиб силкинишар, мен эса кўйлагим хўллигидан титрар эдим. Ўзимни совуқдан паналаш учун ўт-ўланлардан бошқа нарса йўқ эди. Қудрати илоҳийни қарангки, нарироқда бир уюм хас-хашак тўплаб қўйилган экан. Парвардигорнинг берган “кўрпа”си ичида роҳатланиб тунни ўтказдим. Азон айтиб бомдодни ўқидим. Қуёш чиққандан сўнг ўтнинг орасидан чиқиб, дарёни томоша қилиб кета бошладим. Бир қанча масофа босганимдан сўнг қуюқ чангалзор келди. Чангалзорга кириб қудрати илоҳийга яна бир бор тан бериб ийманим зиёда бўлди. Дарахтлар орасида бир тут дарахти ҳам бор бўлиб оқ, қизил, сариқ ва қора тут доналари товланиб турарди. Аллоҳнинг ризқ берувчи, сахий зотлигига ишончим комил бўлиб, зоти покка ҳамду-санолар айтдим. Тутдан тўйгунча еб қоринни тўйғазиб чангалзордан чиқдим. Узоқдан шаҳар кўзга ташланиб турарди. Аста шу томон ошиқдим. Юриб-юриб бир дарахтнинг остига дам олиш учун тўхтадим. Уйқу ғалаба қилиб ухлаб қолибман. Қўкқис бўлган шовқин-сурондан уйғониб кетдим. Тепамда девқомат, узун-узун мўйловли, баҳайбат беш киши мен ҳақимда ниманидир қизғин баҳслашар эдилар. Афту-ангор, кийим-кечакларидан

уларнинг турк эмаслиги яққол сезиларди. Улардан бири пайдар-пай форсий тилда савол қила бошлади.

– “Ту ки асти? Аз кужо омади? Чи ирода дори?”, яъни: Кимсан? Қаердан келдинг? Нима мақсадинг бор?

Ишора билан тушунмаслигимни изҳор қилдим. Охири улар мени ўзлари билан қаёққадир олиб кетишга келишди.

Каттагина бир саройга етиб келиб, ичкарига кирдик. Айланасига хужралар қурилган бўлиб, улардан бир каттароғига кирдик. Ичкарида етти нафар басавлат киши ўтирарди. Хужранинг бир четида товуқ шўрва қайнаб, хужрани ёқимли ҳидга тўлдирган эди. Мени чорпояга ўтиргизиб ўзлари мен ҳақимда суҳбатлаша бошладилар. Еттовлон ора-сира менга қўрқинчли бир қараш қилардилар. Овқат пишиб, дастурхонга тортилди. Ҳаммалари ўтириб мени ҳам таклиф қилдилар. Биргалашиб таом едик. Таомдан сўнг яна мен тўғримда баҳслаша бошладилар. Уларнинг бири келиб, белимга боғланган китобларни чиқариб:

– Бу нима? – деди, ҳайрон бўлиб форсий тилда.

– “Далоили шариф” ва “Қуръони карим” – дедим таржимон орқали.

– Нимага ҳаммаёнинг хўл? – сўради таажжуб билан.

– Дарёга тушиб кетдим, жуда қийинчилик билан чиқиб олдим.

– Яхши, аввал буларни қуритгин, сўнг яна сўзлашамиз, – деди уларнинг ичидаги мулоийм ва раҳмдилроқ бўлган киши.

Саройнинг қуёш нури тушиб турган ерига ўтириб китобларни варақлаб қурита бошладим. Уларнинг шовқинлаб сўзлашишлари янада кучайиб борарди. Орадан озроқ вақт ўтиб, ҳалиги раҳмдилроғи чиқиб келди ва қўллари билан ишора қилиб:

– Ҳой бола, тезроқ бу ердан кет. Тақдиринг яхши экан қутулиб қолдинг. Ухлаётган ерингдан бир оз нарида “Каттагўр” мазорининг жомеъ масжиди бор, шу ерга бориб жойлашиб ол, – деди форс тилида.

Унинг бу куюнчаклик билан қилаётган ишоралари-ю сўзларидан мақсадни тушуниб тезда у ердан жуфтакни ростлаб қолдим. “Қархийда” икки ярим ой истиқомат қилдим. Шунда бу кишилар Мозори Шарифнинг ҳокими томонидан тайин этилган афғонлар экани, Афғонистонга ҳижрат қилиб ўтган мусулмонларни русларга тутиб бериш хизматига қўйилганлари маълум бўлди. Қори Масъуд ҳам, булар ҳам махфий маҳкаманинг аъзоси эдилар. Бироқ Аллоҳ таоло буларнинг қалбига раҳм солиб, улардан эсон-омон қутулиб кетдим. Улар бу кунгача неча минглаб кишиларни рус ҳукуматига тутиб берган эдилар.

* * * * *

Деҳқонлар

Офтоб ботишидан олдинроқ “Каттагўр”нинг жомеъ масжидига етиб бордим. Қалъасимон қурилган бу масжид саҳни кенг ва очиқ, айланасига катта-кичик бир нечта хужралар қурилган, дарсгоҳ ва хонақоҳдан иборат бўлиб, Туркистон масжидларига ўхшаб кетар эди. Машриқ томондаги каттагина мақбара Имом Кархийнинг мозори эди. Масжиддан азон товуши янграгач ичкарига кирдим. Бир қоп-қора киши азон айтаётган эди. Бунчали қора одамни Туркистонда ҳеч учратмаган эдим. Мен ва яна бир киши шул кишига иқтидо қилиб намозни адо қилдик.

Ёнимдаги киши суннатларга ҳам қарамай чиқиб кетди. Имом ҳам суннатларни тез-тез ўқиб чиқиб кетди. Ўзим якка суннату-нафлларни ўрнига қўйиб ўқиб намозгоҳдан чиқиб, мазор томон юра бошладим. Имом менинг чиқишимни кутиб турган экан. Мазор томонга кетаётганимни кўриб:

– Йўл буёқда — деди туркман лаҳжасида.

Дарвозадан чиқар-чиқмас имом ичкаридан ҳалқани солиб беркитиб олди. Кеч кириб машриқ уфқидан кўтарилган қоронғулик бутун оламни ўз домига торта бошлади. Кечани қаерда ўтказишни ўйлай бошладим. Масжидни ташқарисидан бир айланиб чиқдим. Деворлари қалин ва баланд экан. Машриқ томонда жуда катта ер экинга тайёрлаб қўйилганди. Нарироқда бир қудуқ олдида жуда ҳам баҳайбат, икки-уч одамнинг ҳам қулочи етмайдиган бир тут дарахти тарвақайлаб ётарди. Илгари бу ерлар ва мазорга ёпишиб турган икки боғ масжид ва мазор учун вақф қилинган бўлиб, ҳозирда “колхоз” ҳисобига ўтказилган эди. Дарахт олдида бориб, қудуқ устидаги туянинг устига ёпиладиган эски-туски ёпинчиқлардан олиб дарахтга чиқдим. Йўғон бир шохига яхшилаб тўшаб хуфтондан сўнг уйқуга кетдим. Субҳдан олдин уйғониб ерга тушдим. Чорва молларига тайёрлаб қўйилган сувда таҳорат олиб, намоз ўқидим. Бир қанча дуо ва нолалар билан Роббимга мурожат этиб ухлаб қолдим. Иккинчи бор уйғониб бомдодни ўқиш учун масжидга бордим. Эшик беркитилган кўйи турарди. Ҳар қанча овоз қилдим ҳеч сас бўлмади. Ноилож эшик олдида намозни ўқиб, Туркистон мусулмонларининг қисматига ачиниб кетдим. Бошларига келаётган бу мусибатлар ва синовлардан Аллоҳ нажот беришини тилаб, узоқ йиғлаб дуо қилдим. Кўз ёшларим билан кўзғалиб чангалзор томон равона бўлдим. Бир тепаликка чиқиб Қуръон ўқидим, махсус ояти-

зикрларни анча вақтгача ўқиб ўтирдим. Жуда очқаб кетганим учун чангалзорга кириб тўйиб тутдан едим. Кунлар шу туртибда ўта бошлади. Тунни дарахт тепасида, кундузи чангалзорда, очликдан чўғдек ёнаётган қоринни тут билан ўчирардим. Бир куни чангалзордан чиқиб жўяк олаётган деҳқонлар томон аста бориб, “Ассалому алайкум, ҳорманглар” деб юбордим беихтиёр. Улар мени қизгин кутиб олдилар. Кўринишидан янги деҳқонлар эди. Уларнинг ишларида на нафосат ва на маҳорат бор эди.

– Нима эсмоқчисизлар?

– Памилдори — деди улар.

– “Памилдори?!” — дедим ҳайратланиб. Бу жўякларда памилдори ҳосил бермайди. Сув тўлиқ айлана олмай, қуруқ тупроққа аралашиб қолади. Шу билан мавсум ўтиб меҳнатларинг зое бўлади.

– Худа ёрлақагур, қандай жўяк олайлик — дейишди, улар хурсанд бўлиб.

Фарғона водийсининг ҳар бир шаҳар ва қишлоғида сабзаёт экинлари экилиб деҳқончилик қилинарди. Менинг ҳам бу ишлардан озроқ маҳоратим, тажрибам борлиги учун ишга шўнғиб кетдим. Улар билан саккиз кун бирга ишладим. Ишим уларга манзур бўлиб, иш ҳақидан ортиқча 40 рубл ундириб беришди. Ўша кунлари қизгин ишлаётган эдим. Бир маҳал тушлик вақтида наслдор отга минган оқ-қизилдан келган бир шахс биз томонга кела бошлади. Ишбошимиз уни иззат-икром билан отдан туширди. Кўлидаги таёқчаси билан аста экинларни кўздан кечириб мен тарафга кела бошлади. Тўсатдан мункиб кетиб йиқилиб, оёқ суяги чиқиб қолди. Ишбоши дарров кўтариб табибга югурди. Бу шахс коммунистларнинг масъул аъзоларидан бири бўлиб, яҳудий мазҳабини ушлаган эди. Менинг олдимга етиб келганида албатта сўроқ-савол қилиб бир балони бошларди. Аллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, бу балони ҳам ўзи даф этди.

* * * * *

Хорланган асиралар

Бир неча кун ичида янги туркман биродарларим билан қалин дўстлашиб, бемалол уйларига ҳам борди-келди қила бошладим. Уст-бошимни ўзгартириб туркманча либослар кийиб олдим. Деҳқончиликдан ташқари шаҳардаги ишларига ҳам кўмаклаша бошладим. Шундай қилиб шаҳар билан алоқа ўрнатиб қори Масъуд тушунтириб берган манзилларни топиб, улар воситасида берган омонатларимни ҳам қўлга киритдим. Дарахтларнинг барги ҳам аста-аста тўкилиб, тутнинг устидаги қароргоҳим ҳам кўзга ташланиб

қолди. Яхудий бошлиқлардан бир мунча иш ҳақи олдим. Кўпроқ қисмини таниш деҳқонларга ҳадя этдим. Танишларим янада хурсанд бўлишиб орамиздаги меҳр-муҳаббат зиёда бўла бошлади. Улар менга “Имом Қархий” мозори атрофидаги хужралардан бирини олиб бериб, қўлимга бир “сертификат” бердилар. Унда: “Бу шахс моҳир деҳқон ва “Ўзбектур”нинг деҳқончилик ишлари бўйича нозиридир” — деган мазмундаги сўзлар ёзилган эди. Бу “сертификат” менга жуда қўл келиб шаҳарда бемалол юра олар ва кўпинча шаҳарда пешин ўқиб қайтардим.

Кунларнинг бирида шаҳардан саккиз дона туркман нони сотиб олиб, бошимга қўйиб “Имом Қархий”нинг мозорлари томон йўл олдим. Бироқ, беихтиёр катта тўғри йўл қолиб, бошқа бир кўчага қараб юриб кетдим. Шаҳардан бир мунча узоқлашганимдан сўнг хатарли бир кўчага кириб қолганимни пайқадим. Ҳар дам битта-иккита қизил аскарга йўлиқа бошладим. Орқамга қайтиб кетмоқчи бўлардим-у, лекин қандайдир куч мени олдинга қараб тортиб кетмоқда эди. Шаҳардан жуда олислаб кетдим. Йўлнинг сўл томонида катта бир виқорли қалъа кўришиб турарди. Атрофида қизил аскарлар кўплиги учун ўзимни ўнг томондаги кенг майдонга бурдим. Бу ерни “шаҳар ҳокимияти” деб номлар эканлар. Икки юз-уч юз қадамча юрган ҳам эдимки, қаршимдан чанг-тўзон кўтарилиб кела бошлади. Хаёлимга бирор тижорат карвони келяпти, деган фикр келди. Карвон яқинлашганда ўзимни йўқотиб, ҳайратдан ёқамни ушлаб қолган эдим. Бу тижорат карвони эмас... балки ... мингларча ёш-яланг ... асира қиз-жувонлар ... карвони эди. 12-25 ёшларидаги бу нозик-ниҳол асиралар чангу-ғубор остида ҳар қандай бағритошни ҳам юрагини эритиб юборадиган ҳолатда судралиб келишарди. Қуёш кўрмаган бу юзлар чангу-ғуборга беланиб, бегонанинг кўзи ҳам тушмаган кўйлақлар тилка-пора бўлган эди. Кўринишларидан ўзига тўқ шарофатли хонадоннинг қадр-қийматли ва севимли фарзандларига ўхшардилар. Ҳар бирининг қўлида биттадан белкурак, оёқларига эса чориқ этик кийган эдилар. Элликка яқин аскар уларни қўй-эчкилардек ҳайдаб келардилар. Асиралар мени кўриб ўраб олишди. Бошимдаги нонларни кўриб:

— Ака, сиз нонвоймисиз? — деди, улардан бир ўзбек шевасида.

— Йўқ, лекин олишларингиз мумкин — дея, нонни тақсимлашга тушдим.

Улардан ўзларини таништиришларини сўрадим.

— Биз — деди, улардан бири, — Самарқанд, Бухоро, Қарши, Хўжанд, Тошкент, Қўқон, Андижон, Наманган сингари турли вилоятларнинг азиз фарзандлари эдик. Бизларнинг айбимиз

оталаримиз, акаларимиз ёки умр йўлдошларимизнинг дин уламолари эканлиги ёки ишбилармон бойлиги, удабурон савдогарлиги, миллат раҳбари бўлиши ёки иззат-обрўси баланд улуғ кишилардан бўлишидир. Уларнинг дину-миллат ва ватан ҳимояси учун қилган ҳаракатлари “жиноят”, “золимлик” деб аталиб, қаттиқ қораланди ҳамда бутун оила аъзолари билан турли ерларга бадарға қилиндилар. Ҳозир уларни совуқ жойларга сургун этганлар ёки ўлдириб юборганлар. Бизларни эса бу ерда чўри каби ишлатяптилар. Кундузи 6 соат, кечаси 4 соат турли юмушлар қилдирадилар, — деди, изтироб ичида.

— Ҳозир қаердан келяпсизлар?

— Экинзордан ...

Жавобини тугатмаган ҳам эдики, қизил аскар етиб келди. Унинг кўриниши кўрқинчли тусда бўлиб жуда бадбашара эди. Дағдаға билан: “Сен кимсан?” — деди рус забонида. Нима дейишимни билмай туриб қолган эдим, қизлар жонимга оро кирди:

— Бу киши нонвой экан, биз унинг нонларини еб қўйдик, энди биздан ҳаққини сўраяпти — дейишди.

Бу ҳимоясиз мазлумаларнинг аянчли ва аччиқ ҳикояларидан қалбим тўлиб зўрға турган эдим. Иккинчи аскарнинг ҳам “Тўғри сўзлаяптими?” — деб урган дўқ-пўписасидан кейин, қалбимдаги изтироб йиғи бўлиб отилиб чиқиб кетди. Мени, бечора нонвой нонлари учун қайғуриб йиғлаяпти, деб ўйлаб, индамай қолди. Шу орада қолган асиралар ҳам етиб келдилар. Уларнинг назоратчиларининг каттаси нонларнинг ҳаққини ундириб олишим учун бир мактуб ёзиб бериб:

— Эртага келиб шу ердан ҳаққингни олиб кет — деди.

Бу ерни таништириш ёдимдан кўтарилибди. Бу ер асиралар яшайдиган қамоқхона эди. Улар ичкарига кираётиб бирма-бир номларини айтиб, қайта-қайта рўйхатдан ўтар эдилар. Улар ҳушёр эканлар. Менга ўзларини таништириб қўйиш учун ўзининг ва отасининг исмини баланд овозда айтиб кира бошладилар. Улардан бир нечталарини ёдлаб қолдим, холос.

— “Ботирбой қизи Хадижа, Андижондан”, “Андижонлик Турдидомла қизи Турсуной”, “Исмоилжон қори домла қизи Зубайда, Намангандан”. Тўртинчиси ҳам оғиз жуфтлаган эди, нозир бақариб:

— Фақат исмингни айт — деди. Сўнг менга ғазаб билан тикилиб: “Бу ерда нимага қаққайиб турибсан, йўқол бу ердан ...” — деди.

Қалбим дардига яна бир катта дард қўшилиб бу ердан жўнаб кетдим.

* * * * *

Изтироб

Бу ерга кириш ман қилинган жой бўлиб, жосус деб ушлаб олмасинлар, деган хаёлда шаҳар томонга қайтдим. Бу мазлумаларнинг ҳолатидан қалбим қон йиғлар эди. Уларнинг овозлари қулоқларим остида жаранглар, ғам-андуҳ билан ёрдам сўраб жовдираган нигоҳлари қалбимга наштардек санчилиб, оғритар ва: “Ҳой Туркистон азаматлари! Файрат-шижоатингиз қаерда қолди?! Фарзандларингиз ғайри динлар чангалида топталиб хорланыптику!” — деб нидо қилаётгандек бўларди. Юрагим ҳайқириб, ғайратим жўш уриб кетди, лекин қандайдир бемажоллик бутун баданимни ҳолсизлантириб, юм-юм йиғлаб юбордим. Шаҳарга яқинлашиб, бир тепаликка кўтарилдим. Шаҳарга назар ташлаб масжид ахтардим. Узоқдан чангалзорга туташиб турган бир масжид кўринди. Шу томонга қараб йўл олдим. Масжидга келганимда пешиннинг вақти чиқишга оз қолган эди. Масжид қадимий бўлиб, Афғонистондан келиб-кетувчи савдогарлар ва мусофирлар шу ерда истиқомат этардилар. Намозхонларнинг аксарини ҳам афғонийлар ташкил этарди. Таҳорат олиб намоз ўқий бошладим. Хаёлимдан ўша бечора мазлумалар ҳеч кетмас эди. Уларнинг қиёфалари бирма-бир кўз олдимдан ўтиб шу ўтирганимча йиғидан тўхтаётган олмас эдим. Йиғлай, йиғлай ухлаб қолибман. Кўзимни очсам чеккада ўтирган бир киши келиб:

— Афғонистонга кетасизми? — деб сўраб қолди.

Оғзимдан “Ҳа” деган сўз чиқиб кетди. Хаёлимга келган ўйдан, “ҳа” деганимга афсус эта бошладим. Бу киши ҳам коммунистларнинг одами бўлиши эҳтимоли бор эди. Юзимдаги ўзгаришни сезиб, “хотиржам бўл”, — деди-да, орқасидан юришга ишора қилиб юра бошлади. Асрни ўқиб масжиддан чиқдик. Шомга яқин бир карвонсаройга етиб бордик. Ичкарида бир жамоа афғонийлар яшар экан. Йўлбошчи ўзини таништирди. У бир афғоний толиби илм бўлиб бир неча йилдан буён йигирматача муҳожирни Афғонистонга ўтказиб қўйган эди. Менга қараб: “Иншааллоҳ сизни ҳам дорул-исломга олиб кетаман. Сиздан бошқа яна икки ватандошингиз бор. Эртага кечаси таваккал қилиб чиқиб кетамиз. Эртага шомдан олдин етиб келинг” — деди.

* * * * *

Оғир дамлар

Эртаси куни субхдан кейиноқ юкларимни олиб саройга келдим. Шомга яқин йўлбошчи ҳам икки фарғоналик йигитни бошлаб кириб келди. Улар кичкина мешчаларда сув олиб белларига боғлаб олишган, оёқларида чориқ, бошларига эса афғоний рўмол ташлашган эди. Бир-икки соат вақт сафар тайёргарлиги билан ўтиб кетди. Бу орада сарой ҳам афғоний мусофирлар билан лиммо-лим тўлган эди. Кўринишимиздан туркманларга ўхшаб кийиниб олган эдик. Шунинг учун бизга биров эътибор ҳам бермади. Чунки Афғонистонда туркман муҳожирлари кўп эди. Шом намозидан сўнг битта-битта чиқиб кетдик. Тахминан соат ўнларда биз шаҳардан анча олислаб кетган эдик. Орқамга бурилиб қарадим, шаҳар олисдан қора нуқта каби кўзга ташланарди. Қаршимиздаги сахро чексиз узоқ-узоқларга чўзилиб кетган эди. Саҳронинг бошланиш ерига етиб келганимизда йўлбошчи:

— Ҳар биримиз алоҳида-алоҳида юрамиз. Орамизда 200 метр масофа бўлиши зарурдир. Мабодо коммунистларнинг гумашталарига йўлиқсак ҳаммамизни тутиб олишмасин. Катта карвон йўлини ўнг томонимизга олиб, бир оз йўлдан узоқроқ юрамиз, лекин йўлни кўздан қочирманглар. Олдимизда қум саҳроси бошланяпти, адашиб қолишимиз мумкин, — деб тушунтириш берди.

Унинг кўрсатмасига кўра, катта йўлни тарк этиб, йўлдан чеккароқда кета бошладик. Олдинда йўлбошчи, орада 200-300 метр масофа қолдириб бизлар ҳам ортидан кетардик, юриб-юриб бир дарёга етдик. Биздан 200 метр узоқликда бир ёғоч кўприк кўриниб турарди. Карвон йўли шу кўприкка келиб давом этарди. Дарёнинг эни эса катта, тахминан 100 газлар атрофида эди. Йўлбошчимиз бизларга хар-ҳил сахро ҳайвонларининг овозларини ишора белгиси қилиб тушунтирган эди. Баъзи овозлар хатардан огоҳ этар, баъзиси эса жамланиш белгиси ва ҳоказо нарсаларга ишора бўлар эди. Дарёнинг яқинида “тўпланиш” ишорасини қилди. Дарров илдамлаб унинг олдига етиб бордик. Ҳолат бундай эди: дарёнинг икки томонини ҳам иккитадан кўриқчи кўриқларди. Биз турган томондаги қоровулнинг ити ҳам бор экан. Бахтимизга иккаласи ҳам ухлаб қолган эдилар. Келишувга кўра, икки киши қоровул ва итни ҳушёрлик билан кузатиб турадилар. Нариги икки киши эса у ёқдаги қоровуллар томон аста борадилар. Агар бирор ҳодиса юз бермаса қолганлар ҳам ортдан етиб борадилар. Аллоҳ кўрсатмасин-у, қоровуллар уйғониб қолса, иложи борича қуролларини олиб, ўзларини йўқотишга ҳаракат қилинади. У ёғдагилар ҳам хотиржам хуррак отишарди. Учтамиз эсон-омон ўтиб олдик. Охирги шеригимиз

ўтаётиб қоровуллардан нарироқдаги бутазор олдиға етганда мункиб кетди. Даҳшатли сукунатни шапур-шупур этган овоз бузиб юборди. Ит уйғониб овоз келган томонга хурий бошлади. Уйқусираган қоровуллар бир-биридан “Нима гап” — деб сўрардилар. Икки қоровул анчагача қаттиқ овозда сўзлашиб ўтирдилар. Бир оздан кейин ит ҳам, қоровуллар ҳам тинчиб қолдилар. Чангалзорға яна сукунат чўмди. Оҳисталик билан қадам ташлаётган тўрт кишининг шип-шип этган товуши бу сукунатни бузиб турарди.

Бир неча соат юрганимиздан кейин яна тўпланишга ишора бўлди. Тезда олдинга қараб шошдик. Тунда йўлбошчимиз катта йўлни йўқотиб қўйибди. Туни билан йўлни қидириб чиқдик. Тонг ёришай деганда бир тепалик кўзга чалинди. Унинг олдида бомдод намозини ўқиб, қумни кавлаб жой қилиб ичига тушдик. Кун бўйи шу ҳолатди ётардик. Кархийдан чиққанимиздан буён туз тотмаган эдик. Фақат оз-моз сув ичардик. Кеч кириб қоронғу тушганда: “Агар йўлни топмасак ушбу саҳрода ҳалок бўлиб кетамиз” — дедик йўлбошчига. Тун бўйи ой ёруғида қидиришимиз фойда бермади. Кундузни яна беркиниб ўтказдик. Кечаси яна қидиришни давом этгирдик. Тонгга яқин ҳамроҳларимиздан бири ҳолдан тойиб йиқилиб қолди. Сувимиз ҳам тугаб, оғиз ташналикдан қуриб борарди. Кунни ўтказиш учун яна бир жойга тушдик. Йўлбошчи сув қидириб чиқиб кетди, орадан икки соатлар ўтиб, сувнинг дарагини топиб келди. Икки-уч соатлик масофа нарида бир дарахт кўринибди. У ердан сув топишимиз ва йўлни ҳам маълум қилиш мумкинлигини айтди. Ҳамроҳимизни қимирлай олмайдиган даражага келиб қолганини кўрган йўлбошчи ўйланиб қолди. Ҳамроҳимиз эса: “Биродарлар, мени бу ерда қолдириб кетаверинглар, сизлардан ҳеч қандай гинам йўқ. Мен бир-икки соатлик меҳмонман. Мени деб ўзларингизни ҳам хатарга қўйманглар” — дер эди.

Биз уни бундай ҳолатда ташлаб кета олмас эдик. Кўлларимизни кўтариб Парвардигори илоҳийга нолалар қила бошладик. Мен ўзимда ажиб бир ҳолатни ҳис эта бошладим. Йўлбошчимиз эса “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим”— деди-да ҳолдан тойиб ётган йигитни елкасига кўтариб кета бошлади. Мен ҳозиргача у йигитнинг куч-ғайратига лол қоламан. Ташналик уни ҳам ҳолдан тойдирган бўлишига қарамай, қум устида учгандек бўлиб кетиб борарди. Биз эса юкларни кўтариб олиб унинг ортидан судралиб кетардик. У дарахт деб ўйлаган нарса бир қум тепалиги бўлиб, унга бир ярим соатда етиб бордик. Тепаликка озроқ масофа қолганда иккинчи ҳамроҳимиз ҳам йиқилиб қолди. Шунча уринсам ҳам уни кўзгата олмадим. Ўзим ҳам аста-аста ҳолдан тойиб борардим. Йўлбошчи

елкасига кўтарган йигитни тепалик олдига ётқизиб, қайтиб келиб бунисини ҳам олиб келди. Икки дўстнинг ҳолати ёмонлашиб тиллари осилиб қолди. Йўлбошчи қўли билан уларни елпий бошлади. Мен эса тепаликка кўтарилдим. Тепалик орти ҳам шу каби тепаликлардан иборат бўлиб, икки тепаликнинг ўртасида бир чуқурлик юзага келган эди. Аста тепаликдан тушиб ханжарим билан чуқурни кавлай бошладим. Бир неча қаричдан сўнг хўл қум чиқиб қолди. Кўзимдан умид учқунлари чақнаб кетди. Бир газча кавлаганимдан кейин, секин-аста сизиб сув кела бошлади. Тотиб кўрсам муздек ва ширин экан. Хурсандликдан “сув”, “сув” — дея ҳамроҳларим томон ошиқдим. Барча сув мешларини олиб булоқча томон югурдим. Келганимда хандақ сувга тўлиб турарди. Сувдан ичиб ҳаёт қонларим айлана бошлади. Мешларни тўлдириб, дўстларим томон шошдим. Оғизларига сув томчилатиб юзбаданларига сув сочдим. Бирор соатлардан кейин ўзларига келишди. Йўлбошчи иккимиз шукрона учун саждага бош қўйдик. Тўрвамдаги охирги толқонни чиқариб сувга аралаштириб беморларга едирдик, ўзимиз ҳам бироз тановул қилган бўлдик. Бир кеча-кундуз бу ерда турдик. Шерикларимиз ҳам анча ўзларига келиб қолдилар. Мешларни тўлдириб йўлга тушдик. Тепаликлар тугаб, очиқ бир майдонга етиб бориб икки соатча ором олиб яна сафарни давом эттирдик. Замини қумли, одам бўйи келадиган ўт-ўланлар ва қуюқ дарахтлар ўсиб ётган водийсимон бир жойга етганимизда тонг ёришиб қолди. Хар-ҳил қушлар кўнгилни хушлаб сайрашарди. Йўлбошчимиз бизни қолдириб, йўл қидириб кетди. Пешинга яқин келиб, йўлнинг маълум бўлганини, бизлар қумликда айланиб қолганимизни, Қархий бу ердан икки кунлик узоқда эканини айтиб кўнглимизни хотиржам қилди.

— Нарироқда мевали дарахтлар бор экан. Сизлар ўша ерда тура-туринглар. Мен Қархийга бориб озиқ-овқат, биронта улов топиб келаман — деди, йўлбошчи.

Шерикларим ҳам у билан шаҳарга қайтишни хоҳлашгани учун сафаримизнинг еттинчи куни Қархийга қайтдик.

* * * * *

Дорул—ислом

Етти кеча-ю саккиз кун дарбадарликдан сўнг Қархийга кириб бордик. Шаҳарга икки мил қолганда, ҳамроҳларимдан рухсат олиб ёлғиз кета бошладим. Бир кеча-кундуз тутзорда кун кечирдим. Агарчи ноумид бўлиб қайтсам-да, дилим хотиржам эди. Истихора намозини ўқиб янада хотиржам бўлдим. Пешинда саройнинг

олдидаги масжидга бориб, таҳорат олиб намоз ўқидим. Суннату-нафлларни ўқиб салом бериб намозни тугатганимда бир кишининг мен тарафга кўз узмай тикилиб турганини сезиб, бу ҳам бирор жосус бўлса керак деб ўйладим. Намоздан сўнг дуога қўл кўтариб узоқ вақт дуо қилиб ўтирдим. У киши аста-аста сурилиб менга яқинлашди. Дуо қилиб турмоқчи бўлиб тургандим, қўлимдан тутиб:

— Бу ерга қачон келдинг?— деб сўраб қолди.

— Бу ерга ҳар доим келаман — дедим мен.

— Сарбонмисан?

— Йўқ, деҳқонман.

— Бу ерликка ўхшамайсан.

— Тўғри айтасиз.

— Бу масжид Афғонистон карвонбонлари учун қурилгандир. Бу карвон сарой ҳам улар учундир. Бошқа кишини кириши мутлақо ман қилингандир — деди, қаттиқ-қаттиқ овозда донадор қилиб. Унинг коммунистларнинг жосуси эканлигига шубҳам қолмаган эди. Қочишга чора йўқ эди.

— Агар мени текширмоқчи бўлсангиз идорангизга ёки бирор бошқа жойга олиб боринг, бу ерда Аллоҳнинг уйида яхши эмас — дедим, хотиржам қиёфада.

У эса: “Афғонистонга кетишни хоҳлайсанми?”— деди, кулиб.

— Хоҳлайман.

— Пул-мулинг борми?

— Қанча дейсиз?

— Бир эшак сотиб олгудек.

— Иккитасини ҳам сотиб оламан.

— Бас, бас, пуллариңни ёнингга солиб орқамдан юр — деди тураётиб. Орқасидан эргашдим. Карвонсаройнинг бир хужрасига олиб кирди. Бу киши Давлатқул исмли карвонбоши экан. Ўқиш-ёзишдан хабардор бўлиб арабий ва форсийда ўз она тилидек сўзлаша оларди. Ичкарида уч киши бор экан, улар карвонбошини ҳурматлаб, туриб кутиб олишди. Улар карвонбошини Давлат оға деб чақирардилар. Давлат оға:

— Бу йигитга бир чопон келтиринглар — деди.

Чопонни олиб кийдим. Чопон туркман туякашлари киядиган махсус либослардан эди. Уни кийиб туркманга ўхшаб кетдим шекилли Давлат оға кулиб юборди. Эртасига икки эшак сотиб олдик. Мен ва яна бир туркман киши Давлат оғанинг 50 нафар туясига туякаш бўлиб ёлланиб йўлга тушдик. Давлат оға биз билан бирга кетмаган эди. Икки соатча юриб бир қалъага кириб бордик. Ичкарида қуюқ тут дарахтларининг соясида Давлат оға икки

нотаниш киши билан ўтирарди. Бири туркистонлик қария, иккинчиси бир туркман йигит эди. Қария мен билан самимий кўришди. Овқатдан сўнг Давлат оға менга қараб:

– Бу киши Бухоронинг бузруг устозларидандирлар. Сиз билан бирга ҳижрат этадилар. Сизлар билан яна икки туркман йигити бирга кетади. Эшакларнинг бирига Бухорий устоз, иккинчисига сиз миносиз. Туркманлардан бири йўлбошчи бўлади. Унинг сўзидан чиқмайсизлар. Карвон кеч кириши билан жўнаб кетади. Дорул исломга етгандан сўнг бизнинг ҳаққимизга ҳам дуо қилинлар, – деди.

Белгиланган вақтда карвон йўлга тушди. Икки йигит ҳам қуролланган эдилар. Биз эса бир-биримиздан узоқроқ сафар қилар эдик. Йигитлардан бири олдинда, иккинчиси эса орқада кетарди. Биз карвондан бироз узоқда юрардик. Сафарни кечаси қилиб, кундузлари қуюқ ўтлар орасида яшириниб кунни ўтказардик. Икки бор дуч келиб қолган рус аскарларидан Аллоҳнинг ўзи асраб қолди. Ниҳоят чегарага ҳам етиб келдик. Йўлбошчи йигит қуюқ ўсиб ётган ўтлар орқали чегарани ёриб ўтиш кераклигини тушунтирди. Йўл ўйдим-чуқур ва хар-ҳил ҳашаротлар кўп эди. Тонг вақтида Афғонистон ислом ўлкасига қадам босдик. Хурсандлигимдан девона бўлаёздим. Майсалар устига бошимни қўйиб Аллоҳга ҳамду-сано айтдим. Бошимни кўтариб ўрнимдан турдим. Ичимдан келаётган ҳайқирикни босолмай:

– “Дорул-ислом, сенинг хокинг мен учун шифо ва сурмадир. Ҳой миллати афғон, сизлар бахтиёрсизлар. Сизларга Аллоҳ улуғ неъмат бергандир. У озодлик ва ислом неъматидир. Шояд сизларга унинг қадр-қиймати билинмаса. Бу неъматларнинг қадрини биз биламиз. Аллоҳ таоло сизларни бу неъматлардан Қиёматгача маҳрум этмасин” – деб қичқирдим.

* * * * *

Хотима

Самарқанду Бухоронинг қонли кечмишлари шу ерга етганда яқунланди. Қолгани ўзимнинг ҳаётим кечинмаларимдир. Афғонистон чегарасидаги “Андухўй” шаҳрида комиссариат мени қайтармоқчи бўлди. Шаҳар мусулмонлари ўз ҳимояларига олгани учун бу қарордан қайтишга мажбур бўлдилар. Андухўйда хилма-хил қийинчиликларга учраб Ҳиротга етиб келдим. У ерда мавлоно Абдурраҳмон Жомийнинг мазорларини зиёрат этдим. Онамнинг насиҳатларига биноан Қуръонининг жилдини кўчира бошладим. Бироқ жуда қаттиқлигидан, бир танишимдан теша олиб келишга

мажбур бўлдим. Жилдни синдириб ҳайратда қолдим. Меҳрибон онам бутун жилдни тилло билан тўлдириб чиққан эканлар. Бу тиллолар ғариблик вақтларимда жуда кўп асқотди. Ана шу тиллаларни сарфлаб Покистон ва Ҳиндистон уламоларидан диний таълимни мукаммал ўргандим.

Тамом.

Мундарижа

Таржимондан	3
Муаллиф борасида қисқача таништириш	6
Ҳижрат.....	7
Ўтмиш	9
Жасорат ёки ҳижрат сабаби.....	11
Наманган сари	16
Қўқон воқеалари.....	17
Самарқанд.....	24
Бухоро воқеалари	26
Киссавурлар.....	33
Термиздаги мудҳиш ҳодиса.....	36
Коммунистлар ҳийласи	39
Учрашув	43
Саййид Жалолиддиннинг кўзи очилди	44
Шаҳрисабздаги кунлар	45
Мужоҳидлар қишлоғи	50
Аллоҳ суйган кишилар.....	51
Аслаҳа таққан шайх.....	54
Аҳдга вафо этамиз.....	56
Афросиёбдаги мажлис.....	59
Мудҳиш ҳодисалар.....	61
Афғонистонга ҳижрат	66
Бегона кимсалар.....	71
Дехқонлар.....	74
Хорланган асиралар	75
Изтироб	78
Оғир дамлар	79
Дорул-ислом	81
Хотима	83